




Кенг күламли,
фикрий, сақоғий журнал

Ал-Ваңай

Ал-Ваңай сұзы

«Аср келишуві» ва «аравани эшакнинг олдига құшиш» назарияси



Ибн Зойид ва Күрфаз ҳукмдорлари орасидаги ёш шаҳзодалар
үшбу назариянинг энг күзга қўринган намояндаларидир

Ражаб Тоййиб Эрдоган
сіёсати Ислом мезонида (2)

Яңги фиқхий тадқиқот:
Саноат байтулмол учун
янги ресурсдир

Имом Бухорий... Уламолар ва
даъватни етказувчилар учун
ўрнак олинадиган намунаидир



407

Ўттиз бешинчи
йил чиқиши
Мұхаррам 1442Х
Сентябр 2020М

Ливан 1000 лира

Яман 30 риёл

Туркия 1 доллар

Покистон 1 доллар

Австралия 2,5 доллар

Америка 2,5 доллар

Канада 2,5 доллар

Германия 2,5 евро

Швеция 15 крон

Бельгия 1 евро

Швейцария 2 франк

Австрия 1 евро

Дания 15 крон

Ўшибу сонда

- «Аср келишуви» ва «аравани эшакнинг олдига кўшиши» назарияси... Ибн Зойид ва Кўрфаз хукмдорлари орасидаги ёш шахзодалар ушбу назариянинг энг кўзга кўринган намояндаларидир 3
- Ҳизб ут-Тахрир иккинчи рошид Халифаликни барпо этишга яқинлашмоқда ... 16
- Ислом ҳамда унинг инсониятни бошқаришга қодирлиги 29
- Ражаб Тоййиб Эрдоган сиёсати Ислом мезонида (2) 42
- *Олам мусулмонлари хабарлари* 51
- *Куръони Карим сухбатида* 57
- **Жаннат бөглари:** Агар мусибатлар бўлмаганида, қиёмат кунида зиёнга учраганлардан бўлар эдик (2) 71
- **Уларнинг ҳидоятларига эргашинг:** Ином Бухорий... Уламолар ва даъватни етказувчилар учун ўрнак олинадиган намунадир 81
- **Сўнгги сўз:** Амирликлар-(Истроил) келишуви эълон қилинганидан кейин: Араб давлатлари Лигаси Фаластин масаласида яшириб келган хиёнатини ошкор қилди 87
- Суданда ташқи ишлар вазирлиги матбуот котиби (Истроил) билан муносабатлар нормаллаштирилишини кўллаб-куvvatлаганидан кейин ишдан бўшатилди 88



«АСР КЕЛИШУВИ» ВА «АРАВАНИ ЭШАКНИНГ ОЛДИГА ҚЎШИШ» НАЗАРИЯСИ

ИБН ЗОЙИД ВА КЎРФАЗ ҲУКМДОРЛАРИ ОРАСИДАГИ ЁШ
ШАҲЗОДАЛАР УШБУ НАЗАРИЯНИНГ ЭНГ КЎЗГА КЎРИНГАН
НАМОЯНДАЛАРИДИР

Маълумки, одатда келишув томонлар ўртасида тузилади, кейин унга мувофиқ муомалалар юритилади, шартнома имзоланади, кейин унинг бандларига амал қилинади. Бироқ, ушбу «аср келишувви» бундан мустасно. Гарчи у ер юзидағи босқинчилликни мустаҳкамлаш, қонунийлаштириш ҳамда давом эттириш жиҳатидан ўзидан олдинги шармандалик келишувларидан фарқ қилмаса-да, бироқ у бандлари маълум қилинишидан ва шу ном остидаги янги келишувларда тасдиқланишидан олдин уларга амал қилинганлиги билан олдинги келишувлардан фарқ қиласи. Трамп Куддусни (Исройл) пойтахти деб тан олиш, Америка элчинонасини у ерга кўчириш қарорини қабул қилди, Ғарбий Қирғоз ва Иордан дарёсининг (Исройл)га қўшиб олинишини мъқуллади. У булардан бошқа бир қанча қарорларни, улар тўғрисида ҳеч қандай келишув амалга оширилмасидан олдин қабул қилди. Маълумки, ҳар қандай келишув икки томоннинг бўлишини тақозо этади... Шундай экан, «Аср келишувви»да иккинчи томон қани?

Ха, Фаластин масаласини ҳал қилиш барча тарафларини ҳолдан тойдирди. Америка ва бутун халқаро ҳамжамият Фаластин масаласини одатий йўллар билан ҳал қила олмади. Мусулмонларни динларига ёт ечимларга рози қилишдан, ҳукмдорларнинг ўз халқларини халқаро ечимларга ишонтиришларидан умид узилди. Мана шундан кейин, ишлар тартибига зид тарзда, яъни арава олдига эмас, орқага юриши учун «аравани эшакнинг олдига қўшиш» тарзида аср келишуви жорий қилинди. Ибн Зойид бошқалардан олдин яхудийлар билан муносабатларни нормаллаштиришини эълон қилиб, ушбу назариянинг энг кўзга кўринган намояндаси бўлди. Бу ерда Ибн Зойидга ўхшаган, Американинг мақсади амалга ошишини кафолатлаш учун унга қўшилишни кутаётган Кўрфаздаги бошқа

ярим ҳукмдорлар ҳам борлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалмоқда. Лекин биз уларга айтамизки, бундай одамлар, уларни хўжайнилари қаерга йўналтириласин бирон яхшилик келтиришмайди. Содда қилиб айтганда, ушбу келишувда мусулмонларнинг арzonгаров, пасткаш ҳукмдорларига таянилмоқда, кейин мусулмонларга бу келишув мажбуран юкланмоқда. Бу келишувнинг ундан олдинги, ҳукмдорлар билан тузилган келишувлардан фарқи шундаки, бунда ҳеч ким Америка ва (Исройл) белгилаган қарашдан бошқа қарашга эга эмас. Бу келишув фақат ижро қилиниш учун бўлиб, бу ерда мусулмонлар, ҳатто Фаластин аҳли ҳам ўз сўзини айта олмайди ва ҳамма фақат унга амал қилиши керак.

Ушбу турдаги келишувларни эълон қилиш Американинг муваффакиятсизликка учраб, боши берк кўчага кириб қолганини кўрсатди. Шу боис, бундай вазиятдан чиқиб кета олиш учун келишувларни шу тарзда эълон қилишга мажбур бўлди. Ушбу келишувнинг бу тарзда эълон қилинишини сиёсий Исломга қарши курашдан ажратиб бўлмайди. Чунки сиёсий Исломга қарши кураш мінтақадаги Америка халқаро сиёсатининг тамал тоши ҳисобланади ва сиёсий Ислом унинг манфаатлари олдидаги катта тўсиққа айланган. Америка бутун ўйин карталари ўзининг қўлида бўлишига қарамай, ҳозиргача сиёсий Исломни йўқ қила олмади. Чунки сиёсий Ислом мусулмонлар орасида жамоатчилик фикрига сингиб кетган. Сиёсий Ислом жамоатчилик онгини шу даражада шакллантириди, Америка уни ва унинг таъсирини эътиборсиз қолдира олмайди. Қолаверса, Американинг Эрон, Туркия ва Саудия каби мусулмонларни тамсил этишини энг кўп даъво қилувчи давлатлар ҳукмдорларига ифлос ролларни топшириши ушбу жамоатчилик онгини заифлаштиrmади, аксинча, кучайтириб юборди. Масалан, бугунги кунда мусулмонлар олдида Саудия ҳукмдорларининг обрўси тушиб кетди, нафақат уларнинг, балки ўз позицияларида шу ҳукмдорларга эргашган уламолар ҳам ўз обрўсини йўқотди. Демак, мусулмонлар Америка ўйлаганидек ҳукмдорларга ва уларнинг қарорларига эргашувчи эмас, аксинча, жонли (сергак) позицияга – гарчи бу позиция гоҳ кучайиб, гоҳида заифлашиб турса ҳам – эга бўлиб қолмоқдалар. Эронга келсак, мусулмонларга нисбатан душманона муносабати сабабли ҳамда Афғонистон, Ироқ, Яман, Сурия ва Ливанда Америка билан кўплаб муштарак манфаатлар кесишгани туфайли, у мусулмонларнинг душманига айланди. Мусулмонларнинг унга душманлиги жонли (тирик) душманликдир. Яъни, Уммат унга

нисбатан пайт пойлаяпти, мусулмонларга қарши содир этган жиноятлари учун ундан ўч олишни истайди. Мусулмонлар Эроннинг бу жиноятларини Америка манфаати учун содир этилган деб биладилар. Ҳатто мусулмонлар Эрдоганинг ҳалокатли шаръий хатоларини ҳам қайд этиб боришмоқда. Гарчи у бир мунча вақт мусулмонларни алдашга кодир бўлган бўлса ҳам, бу ерда унинг ҳалокатли хатоларини кузатиб бораётганлар ва унинг ролини фош этадиганлар бор. Мусулмонларнинг кенг онгли гуруҳи Эрдоганинг қилаётган ишлари ҳақида умумий тасаввурга эга. Унинг содда мусулмонлардан фойдаланиши онгли кишилар норозилиги ва танқидига учрамоқда. Эрдоган ва унга ўхшаганлар албатта тарих ахлатхонасига улоқтирилади. Американинг дунёнинг ҳамма жойида мусулмонларга қарши зулм эшигини очиши уларни ўз динлари устида янада хушёрроқ бўлишга ундаdi. Бошқача айтганда, биз ўлик Уммат билан эмас, балки тирик Уммат билан юзлашмоқдамизки, бу Умматда барча қувват элементлари яширинган ва у ўзининг ҳаётдаги ролини қайта эгаллашни интиқлик билан кутмоқда.

Фаластин масаласи дини билан тирик бўлган ушбу Умматнинг энг муҳим масалаларидан биридир. Ушбу келишувни Умматга на аср келишуви, на Трамп ва на унинг бўйсундирилган эшаги юклай олади. Ҳа, Трамп бу келишувни хукмдорларга юклаб, уларни очик-ошкора шу келишув тарафда туришга (аслида улар доим шундай бўлиб келган) мажбурлай олади. Лекин бу мусулмонлар учун ҳеч нарсани ўзгартирмайди. Бу келишув бундай битим ва келишувларнинг энг муваффақиятсизидир. Унда фақат соҳта тинчлик амалга ошишини яхудийларнинг ўзлари ҳам билишади. Шу боис, ушбу тинчлик қуруқ овоза қилишдан ҳамда Кўрфаздаги Умматнинг нефтдан тушган пулларини яхудийлар чўнтағига солиш учун хукмдорлар ўғирлаган маблағларни эксплуатация килишдан бошқа нарса эмас. Зоро, яхудийларнинг кимлигини жуда яхши биласиз! Улар пулга ибодат қиласидиган кимсалар бўлиб, ер юзидағи халқларнинг энг хасисидир.

Фаластин масаласи пайдо бўлганидан бери Ғарб учун ва яхудийлар учун улар ўртасидаги ҳамкорликка асосланган мустамлакачилик масаласидир. У Уммат кўксига санчилган заҳарли ханжар бўлиб, Ғарб бу ханжарнинг мусулмонларни заифлаштирувчи ва ҳолдан тойдирувчи омил бўлиб қолишини истайди... Мусулмонлар учун Фаластин масаласи ақидавий ва жиҳодий масаладир. Мусулмонлар наздида бу масалани халқаро қарорлар ва хоинларча тузилган келишувлар ҳал қилмайди.

Фаластин масаласи биринчи навбатда исломий масаладир. Иккинчи навбатда, унинг исломийлигини сақлаб қолиш борасидаги Парвардигорларининг амрини татбиқ қилиш юклатилган бутун мусулмонлар масаласидир. Кейин эса, Ислом билан бошқаришлари учун мусулмонлар томонидан танланган ҳукмдорларнинг масаласидир. Бу ҳукмдорлар Аллоҳга, Унинг Росули ва динига ҳамда мусулмонларга хиёнат қилган, Фарб ўзининг лойиҳа ва манфаатларининг ишончли қўриқчиси сифатида танлаган ҳукмдорлар эмас, балки, Уммат танлаган ва Парвардигор шариатини татбиқ этишда ўзидан вакил қилган ҳукмдорлардир.

Мусулмонлар Мусо алайҳиссаломдан бошлаб қиёмат кунигача яшаб ўтадиган яхудийлар ҳақида, уларга нима бўлиши, уларнинг тугаши қандай кечиши ҳамда ҳақиқий мусулмонлик сифатига эга бўлган мусулмонлар қўлида уларнинг давлати йўқ қилиниши ҳақида аниқ тасаввурга эгадирлар. Аллоҳ Субҳанаҳу улар ҳақида шундай дейди:

﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِيَنْ إِسْرَائِيلَ أَسْكُنُنَا الْأَرْضَ﴾

«(Фиръавндан) сўнг, Бану Исроилга: Мана шу ерни маскан тутинглар, дедик» [Исро 104]

Яъни, биз Мусодан кейин Бану Исроилга мана шу ерни маскан тутинглар, дедик. Яъни улар тарқоқ ҳолда яшайдилар, уларнинг тайинли макони ва миллий ватани бўлмайди. Ҳар бир юртда уларнинг кам сонли гурухи бўлиб, улар у ерда фасод уруғини сепишади ва бузғунчилик қилишади. Уларнинг бузғунчиликлари натижасида ўша юртлар аҳолиси ва ҳукмдорлари вақти-вақти билан уларни энг ёмон азоб билан азоблашган. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿وَإِذْ تَأْذَنَ رَبُّكَ لِيَبْعَثَنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَمَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءَ الْعَذَابِ﴾

«Ўшанда Парвардигорингиз албатта уларнинг устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблаидиган зотларни юборишини билдирган эди» [Аъроф 167]

Бунга тарих гувоҳ бўлган. Улар турли ҳалқлар ва давлатлар томонидан қийноққа солинган, азобланган, қувғин қилинган ва ўлдирилган. Чунки улар бузғунчи озчилик сифатида яшаган давлатларда фасод уруғини сепишда, низо қўзғашда, фоҳишаликни тарқатишида, судхўрликда, одамларнинг молларини ноҳақ-харом йўллар билан ейишда ва урушлар оловини ёқишида айбланишган... Улар тарқоқ бўлган пайтларида уларга ўзлари яшаётган давлатлар томонидан азоб берилган, уларни бутунлай йўқ қилиш юз

бермаган. Аллоҳ Таоло уларни бутунлай йўқ қилишни ирода қилгани учун уларнинг битта жойда, битта давлатда тўпланишига хукм қилди. Токи, уларнинг бутунлай йўқ қилиниши шу давлатда амалга ошсин. Бу ҳақда Аллоҳ Таоло шундай дейди:

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ حِثْنَا بِكُمْ لَفِيفًا﴾

«Бас, қачон кейинги (бузғунчиликнинг) вақти-соати келганида, сизларнинг барчангизни бир жойга жамлаймиз» [Исро 104]

Аллоҳ Таоло уларнинг икки марта түфёнга тушиб, бузғунчилик қилишларини айтган. Уларнинг биринчи түфёни ва бузғунчилигига Аллоҳ Таоло уларнинг устига куч-кувват эгалари бўлган Ўзининг мўмин бандаларини юборди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ أُولَئِنَّا مَا بَعْثَنَا عَلَيْكُمْ عَبَادًا لَّنَا أُولَئِنَّا بَأْسٌ شَدِيدٌ فَجَاسُوا خَلَلَ الْدِيَارِ وَكَانَ﴾

﴿وَعَدَنَا مَقْعُولاً﴾

«Бас, қачон у (бузғунчилик)лардан аввалгисининг вақти келганида, Биз сизларнинг устингизга (қилмишларингиз баробарида) жазолаши учун (куч-кувват эгалари бўлган) бандаларимизни юбордик. Улар (сизларни ҳалок қилиш, асир олиши учун) ҳовли-жойлар оралаб кездилар. (Бу ваъда) адo қилингувчи ваъда бўлди» [Исро 5]

Бу Умар ибн Хаттоб  даврида юз берган. Уларнинг биринчи түфёни ва бузғунчилигидан кейин яхудийлар ҳақида уларнинг тарқоқ ҳолда яшаб, уларга давлатлар томонидан энг ёмон азоб берилганидан бошқа нарсани эшитмадик. Бундай азобларнинг энг кўзга кўрингани немис ҳалкига қарши яхудийлар содир этган бузғунчиликлар оқибатида Гитлернинг уларга азоб берганидир. Яхудийларнинг иккинчи түфёни ва бузғунчилигига келсак, Британия бошчилигидаги куфр давлатлари ёрдами билан нажас давлат эълон қилиниши билан яхудийлар муборак Фаластин заминига тўплланган айни шу даврда бўлди. Яхудийлар ўзлари учун уларни жамлаб ҳимоя қиласидиган миллий ватанга эришдик, деб ўйлашмоқда. Лекин улар бунинг ортида Аллоҳнинг иродаси борлигини билишмайди. Чунки Аллоҳ уларни бутунлай йўқ қилиш учун бир жойга тўпланишларини ирода қилди. Яхудийларнинг ушбу иккинчи бор түфёнга тушиб бузғунчилик қилишлари мўмин бандаларнинг биринчи марта масjidга киргандаридек яна масjidга киришларини кутмоқда. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيَسْتَوْهُ وُجُوهُكُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةً وَلَيُبَيِّنُوا مَا عَلَوْا تَتْبِيرًا﴾

«Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишилари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га кириб, (уни топташлари) учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишилари учун (яна дуиманларингизни сизларнинг устингизга юборурмиз)» [Исро 7]

Аллоҳ Субҳанаҳу яхудийларни бутунлай йўқ қилиб, уларнинг давлатини батамом тугатишни ирова қилгани учун уларнинг бир жойга тўпланишларига хукм қилди. Шунинг учун биз уларга айтамиз: Истаганингизни қилинг, ваъда қилинган кун унтилмас ва сизлар бутунлай йўқ қилинадиган кун бўлади. У кун кечикмайди, мусулмонлар у кунни бетоқатлик билан кутмоқдалар. Сизларнинг йўқ қилинишингиз Росууллоҳ ﷺ башорат қилганларидек Ислом асосида ва мусулмонлар қўли билан бўлади». Бухорий Ибн Умардан ривоят қилган ҳадисда у айтади: Мен Росууллоҳ ﷺнинг шундай деб айтиётганларини эшитдим:

«تَقَاتِلُكُمُ الْيَهُودُ فَتَسْلُطُونَ عَلَيْهِمْ، مُّمَّا يُقُولُ الْحُجُّرُ: يَا مُسْلِمُ هَذَا يَهُودِيٌّ وَرَأَيَ فَاقْتُلْهُ»

«Яхудийлар сизларга қарши жанг қиласди, сизлар улар устидан хукмронликни қўлга киритасизлар. Ўшанда ҳатто тош ҳам: Эй мусулмон, мана менинг ортимда яхудий турибди, кел уни ўлдир, дейди». Бу – Росууллоҳ ﷺ:

«مُّمَّا تَكُونُ خِلَافَةً عَلَى مِنْهَاجِ النُّبُوَّةِ»

«Сўнг Пайғамбарлик минҳожи асосидаги халифалик бўлади», деб бизга ваъда қилган Халифалик даврида бўлади. Аллоҳнинг изни ила Халифалик дунёнинг шарқиу гарбига хукмронлик қилиши билан шонли давлатга айланади ҳамда Азиз ва Ҳамид Зотнинг тўғри йўлига даъват қиласди. Муслим Савбондан ривоят қилган ҳадисда Савбон айтади: Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ رَوَى لِي الْأَرْضَ، فَرَأَيْتُ مَشَارِقَهَا وَمَغَارِبَهَا، وَإِنَّ مُلْكَ أُمَّتِي سَيَبْلُغُ مَا زُوِّيَ لِي مِنْهَا»

«Аллоҳ ерни менга йиғиб кўрсатди, шунда унинг кун чиқишидан кун ботишигача барча жойларини кўрдим. Аниқки, Умматим мулки менга йиғиб кўрсатилган жойларгача етиб боради». Лекин бизнинг мақсадимиз Ғарб сингари халқларни

мустамлака қилиш, уларга зулм ўтказиш, бойликларини талонтарож қилиш эмас. Аксинча, одамлар тўп-тўп бўлиб Исломга кириши, кофир бўлган кимсалар сўзи тубан, Аллоҳнинг сўзи юксак бўлиши ҳамда уларни одамларга қуллик қилиш зулматидан раббоний хидоят нурига олиб чиқиш учундир. Бу эса, Аллоҳнинг рад этилмайдиган ва ёлғон бўлмаган ваъдасидир. Эртанги кун кутиб турган киши учун яқиндир.

Ушбу Ал-Ваъй сўзида берилган мақоламизга шайх Муҳаммад Мутаваллий Шаъровий роҳимаҳуллоҳнинг Исро сураси оятлари тафсирида айтган, (Исроил) давлатининг йўқ бўлиши тўғрисидаги гапларини кўшишни истадик. Биз роҳимаҳуллоҳнинг видеолекциясини қоғозга туширас эканмиз, одатда у ишлатган ўзгача маҳаллий лаҳжага ҳам, имкони борича ишлатган фасоҳатли араб тилига ҳам алоҳида эътибор бердик. Аллоҳдан бизни муваффақ қилишини сўраймиз. Шайх бундай дейди:

«Аузу биллахи минаш шайтонир рожим: Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِيَقِنَّ إِسْرَائِيلَ أَسْكُنُوكُمْ أَلَأَرْضَ﴾

«(Мусодан) сўнг Бану Исроилга Ерда яшанглар, дедик» [Исро 104] деди. Агар сизга кимдир Ерда яшанглар, деса, у сизга ер юзининг бирон қисмидан жой кўрсатиши керак. Аммо у Ерда яша, деди, холос. Хўп, у ҳолда, қаерда яшашингиз керак, масалан Бур Саиддами, Қоҳирадами, Мисрдами, Иорданиядами, қаерни ўзингизга маскан қилишингиз керак. Чунки бирор фалон жойда яша деса, ўша ердан аниқ жойни белгилаб бериши керак бўлади. Бироқ Аллоҳ Таоло (Ерда яшанглар), деди холос. Бунинг маъноси нима бўлади?! Бунинг маъноси шуки, яхудийлар ер юзида тарқоқ ва бўлинган миллатлар сифатида қолишади, ҳаргиз улар муайян бир жойни маскан қилишмайди, ҳеч қачон миллий ватанлари бўлмайди, деганидир. Яъни, яхудийлар баъзи юртларда озчилик бўлади ва ўша юртдаги одамлар уларга ташланиб, адоват қилиб, ўлдириб туради, демоқда. Шунинг учун Ҳақ Субҳанаҳу ушбу оятда ҳам бундай деган:

﴿وَإِذْ تَذَكَّرَ رَبُّكَ لَيَبْعَثُنَّ عَلَيْهِمْ إِلَى يَوْمِ الْقِيَامَةِ مَنْ يَسُومُهُمْ سُوءُ الْعَذَابِ﴾

«Ўшанда Роббингиз уларнинг (яхудийларнинг) устига қиёмат кунигача ёмон азоб билан азоблаб турадиган зотларни албатта юборишини билдирган» [Аъроф 167]

Билдирган, деяпти. Агар Парвардигор билдирган бўлса, демак, қиёмат кунига қадар яхудийларни азоблаб турадиган зотларни албатта юборади. Улар қиёмат кунигача хамиртуруш бўлиб

қолишади... Балки бу имон учун ва яхшилик учун кўпадиган хамиртурушдир.

Шаъровий сўзини давом эттиради: Аллоҳ Таолонинг

﴿وَقُلْنَا مِنْ بَعْدِهِ لِيَنْتَ إِسْرَإِيلَ أَسْكَنْنَا أَلْأَرْضَ﴾

«(Мусодан) сўнг Бану Исроилга ер юзида яшанглар, дедик», дея айтган сўзи ўз тасдиқини топди. Аллоҳ уларни ер юзида миллий ватанлари йўқ майда миллат қилиб, тарқатиб ташлади. Бироқ, ботил аскарлари бўлган бир қавм келиб, уларга миллий ватан қилиб берамиз, дейишмоқда. Улар яхудийлар учун миллий ватан қилиш харакатини бошлишди ва улар учун Фаластинни ватан қилишга қарор қилишди. Биз буни ўзимиз учун қасос, деб ўйламоқдамиз. Йўқ, Аллоҳ Таоло ушбу Исро сурасининг аввалида айтганидек, бизнинг уларга

﴿عَبَادًا لِّنَا﴾

«Бизнинг (куч-қувват эгалари бўлган) бандаларимиз» [Исро 4] дея сифатланган аскарлар сифатида зарба беришимизни хоҳламоқда. Маълумки, Ислом уларга дунёнинг ҳар бир ютида, яъни ер юзининг ҳамма жойида зарба бера олмайди. Лекин Аллоҳ уларга зарба берилишини хоҳлаган пайтда «لَوْيِفَا», дея айтилганидек, уларда тарқалган давлатлардан тўплаб олиб келиш мафкурасини пайдо қилди. Шунинг учун сура аввалида айтганидек,

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ﴾

(Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вакти-соати келганида),

﴿لِيَسْ رَبُّهُمْ لَوْيِفَا﴾

(юзларингизни қаро қилишлар учун)

﴿جِئْتَنَا بِكُمْ لَنْيِفَا﴾

(сизларни бир жойга жамлаймиз). (Яъни, уларни уриб ташлаш мақсадида бир жойда жамладик). Чунки Ислом бутун дунёга карши туришга, яхудийлар диаспораси ёки маҳалласи у ерда бор бўлган ҳар бир юрга уруш қилишга қодир эмас... Демак, Бальфур чақирган ҳамда Британия, Америка ва Исломга душман бўлган барча давлатлар қўллаб-қувватлаган яхудийларни бир жойга жамлашғояси Ислом масаласига хизмат қилиш учун бўлди. Бу қандай хизмат? Бу хизмат шуки, улар бутун ер юзида тарқоқ бўлгандаридан ва биз бутун ер юзида уларнинг изидан юра

олмаганимиздан кейин, юқоридаги оятда, Аллоҳ яхудийларни ер юзидан бир жойга териб олиб келажагини айтмоқда.

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ حَثَّنَا بِكُمْ لَفِيفًا﴾

(Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-соати келганида, сизларни бир жойга жамлаймиз)

Биз ҳозир яхудийлар билан, Аллоҳ Таолонинг қуидаги каломида марҳамат қилган босқичдамиз:

﴿شَمَّ رَدَدْنَا لَكُمُ الْكَرَّةَ عَلَيْهِمْ﴾

«Сўнгра Биз сизларни (яъни, яхудийларни) яна бир карра уларнинг устига голиб қилдик» [Исро 6]

Хўш, уларнинг ўша яна бир карра ғолиб бўлишлари муддати қачон тугайди? Қачонки, биз Аллоҳнинг куч-кувватга эга бўлган бандаларига айлансан тугайди. Сизлар Аллоҳнинг куч-кувватга эга бандалари бўлишни хоҳласангиз узоқлаштиринг, хоҳласангиз тезлаштиринг. Бироқ айни масалани диний масала деб билинг, уни арабларга хос масала ёхуд сиёсий масала, деб билманг, йўқ ҳаргиз бундай деманг. Балки, масалага имон ва Ислом масаласи деб қаранг. Бу эса, барчамиз Аллоҳнинг куч-кувватга эга бандаларига айланмагунимизча асло амалга ошмайди. Агар биз Аллоҳнинг куч-кувватга эга бандалари бўлсан, яхудийлар биздан ғолиб бўлишолмайди. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло Қуръонда бирон бир масалани кўтарган бўлса, воқеда ҳам уни тасдиқлайдиган бир ҳодиса бўлиши керак. Агар ҳаёт яхудийлар устимиздан ғолиб бўлмасдан давом этадиган бўлса биз ўз минхож-йўлимиздан йироқлашган, ҳамма ўз хоҳиш-истагига эргашган бўлади. Шу боис, орифлардан биридан (яъни, Аллоҳнинг каломини яхши тушуниш билан Унга яқин бўлган кишилардан) яхудийларнинг Байтулмақдисга кирганлари хабари айтилганда, у Аллоҳга сажда қилган экан. Шунда унга: яхудийлар Байтулмақдисга кирган бўлса, сиз нега Аллоҳга сажда қилдингиз, деб сўрашибди. Шунда у «Ха, Роббимизнинг

﴿وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةً﴾

(Аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун), дея айтган тасдиқини топяпти. Чунки аввалги сафарги киришлари амалга ошиб бўлгандан кейингина иккинчи марта киришлари рўёбга чиқади. Демак, бу содир бўлиши керак», дея жавоб берибди. У киши Қуръоннинг масалалари воқеликда тасдиқлангани учун Аллоҳга ҳамд айтмоқда.

﴿ثُمَّ رَدَدْنَا لَكُمُ الْكَرَّةَ عَلَيْهِمْ﴾

«Сўнгра Биз сизларни (яъни, яхудийларни) яна бир карра уларнинг устига ғолиб қилдик». Яхудийларга бундай имкониятни бермаймиз, деб айтилмайди. Чунки биз Аллоҳнинг куч-қувватга эга бандалари бўлмаганимиз учун улар яна бир карра ғолиб бўлишиди.

﴿ثُمَّ رَدَدْنَا لَكُمُ الْكَرَّةَ عَلَيْهِمْ﴾

«Сўнгра Биз сизларни (яъни, яхудийларни) яна бир карра уларнинг устига ғолиб қилдик», деган каломни яхудийларга қарата айтмоқда. Мана бу каломга ҳам диққат билан қаранг:

﴿وَأَمْدَدْنَاكُمْ بِأَمْوَالٍ﴾

(Биз сизларга мол-дунёни мўл қилиб бердик), деяпти. Эътибор берган бўлсангиз, яхудийлар ҳақиқатдан ҳам жуда бой-бадавлат. Кейин, «وَبَنِينَ» фарзандларни мўл қилиб бердик», дейилди. Яъни, бу фарзандларининг ҳаммаси армия сафида.

﴿وَجَعَلْنَاكُمْ أَكْثَرَ نَفِيرًا﴾

«Сизларни нафар жиҳатидан кўп қилдик». Оятдаги نفير нима? النفير сўзи инсоннинг ўзига ёрдам беришлари учун нафар-одам чақиришни англатади. Чунки ўзи бажара олишга куч-қуввати йўқ унинг. Хўш, анави яхудийларнинг ўзлари бажаришлари учун куч-қувватлари борми? Йўқ албатта. Шу боис, уларнинг орқаларида иккита йирик давлат турди. Демакки, уларга мол-давлат ва фарзандларни мўл қилиб берилгани ҳам, ёрдам берувчи одамларни берилиши ҳам ўз исботини топди. Кейин Аллоҳ ўз хукмини белгилаб, яхудийларга

﴿إِنْ أَحْسَنْتُمْ أَحْسَنْتُمْ لَا إِنْ فَإِنْ أَسَأْتُمْ فَأَنَّهَا﴾

«Агар чироили амаллар қилсангизлар, ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар, агар ёмон амаллар қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундир», демоқда. Ё Парвардигор, уларнинг ғолиб бўлиш ҳолатлари давом этаверадими. Албатта йўқ, давом этмайди. Чунки оятда бундай дейиляпти:

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيُسْئُوا وُجُوهُكُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةٍ﴾

﴿وَلَيُتَبَرُّوا مَا عَلَوْا تَتَبَرِّرَ﴾

«Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-соати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар

кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна устингизга юборурмиз)». Гёё бу каломни бизнинг аламдан сесканиб-уйғонишимииз ва қайта Аллоҳнинг бандаларига айланишимиз учун айтмоқда. Мана, бугун биз исломий уйғонишни ва исломий онглилик кучайиб бораётганини хис қилмоқдамиз. Қачон Аллоҳнинг куч-қудратли бандаларига айлансан, яхудийларга қарата

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ لِيُسْتَأْوِيُّونَ وُجُوهُهُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلَيُنَبِِّرُوا مَا عَلَوْا تَبَيِّرًا﴾

«Бас, қачон кейинги (бузгунчиликнинг) вақти-саати келганида, (улар яна) юзларингизни қаро қилишлари, аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишлари учун (яна устингизга юборурмиз)», деймиз. Қаранг, улардаги энг ҳурматли нарса нима? Улардаги энг ҳурматли нарса юз... Зеро, қаро бўладиган аъзо юздир. Энди,

﴿وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةٍ﴾

«Аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га кириб, (уни топташлари) учун», оятига келсак, бу ерда Роббимиз масжиднинг тарихига ҳам, унга қандай кириб борилганига ҳам батафсил киришмади. Оятни бир ўқиб кўринг:

﴿وَقَضَيْنَا إِلَى بَنِي إِسْرَائِيلَ فِي الْكِتَابِ لَتُقْسِدُنَّ فِي الْأَرْضِ مَرَّتَيْنِ وَلَتَعْلَمَنَّ عُلُوًّا كَيْرِيًّا ﴾
﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ أُولَئِمَّا بَعْثَنَا عَلَيْكُمْ عِبَادًا لَّهَا أُولَئِيْ بَأْيِّنْ شَدِيدِ فَجَاسُوا خَلَلَ الْيَارِ وَكَانَ وَعْدًا مَفْعُولًا﴾

«Шунингдек, Биз Бану Исроилга у Китобда: «Сизлар албатта Ерда икки марта бузгунчилик қилурсизлар ва катта түгёнга тушурсизлар», деб хабар бердик. Бас, қачон у (бузгунчилик)лардан аввалгисининг вақти келганида, Биз сизларнинг устингизга (қилмишларингиз баробарида) жазолаш учун (куч-қувват эгалари бўлган) бандаларимизни юбордик. Улар (сизларни ҳалок қилиш, асир олиш учун) ҳовли-жойлар оралаб кездилар. (Бу ваъда) адo қилингувчи ваъда бўлди» [Исрo 4-5] Аллоҳ Таолонинг

﴿وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوا أَوَّلَ مَرَّةٍ﴾

(*Аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун*), деган ояти ўша аввалги сафарда Масжидул ақсога кирилганига далолат қиласди. Ушбу кириш Умар رضнинг Халифалиги даврида, исломий кенгайиш пайтида бўлган. Лекин ўша пайтда бу масjidга кирганимизда «Исроил»дан қасос олмаганмиз. Чунки у пайтда Ақсо масжиди «Исроил»га тобе эмасди. Балки Рум давлатига тобе эди. Шунинг учун унга биринчи марта киришимиз улардан қасос олиш учун бўлмаган. Бу – кейинчалик «Исроил»да бўладиган иккинчи марта бўладиган кириш тўғрисидаги эслатмадир.

﴿لَيْسُّهُمْ وَجْهَكُمْ وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ﴾

«(Улар яна) юзларингизни қаро қилишлари ва аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун»

Бутун ғалаба яҳудийлар қўлидадир, шунинг учун биз масжиддан чиқишига мажбур бўлдик. Лекин кейинги бузғунчиликнинг вақти келганида биз уларни юзларини қаро қилиб, инша Аллоҳ аввалги сафар кирганимиздек, яна Масжидул Ақсога кириб борамиз. Бу ерда масjidга бугунги кунда кириш ҳақида гап кетмоқда, ўтмишдаги кириш ҳақида эмас. Чунки ўтмишда масжидга кириш яҳудийларни хор қилиш учун бўлган эмас. Чунки Ақсо масихийларга, Рум давлатига қарашли бўлган.

﴿وَلَيَدْخُلُوا الْمَسْجِدَ كَمَا دَخَلُوهُ أَوَّلَ مَرَّةٍ وَلَيُتَبَرُّو مَا عَلَوْا تَتَبَرِّرَ﴾

«Аввалги сафар кирганлари каби Масжидул (Ақсо)га киришлари учун ҳамда ўзлари эгаллаб олган (барча) ерларни вайрон этишилари учун». Яъни, вақтики келиб, яҳудийлар уй-жой куришади ва ўша ерларга жойлашадилар, биз эса, улар жойлашган ерларни вайрон қиласми, уларнинг вайрон бўлишлари ва ҳалокатга учрашлари муқаррар иш бўлиб, инша Аллоҳ бу албатта содир бўлади. Биз бунга мунтазирмиз.

﴿فَإِذَا جَاءَ وَعْدُ الْآخِرَةِ﴾

«Качон кейинги вақт-соат келганда», демоқда: ўша вақт-соатга интизорлик бизнинг қўлимизда бўлиб, агар биз қайта Аллоҳнинг кучли қулларига айлансанак, Роббимиз уни шаръий ваъдага албатта айлантиради. Худди биринчи марта бўлгани каби, уларнинг юзини қаро қиласми ва биринчи марта кирганимиздек Ақсога кириб, улар эгаллаб олган ерларни вайрон қиласми. Бутун оламлар Парвардигори Аллоҳга ҳамд бўлсин». Шаъровийнинг сўзларидан иқтиbos тугади.

Фаластин масаласидаги энг гўзал нарса шуки, у мусулмонлар учун тенгсиз ақидавий масалани тамсил этади. Аллоҳ Таоло бу масалани тафсилоти билан зикр килиб, ҳақ билан ботил ўртасидаги кураш хусусиятларини ўзгармас қилиб белгилади. У Зот Фаластин масаласи ҳақида аҳкомларни тартиб билан келтириди, бу масалани хушхабар қилди, унга имонни ажралмас қилиб боғлади. Аллоҳ юз берадиган воқеаларни шундай йўналишда белгиладики, агар мусулмонлар Аллоҳнинг куч-қувват эгаси бўлган бандалари бўлсагина ғолиб бўладилар. У Зот яхудийларни тарқатиб юборишни ирода қилди. Шунинг учун улар сочилиб кетишиди. Уларнинг тарқоқлиги уларни йўқ бўлиб кетишдан сақлаб қолади. Чунки тарқоқлик уларнинг устига уларни энг ёмон азоб билан азоблайдиган кимсаларнинг юборилишига тўсиқ бўлмайди. Лекин, Аллоҳ уларни йўқ қилишни истагач, улар бир жойда тўпланишлари учун уларда миллий ватан тузиш гояси пайдо бўлади. Улар ер юзида тарқоқ бўлишганида мумкин бўлмаган иш, яъни уларнинг йўқ қилиниши улар тўпланишганида мумкин бўлади. Яхудийлар ва Фарбнинг улар учун миллий давлат тузиш ҳақида фикрлаши ўзларига қарши режа тузиш бўлди. (Исройл) давлатининг йўқ бўлиб кетиши ҳақида сўз юритган Исройл сурасидаги оятлар гўзаллиги шундаки, бу ерда худди мусулмонларга имконият берилганидек, уларга ҳам имконият берилмоқда.

﴿إِنَّ أَحْسَنَتُمْ أَحْسَنَتُمْ لَا نَفْسٍ كُمْ وَإِنْ أَسَأَتُمْ فَلَهَا﴾

«Агар (шундан кейин) чиройли амаллар қилсангизлар – ўзларингизга яхшилик қилган бўлурсизлар. Агар ёмон – гуноҳ амаллар қилсангизлар ҳам ўзларингиз учундири». Мусулмонлар ҳам, агар Аллоҳнинг куч-қувватга эга бўлган қуллари бўлсалар, яхудийларни йўқ қиладилар ва агар бундай сифатга эга бўлмасалар бунга эришолмайдилар. Лекин, гайбий томон яхудийларни бузғунчилик қилишлари ва йўқ қилинишлари сари кетмоқда. Мусулмонлар ўз динларига қайтадилар ва яхудийларни йўқ қиладилар. □

**ХИЗБ УТ-ТАҲРИР ИККИНЧИ РОШИД ХАЛИФАЛИКНИ БАРПО
ЭТИШГА ЯҚИНЛАШМОҚДА**
**(Ёрдамсиз қолдирган ва қарши чиққанлар унга зарар
етказмайди, у Аллоҳнинг фармони келгунигача
шундай давом этади!!)**

Шойиф Шеродий – Яман

Ал-Ваъй журналиниң ушбу сони ҳижрий 1442 йилниң бошига, яъни, мухаррам ойига тўғри келди. Ушбу тақвимниң бошланиши нимани англатиши бизга яхши маълум. Рошид Халифаликни барпо этиш орқали динни барпо этишга ҳаракат қилишда хеч ким Ҳизб ут-Тахрирга тенглаша олмаслиги ҳам мусулмонларга сир эмас. Ҳизб барпо этишга ҳаракат қилаётган ушбу Халифаликка қарши Аллоҳга, Унинг Росулига ва мўминларга очиқ душман бўлганларниң барчаси ханузгача тил бириклишишмоқда. Бунда уларга ушбу Уммат ичидаги малай ҳукмдорлар ҳамда Аллоҳга ва охират кунига бўлган имон билан ҳисоблашмайдиган сохта уламолар эргашишмоқда... Уммат ҳар қанча азоб-уқубатларга дучор бўлмасин, Ислом бошқарувини талаб қилишдан уни ҳеч ким қайтара олмади. Чунки у Аллоҳниң буйруғи асосида ҳамда Ҳизб ут-Тахрир билан биргаликда ваъда қилинган Халифаликни барпо этиш орқали Аллоҳниң ваъдасини рўёбга чиқариш сари кетмоқда... Ҳизб ут-Тахрир ташкил топганидан бери жиддий ва қатъият билан меҳнат қилди. Унинг бирдан-бир сармояси фақат Аллоҳниң буйруғига ва Росууллоҳ ﷺниң тариқатига риоя қилиш бўлди. У бундан қилча ҳам оғишмади. Шунинг учун у кун сайин нусратга яқинлашмоқда, даъват фаолиятида ўтказган ҳар бир кунида унга хақ ваъда яқинлашмоқда. Биз буни айтар эканмиз, ҳеч кимни Аллоҳниң олдида гуноҳсиз деб билмаймиз. Ушбу мақолани биродарларимиздан бири ўтган маҳсус сон муносабати билан юборган эди. Бу мақола ушбу сонда, янги ҳижрий йил бошланиши муносабати билан нашр қилинди. Аллоҳ Таолодан ушбу янги ҳижрий йилда нусрат келишини сўраб қоламиз. Зоро, нусрат куни яқинлашиб қолди.

Ҳизб ут-Тахрир

﴿وَلَشُكْنُ مِنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَنَهَايُونَ عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар најсот топгувчилардир» [Оли Имрон 104] деб айтган Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолонинг буйругини бажариш учун ташкил топди. У – Халифаликни ва Аллоҳ нозил қилган шариат бошқарувини қайта барпо этиш сари Умматни етаклаш учун Уммат орасида ва у билан бирга фаолият олиб бормоқда. Ҳизб ут-Тахрир мабдай ҳизб бўлиб, у ўзи билан бирга фаолият олиб борганлар зиммасидан гунохни соқит қиладиган тарзда Халифаликни барпо этиш учун ҳаракат қиласи. У тариқатни кўра билган, фикратни ўзлаштирган, масаласини тушунган, Умматга қарши тўқилаётган фитналарни англаб етган ва тўғри уйғонишни рўёбга чиқаришга ҳаракат қиладиган Ҳизбидир. У ўз фаолияти давомида фақат шаръий ҳукмга риоя қиласи, ҳавоинафс, манфаат ёки бошқа сақофатлар таъсирига берилмайди ва ёлғиз Аллоҳ учун холис иш тутади. Унинг барча ижтиҳодлари аниқ белгиланган шаръий усулдан келиб чиқсан. У ўз ишида содик бўлишга жиддий ҳаракат қиласи, иши сўзига зид келмайди. Росууллоҳ ﷺ Маккада улар орасида динни барпо қилган ва улар У зот билан Мадинага хижрат қилган саҳобаларга мос келган сифат Ҳизбга ҳам мос келади. Аллоҳ Таоло саҳобаларни сифатлаб шундай дейди:

﴿لِلْفُقَرَاءِ الْمُهَاجِرِينَ الَّذِينَ أَخْرِجُوا مِنْ دِيَرِهِمْ وَأَمْوَالِهِمْ يَبْتَغُونَ فَضْلًا مِنَ اللَّهِ وَرِضْوَانًا وَيَنْصُرُونَ اللَّهَ وَرَسُولَهُ وَأُولَئِكَ هُمُ الصَّابِرُونَ﴾

«(У ўлжсалар яна) ўз диёрларидан ва мол-мулкларидан ҳайдаб чиқарилган зотлар – камбагал муҳожирларни кидирки, улар Аллоҳдан фазл-марҳамат ва ризолик истарлар ҳамда Аллоҳ ва Унинг пайғамбарига ёрдам берурлар. Ана ўшалар (имонларида) содик зотлардир» [Ҳашр 8]

Ҳизб Аллоҳнинг изни билан ўша (хадис шарифда айтиб ўтилган) музaffer гуруҳ бўлишга ҳаракат қиласи. Бу музaffer гуруҳга қарши чиқсанлар ва уни ёрдамсиз қўйганлар заар етказолмайди, у Аллоҳнинг фармони (қиёмат куни) келгунигача шундай давом этади.

Ушбу гурух хақида Ресуллар нинг бир қанча ҳадислари келган. Биз ўша ҳадислар орасидаги Бухорий, Муслим ва Аҳмад Муовиядан ривоят қилган ҳадисга чекланамиз. Бу ҳадисда Муовия айтади: Мен Ресуллар нинг шундай деб айтганларини эшитдим:

«لَا يَرَأُ مِنْ أُمَّةٍ أُمَّةً قَائِمَةً بِإِمْرِ اللَّهِ لَا يَصْرُؤُهُمْ مَنْ حَذَّهُمْ، وَلَا مَنْ حَالَفُهُمْ حَتَّىٰ يَأْتِيَهُمْ أَمْرُ اللَّهِ وَهُمْ عَلَىٰ ذَلِكَ»

«Умматим орасида Аллохнинг буйругини бажарувчи гурух ҳар доим бўлади. Уларни ёрдамсиз қўйган ва қарши чиққанлар уларга зарар етказолмайди. Улар Аллохнинг фармони келгунигача шундай давом этадилар». Ушбу гурухга Ресуллар нинг берган сифат мос келади. Муслим Абу Хурайрадан, Абу Хурайра Набий нинг ривоят қилган ҳадисда Ресуллар нинг айтадилар:

«بَدَا إِلِّي سُلَامٌ عَرَبِيًّا، وَسَيَعُودُ عَرَبِيًّا كَمَا بَدَأَ، فَطَوَّبَ لِلْغُرْبَاءِ»

«Ислом ғарип бўлиб бошланди ва у аввалгидек ғариблигига қайтади. Ғарибларга Тубо жанинати бўлсин». Имом Аҳмад ва Ибн Можжа бу ҳадисни ўрганиб чиқиб, Ибн Масъуднинг ҳадисидан охиридаги қўшимчаси билан нақл қилган. Унинг қўшимчаси қўйидагича: «Сўрадилар: Эй Ресуллар, ғариблар ким? Ресуллар нинг айтадилар:

«النَّزَاعُ مِنَ الْقَبَائِلِ»

«Кабилалардан четлаб бегона (ғарип) бўлиб қолганлар», яъни қабила ичидаги бир ёки икки киши. Ужуррий бу ҳадисни сахих санадлари билан ривоят қилган, Албоний уни сахих – деб айтган. Ужуррийга кўра, бу ҳадис қўйидагича: Улар ким эй Ресуллар? Айтадилар:

«الَّذِينَ يُصْلِحُونَ إِذَا فَسَدَ النَّاسُ»

«Улар одамлар бузса, ислоҳ қиласидиган кишилардир». Аҳмад ва Табароний Абдуллоҳ ибн Амр Набий нинг қилган ривоятни ўрганиб, санадлари билан нақл қилган ҳадисда Ресуллар нинг айтадилар:

«طَوَّبَ لِلْغُرْبَاءِ»

«Гарибларга жанинат бўлсин». Сўрадик: Гариблар ким? Айтадилар:

«قَوْمٌ صَالِحُونَ قَلِيلٌ فِي نَاسٍ سُوءٌ كَثِيرٌ، مَنْ يَعْصِيهِمْ أَكْثَرُ مَنْ يُطِيعُهُمْ»

«Итоат қиласынан күра осийлари күпроқ бўлган кўпгина ёмон одамлар ичидаги оз сонли солиҳ кишилар». Бу ҳадисни Албоний саҳих, деб айтган. Ушбу ҳадислардаги мазкур ғарифлар одамлар бузса ислоҳ қиласынан кишилардир. Улар одамлар бузган суннатни ислоҳ қиласынан фитнадан олиб қочадиган кишилардир. Улар қабилалардан четлаб бегоналашиб қолганлардир. Чунки улар оз сонли бўлиб, ҳар бир қабилада улардан бир ёки иккита бўлади. Имомлар бу ҳадисни шундай тафсир қиласидар.

Ушбу ҳадисни воқеликка туширишга харакат қилсак, унинг кўпроқ Ҳизб ут-Тахирга тўғри келишини кўрамиз. Биз яхши гумонда бунинг шундай бўлиб қолишини ва Ҳизбга боғланган вазифа даражасида бўлишимизни умид қиласиз. Росууллоҳ ﷺ башорат қилган Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик барпо бўлишининг охир замонда Ҳизб қўлида амалга ошиши биз учун катта шарафдир.

Аллоҳ бу Ҳизбга мабдаи фикрининг оламийлигига муносиб равишда бутун дунёга тарқалиш имконини берди. Унинг қиёдати, ишлаш услуби, табаний қилган фикрлари ва сақофати ҳамма жойда бир хил бўлди. Ҳизб аъзолари ўртасини фақат исломий робита боғлади. Қолаверса, у ватанпарварлик, миллатчилик каби яроқсиз робиталарга ва барча мустамлакачилик робиталарига қарши курашди. У ўз программасини фақат Исломдан олди, уни фақат Аллоҳнинг бўйруғи ва Росууллоҳ ﷺнинг суннати харакатга келтирди.

Ҳизб ут-Тахир ўз аҳлини алдамайдиган етакцидир. У Исломий ҳаётни қайта бошлиш учун ҳамда Пайғамбарлик минҳожи асосидаги иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш орқали ўз ғоясига эришиш учун ҳаракат қилмоқда. Ҳизб ушбу ғояни рўёбга чиқариш учун Аллоҳнинг Умматга берган ваъдасига бўлган тебранмас кучли имон билан кунни тунга улаб ишламоқда. Зоро, Аллоҳ Таоло бу Умматга нусрат ва ғолибликни, ер юзида халифа қилишни ваъда қилган. Аллоҳнинг ваъдаси рўёбга чиқади ва Аллоҳ Азза ва Жалла белгилаган кун ўз вақтида амалга ошади.

Ҳадисларда айтилганидек, Ҳизб ут-Тахирга қарши чиқадиганлар, уни ёрдамсиз қўйиб, унга заарар етказишни қасд қиласынан топилади. Лекин ёлғиз Аллоҳнинг фазли билан бу

унга зарар етказолмайди. Бу ерда ўзи ҳам даъватчи бўлиб олиб, Ҳизбнинг программасига қарши чиқаётган ҳамда одамлар томонидан жорий қилинган вазъий низомлар муваффақиятсизликка учраб, уларнинг юлдузи сўнган бўлишига қарамай, ҳамон уларни қўллашга чақираётган кимсалар бор. Яна бу ерда Халифаликни бузиб кўрсатиш ҳамда одамларни ундан нафратлантириш учун уни жирканч тарзда тасвирлаш орқали Ҳизбга қарши чиқаётганлар ҳам бор. Дарҳақиқат, улар кулашди, Халифалик эса, мусулмонлар қалбидан ўчмади. Чунки у режалаштирилганидан кўра кўпроқ мусулмонлар қалбига ўрнашган. Шунинг учун Ҳизб ут-Тахрирни бу тарзда ёрдамсиз қолдириш ва қарши чиқиш унга зарар етказолмайди... Биз кўряпмизки, Ғарб сиёсий Исломга (исламизмга) қатъият билан қарши курашмоқда. У одамларни илмсиз, ҳидоятсиз ва нур сочиб турувчи китобсиз адаштириш учун Эрдогандан намуна ўрнида фойдаланмоқда. Эрдоган Аллоҳ у ҳақида ҳеч қандай ҳужжат нозил қилмаган Исломни таклиф қилди, давлатнинг илмонийлигини эълон қилди. У Ғарб билан, хусусан, Америка билан Афғонистон, Ироқ ва Сурияда унинг Исломга қарши режаларига мувофиқ халқаро коалицияларда иштирок этди. Ўз динларига хиёнат қилган бошқа хукмдорлар ҳам шундай иш тутишди... Бу ерда яна бошқалар ҳам борки, биз уларнинг аҳдини бузганлигига, Ҳизб фаолиятига қарши чиқиб, уни ёрдамсиз қолдираётганига гувоҳ бўлмоқдамиз. Росулуллоҳ  буларнинг Ҳизбга асло зарар етказа олмасликларидан, аксинча, Ҳизб чорасиз қолган ҳолида ҳам Аллоҳ уни ғолиб қилишидан бизни хабардор қилдилар. Мазкур ҳолатлардан бирортасининг ҳақдан устун келгани ёки Уммат ёки эзгу ишга бел боғлаган гурухнинг орқага ўгирилиб кетгани ҳақида хабар берган ҳадислар келмаган. Аксинча, турли ҳадисларда битта музaffer гурух ҳақида айтилган. Бу ҳадисларда музaffer гурух аъзоларининг сифатлари ҳақида:

«النَّزَاعُ مِنْ الْفُبَائِلِ»

«Қабилалардан четлаб бегона (ғариб) бўлиб қолганлар», унинг фаолияти ҳақида:

«قَائِمَةُ بِأَمْرِ اللَّهِ»

«Аллоҳнинг буйруғини бажарувчилар», сабри ҳақида:

«مَنْ يَعْصِيهِمْ أَكْثَرُهُمْ مِنْ يُطِيعُهُمْ»

«Уларга итоат қиласиганлардан кўра осийлик қиласиганлар кўп бўлади», деб келади. Шунингдек, бу ҳадисларда улар мақталади, қадрланади ҳамда Аллоҳнинг фармони келгунигача қарши чиққанлар ва уларни ёрдамсиз қолдирганлар уларга зарар етказолмаслиги айтилади. Сўнг уларнинг ғолиб бўлиши, яъни Аллоҳнинг нусрати билан қўллаб-кувватланиши, Халифалик барпо бўлиши ҳақидаги ваъда Аллоҳнинг изни ила уларнинг қўлида амалга ошиши таъкидланиб, Умматга хотиржамлик баҳш этилади.

Ҳа, ишонч билан айтамизки, Ҳизб ут-Тахрир давомий илдамламоқда. У ўз мақсадига ва ғоясини рўёбга чиқаришга ҳар қачонгидан кўра кўпроқ яқинлашди.

Ҳизб ут-Тахрирнинг иккинчи рошид Халифаликни барпо этишга яқинлашиб қолганига далолат қилган белгилар:

1 – Ҳизб ут-Тахрирда ҳақиқий ўзгаришни амалга оширишга ҳаракат қилаётган сиёсий ҳаракат қувватининг элементлари етарли. Ушбу элементлар қуйидагилар:

- а) Ушбу ҳаракат кўтариб чиқаётган фикр қуввати.**
- б) Ушбу ҳаракатни тамсил этган Ҳизб ёшларининг ташкилий қуввати.**

в) Вужуд қуввати ва ҳаракатнинг Умматга таъсири.

Ҳақиқий ўзгаришни амалга оширишга ҳаракат қилаётган сиёсий ҳаракат Умматни уйғотишни, жамиятни ўзгартиришни ўз олдига мақсад қилади ва ҳокимиятни олиш учун ўз кучига таянади. Сиёсий ҳаракат буларни ўз кучи ва уни қўллаб-кувватлайдиган Уммат вакиллари кучи билан амалга оширади. Шунинг учун сиёсий ҳаракатнинг ҳокимиятни олиши Уммат орқали бўлади. Чунки Уммат салтанат соҳиби бўлиб, ҳокимиятни бериш ва ҳадя қилишга ёки тортиб олиш ва тўсив қўйишга у эгалик қилади. Агар сиёсий ҳаракатнинг иши шу суратда бўлмаса, унинг иши вазиятни ўзгартиришга эмас, балки, шахсларни ўзгартиришга қаратилган бўлиб қолади. Бу билан у Умматни уйғота олмайди, юртларни озод қилиб, халқларни бирлаштиrolмайди... Бундай қувват Ҳизб ут-Тахрирда етарлидир. Чунки фикр ҳаракатнинг асоси, ҳаёти ва қувватининг сиридир. У жозибали куч бўлиб, шахсияларни тарбиялади, давлат арбобларини етиштиради ва тарафдорларни жалб қилади.

Ҳизб ёшларининг қувватига келсак, у уларнинг фикрий қувватида, исломий шахсияларининг кучлилигига, гояни рўёбга чиқариш учун бор нарсаларини қурбон қилишга ва исталган вақтда бирон ишга чақирилса уни кутиб олишга тайёрлигига намоён бўлади.

Ҳизбнинг Умматга таъсир ўтказишига келсак, у номаълум эмас, маълумдир. Ҳизб куфр лойиҳаларига ва уларнинг тил бириктирувларига қарши чиқсан пайтида, Уммат вакилларидан ўн минглаби Ҳизб чақириғини қабул қилди. У «CEDAW» конвенциясига ёки «Аср келишуви»га қарши чиққанида ва булардан бошқа ишларда шундай бўлди. Бу шуни кўрсатадики, Ҳизб Умматга кенг миқёсда таъсир ўтказа олди, Уммат ундан ва унинг фикридан таъсирланиб, Ҳизб тадбирларида иштирок этиш таклифини тез қабул қилди.

2 – Ҳизб ут-Тахрир тариқати Росууллоҳ ﷺ нинг мақсадга олиб борувчи тариқатидан намуна қилиб олинган шаръий тариқатидир:

Ҳизб ут-Тахрирнинг Росууллоҳ ﷺ тариқатидан намуна қилиб олинган шаръий йўлдан боришига келсак, бу унинг Росууллоҳ ﷺ тариқатини маҳкам ушлашида очиқ кўриниб турибди. У шу тариқатдан қилча оғишмаган. У Росууллоҳ ﷺ даъват фаолиятида босиб ўтган йўлнинг айни ўзига эргашади ва У зотнинг уч босқичли тариқатига риоя қиласди:

Биринчи босқич таъсис этиш ҳамда Ҳизб аъзоларининг исломий шахсияларини шакллантириб, ҳақиқий ўзгаришини амалга ошириш учун уларни фикрий ва сиёсий қурашга киришга фикран ва руҳан тайёрлаш босқичидир. Ҳизб амалга оширмоқчи бўлган ҳақиқий ўзгариш башариятни Аллоҳдан бошқасига қуллик қилишдан озод этишга қаратилади. Токи, мутлақ ҳокимият бутун оламлар Роббиси бўлган ёлғиз Аллоҳники бўлсин.

Иккинчи босқич умумий онгдан келиб чиқсан жамоатчилик фикрини вужудга келтириш ҳамда капиталистик низом вайроналари устида Халифаликни ўрнатиш мақсадида етакчиликни қўлга олиш учун фикрий ва сиёсий қураш олиб бориш орқали Умматга таъсир ўтказиш босқичидир.

Учинчи босқич ҳокимият бошқарувини қўлга олиш босқичидир. Ҳаётнинг ҳамма соҳасида Исломни татбик этиш

хамда Ислом рисолатини даъват ва жиҳод орқали бутун оламга етказиши бунинг ортидан келади.

3 – Ҳизб ут-Тахрир уйғониш лойиҳаси сифатида кўтариб чиқаётган Халифалик лойиҳасининг илдамлаши ва куфр лойиҳаларининг ортда қолиши:

Ҳизб ут-Тахрир кўтариб чиқаётган Халифалик лойиҳасининг илдамлаши ва кофирлар лойиҳаларининг ортда қолишига келсак, буни Ҳизбнинг даъват фаолиятида босиб ўтган йўлида кўриш мумкин. Ҳизб энди ташкил топган пайтда унинг Халифалик барпо этишга чақириши Уммат фарзандлари томонидан маъқулланмаган эди... Кейин, қабул қилиш ва эшитиш босқичига ўтди. Чунки Уммат фарзандларидағи маъқулламаслик ҳолати йўқолганидан кейин, улар Ҳизб ут-Тахрир таклифига қулоқ тутиб, уни маъқуллай бошлиши. Гарчи Халифаликка эришиш жуда қийин ва бунинг учун улкан қурбонлик берилиши керак бўлса ҳам, улар унинг воқеий ҳақиқат бўлиши мумкинлигини англай бошлиши... Сўнг, улар қабул қилиш ва тинглаш босқичига ўтиши. Чунки уларнинг фикрлаши Ҳизб ут-Тахрир таклифларини тинглашдан уни қабул қилишга, Ҳизб йигитлари билан баҳс қилиб, уларнинг жавобларини эшитишга ва Ҳизб тадбирларида иштирок этишга кўтарили... Сўнг, Халифаликни қўллаб-куватлаш босқичига ўтди. Одамлар Ҳизбдан ғояни рӯёбга чиқариш учун ҳаракатни икки баробарга оширишни талаб қиласидиган бўлиб қолиши... Сўнг, одамлар Халифалик лойиҳаси атрофида жислашиб, ҳамжиҳатлик билан уни қўллаб-куватлаш босқичига ўтди. Дарҳақиқат, тоғутлар бошқарувини рад этишни, Аллоҳнинг шариати татбиқига қайтишни, Ислом минҳожи асосида юришни талаб қилган жамоатчилик фикри кучайди. Чунки Умматнинг Халифалик лойиҳасини қабул қилиши тобора ортиб бормоқда. Мусулмонлар томонидан шахсга алоқадор шаръий аҳкомларга риоя қилиниши Умматнинг Исломдан бошқасини ҳаёт йўли ва низоми сифатида қабул қилмаслигини кўрсатмоқда.

Бошқа томондан, капиталистик Farb сақофати ва унинг яроқсиз қонунлари кундан-кунга таназзулга юз тутмоқда. Чунки бу қонунлар режимлар орқали шафқатсиз суратда мусулмонларга жорий қилинаётган бўлса-да, бугун улар жон талвасасида. Умматнинг тўхтовсиз қайталаниб бораётган, бугунги кунда Ливан, Ироқ ва Жазоирда бўлганидек, бир юртда

жиловланиб улгурмасидан бошқа юртда алантага олаётган күзголонлари бутун дунёга, энг аввало мусулмонлар юртларига мажбуран жорий қилинган капиталистик Farb қонунлари барбод бўлганини кўрсатади. Буларнинг барчаси, Хизб ут-Тахрир кўтариб чиқсан Халифалик лойихаси илдамлаб бораётганини, куфр лойихалари инқирозга учраб, ўлим ва кулаш сари кетаётганини исботламоқда.

4 – Ҳизб ут-Тахрирга қарши курашда глобал миқёсда хйила-найранг қилинаётганига қарамай, у ўз жисмини кенгайтириди ва ўси.

Ҳизб ут-Тахрирга қарши курашда глобал миқёсда хйила-найранг қилинаётганига қарамай, унинг ўз жисмини кенгайтиргани ва ўсганига келсак, бу ҳаммага очиқ кўриниб қолди. Ҳизб ут-Тахрир бошида Байтул Мақдис ва унинг атрофларидагина мавжуд эди. Кейин у ўз жисмини кенгайтириб, ўси, танаси мустаҳкамланди. Ҳатто у чуқур илдиз отиб, шоҳлари уфқларга бўй чўзди. У бугун 40дан ортиқ мамлакатда фаолият олиб бормоқда. Ҳизб ут-Тахрирга қарши курашда глобал миқёсда хйила-найранг қилинаётган, унинг даъватини бузиб кўрсатиш уринишлари давом этаётган ҳамда йигитлари таъқибга учраб, ҳибсга олинаётган бўлса-да, у кундан-кунга кенгайиб бормоқда. Ҳизб йигитларини «Қабилалардан четлаб бегона (фариб) бўлиб қолганлар» деб айтиш мумкин.

5 – Кофирлар ва уларнинг малайлари Ҳизб ут-Тахрир ҳақидаги маълумотларга қаттиқ туриб, доимий равишида яширишга уринишларига қарамай, уларнинг бу уринишлари барбод бўлди.

Ҳизб ут-Тахрир рошид Халифаликни барпо этиш орқали исломий ҳаётни қайта бошлаш учун ўз даъватини етказа бошлаганидан бери, унга ва унинг даъватига қарши у ҳақдаги маълумотларни яшириш уринишлари шиддат билан давом этиб келмоқда. Кофирлар ва уларнинг малайлари мусулмонлар Халифаликни барпо этиш фикрати атрофида бирлашмасликлари ҳамда ўзларининг режимлари қуламаслиги учун бу фикратнинг мусулмонлар акли ва қалбига сизиб кириб бормаслигини исташади. Буни кафолатлаш учун бу уринишлар билан бир қаторда Ҳизб ут-Тахрир йигитларини таъқиб қилиб, ҳибсга олишни ҳам давом эттиришмоқда. Бироқ, Ҳизбнинг ўсиши, йигитларнинг саботи, қиёдатнинг зукколиги ва холис Аллоҳ

учун ҳаракат қилиши Уммат орасига даъватнинг кириб боришига имкон берди. Бу билан уларнинг уринишлари барбод бўлди. Кофирлар ва кофир малайлари истамаса-да Ҳизб даъвати мусулмонлар ақли ва қалбига кириб борди, улар даъватга қулоқ тутиб таъсирландилар.

Уларнинг уринишларини барбод қилган омиллардан яна бири шуки, Ҳизб ут-Тахрир ўз даъватини Умматга етказиша йигитлар меҳнатига ва ўзининг хос матбуот бўлимига таянади. У ўзи фаолият олиб бораётган кўплаб юртларда матбуот бўлимини очган. Бундан ташқари, радио ва Воқия канали ҳам эфирга узатилмоқда. Шунингдек, бутун дунёга Ислом ақидасидан келиб чиқиб ёндашган ҳолда ёзиладиган кучли мақоллари билан бошқа газета ва журналлардан ажralиб турувчи Роя газетасини, Ал-Ваъй ва Мухторот журнallарини босиб чиқармоқда. Буларнинг Ҳизб даъватини Умматга етказиша ҳамда Уммат душманларининг Ҳизб ут-Тахрирга ва унинг даъватига қарши уринишларини барбод қилишда таъсири кучлиdir.

Ҳизбга қарши курашда одамларни ундан ва у кўтариб чиқаётган даъватдан буриб юбориш учун унинг сурати ва даъватини бузиб кўрсатиш, ҳақиқатларни ўзгартириш каби услублар қўлланаётган бўлишига қарамай, у Аллоҳнинг ёрдами билан ўз фаолиятини давом эттириб, бу тўсиқларни бузиб ўтмоқда. Медиа соҳасида Ҳизбга қарши (Cumulative effects – Кулминатив таъсир), «Media effects theories – Ўлдирувчи ўқ», «Gatekeeper – Дарвозабон», «Uses and Gratifications Theor – Фойдаланиш ва мукофотлаш», «Two Step Flow Theory – Икки босқичли оқим», «Agenda theory – Кун тартиби назарияси» каби жирканч назариялар қўлланмоқда. Бироқ, уларнинг бундай макр-хийлалари барбод бўлиб, Ҳизб ут-Тахрир Аллоҳнинг ёрдами билан улар қўйган тўсиқларни бузиб ўтиб, фош қилишда муваффақиятга эришади. Ҳизб ёлғиз Аллоҳнинг ёрдами билан Пайғамбарлик минҳожи асосидаги рошид Халифаликни барпо этишга яқинлашишда давом этади.

6 – Ҳизб ут-Тахрир кўтариб чиқсан Халифалик лойиҳаси илдамлашидан кофирлар ва уларнинг малайларининг кўркуви кучайди.

Ҳизб ут-Тахрир кўтариб чиқсан Халифалик лойиҳаси илдамлашидан кофирлар ва уларнинг малайларининг кўркуви

кучайганига келсак, Хизб ут-Тахирнинг Халифаликни барпо этиши куфр қонунлари билан бошқарип келаётган малай режимларнинг қулашини англатишини улар яхши билишади. Аслини олганда бу – Фарб раҳнамолари ўз халқларини келгуси Халифаликдан огоҳлантириб очиқ эътироф этганларидек – Фарб ҳазоратининг йўқ қилинишидир. Америка, унинг иттифоқчилари ва малайларининг хоссатан, Сурия қўзғолонига, омматан Уммат қўзғолонларига қарши кўр-кўронга уруш очиши Фарб раҳбарлари қалбига қўркув тушганини очиқ кўрсатмоқда.

7 – Ҳизб ут-Тахирнинг Исломга амал қилиб, унда сабот билан туриши ва унинг учун озорларга сабр қилиши.

Ислом Уммати Исломни маҳкам ушлаб, ундан бошқа йўлларни рад этсагина, мусулмонлар ҳаётида Ислом аҳкомларини барпо этсагина яна қайта уйғонади ва аввалгидек инсонлар учун чиқарилган энг яхши Умматга айланади. Ҳизб ут-Тахрир 60 йилдан зиёд вактдан бери Ислом даъватини кўтариб чиқар экан, у бунда сабот билан турди ва фикрларидан бирон бир фикрни ўзгартирмади. У даъват йўлида Уммат душманлари ва кофирлар малайлари етказган турли озорларга бардош берди. Бу унинг ўз мақсадини амалга оширишга яқинлашиб қолганини кўрсатади.

8 – Одамлар ўйлаб топган мабдаларнинг инқирозга учраб, уни қабул қилган халқларнинг мубҳамлик гирдобига тушиб қолиши ва баъзиларининг Исломни қабул қилиши.

Капиталистик мабданинг яроқсизлигига далолат қилган биринчи хусусият, унинг инсоният ақлидан келиб чиққанлигидир. Бу мабданинг мұваффақиятсизлиги бутун дунё миқёсида фош бўлди ва унинг жаҳаннами оловида ҳамма, шу жумладан ўзининг аҳли ҳам қовурилди. Кофирлар хокимиятга малайларни олиб келиб, мусулмонлар ҳаётида капитализмни мажбуран жорий қилишларига ва улар устидан деярли бир аср давомида ҳукмронлик қилишларига қарамай, Ислом юртларида 2011 йили аланга олган қўзғолонларда мусулмонлар кофирларни, уларнинг қонунлари ва малайларини рад этишларини эълон қилдилар. Кофирлар орасидаги ақлли кишиларнинг Исломни қабул қилишлари, мусулмонлар орасидаги осийлик қилиб келган мусулмонларнинг қайта Исломга риоя қила бошлашлари Халифалик барпо бўладиган куннинг яқинлигини кўрсатмоқда.

9 – Хизб ут-Тахрир Аллоҳнинг изни ила нусрат ўзининг қўлида амалга ошишига уни лойик қилиб қўядиган шартларни бажарди.

Ҳеч шубҳа йўқки, нусратнинг сабаби битта бўлиб, бу сабаб унинг Аллоҳдан эканлигидир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا جَعَلَهُ اللَّهُ إِلَّا بُشَرَىٰ وَلَئِنْظَمَنَّ بِهِ قُلُوبُكُمْ وَمَا أَنْتَصَرُ إِلَّا مِنْ عِنْدِ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ عَزِيزٌ﴾

Ҳиким

«Бу (мададни) Аллоҳ фақат сизларга хушхабар бўлсин, деб ва дилларингиз таскин топишлиги учун қилди. Аслида нусрат фақат қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган Аллоҳ ҳузуридан келур»

[Оли Имрон 126]

Бирок, бу ерда нусратнинг шартлари бор бўлиб, уларни бажарганлар Аллоҳ томондан қўллаб-қувватланишга лойик бўлишлари учун бу шартларни бажаришлари керак. Бу шартлар: Аллоҳнинг ваъдасига ва нусрат мўминлар учун эканлигига ишониш. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَكَانَ حَقًّا عَلَيْنَا نَصْرٌ الْمُؤْمِنِينَ﴾

«Имон келтирган зотларни голиб қилиш бизнинг зиммамиздаги ҳақ бўлган»

[Рум 47]

Аллоҳнинг шариатига риоя қилиш ва иккинчи рошид Халифаликни барпо этиш учун давомий ҳаракат қилиш ҳамда Халифаликни барпо этиш фаолиятида Росулуллоҳ ﷺ нинг тариқатларига чекланиш... Хизб ут-Тахрир Аллоҳ Таолонинг изни ила нусрат шартларини ўз қўли билан амалга оширишга кодирдир.

10 – Умматнинг онги ошди ва Уммат вакилларидан кўпчилигининг Халифалик лойиҳасини қўллаб-қувватлаши кучайди.

Умумий онгдан келиб чиқсан жамоатчилик фикри ҳукмрон фикрга айланди. Куфр давлатлари буни тўлиқ англаш етди ва бундан қўрқмоқда. Кофирлар ва кофир малайлари адаштиришга, онгсиз нодон қилишга уринган Умматнинг ҳолати ўзгарди. Чунки унинг онги кундан-кунга юксалиб бормоқда. Бунинг белгилари:

1. Уммат Исломни истайдиган ва бошқа барча мабдаларни рад этадиган бўлиб қолди.

2. Уммат бирликни истамоқда ва бўлиниб, парчаланишни рад этмоқда.
3. Уммат ўзининг душманини ва душман малайларини таниди.

4. Демократия каби одамлар ўйлаб топган мабдаларнинг синиши ва уларнинг инсон муаммоларини тўғри ҳал қила олмаслиги.

5. Мустамлакачи давлатлар, энг аввало Американинг оғир аҳволда қолиб, инқирозлар гирдобида қолиши.

6. Уммат назаридаги хукмдорлар қулади, уларнинг Аллоҳга, Унинг Росули ва мўминларга қилган хиёнатлари, шунингдек, Умматнинг душманларига малайлик қилишлари фош бўлди.

Ҳизб ут-Тахрир Аллоҳнинг изни ила ғолибdir, ёрдамсиз кўйган ва қарши чиққанлар унга зарар етказолмайди, Аллоҳнинг фармони келгунича у шундай давом этади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَيَنْصُرَنَّ اللَّهُ مَنِ يَنْصُرُهُ﴾

«Албатта Аллоҳ Ўзига (яъни динига) ёрдам берадиган зотларни ғолиб қилур» [Хаж 40] □

ИСЛОМ ҲАМДА УНИНГ ИНСОННИЯТНИ БОШҚАРИШГА ҚОДИРЛИГИ

Абдуллоҳ Қозий – Яман

Афсуски, бугунги кунда бутун Ислом юртлари гоҳ Шарқдан, гоҳида Фарбдан таъсирланиб, фикрий гирдоб ичра тентираబ юрибди. Айни пайтда Ислом ушбу ҳолатга якун ясаш учун ер юзидағи турли ҳалқ ва миллатлар эътиборини тортган муборак исломий уйғониш орқали катта масофани босиб ўтди. Инсон – у ким бўлишидан қатъий назар – ушбу дунё ҳаётига беихтиёр келиб яшаётган экан, энг аввало ўзини таниб олишга, коинот ва дунё ҳаётининг асл моҳиятини англаб етишга муҳтож. Бир сўз билан айтганда, у булар ҳақида ўзида пайдо бўлган саволларга ҳар томонлама жавоб топиши керак. Бундан ташқари, у топган жавоб ақлини қаноатлантириши ва фитратига мос келиши ҳам лозим. Бугунги кунда барча олим ва муфаккирлар исломий ва файриисломий ечимларни танлаш олдидা мафкуравий босим остида қолдилар. Мана шуларни хисобга олган ҳолда, Ислом фикрлари ва унинг муолажаларини дин ва шариат, ақида ва қонунчилик сифатида тўлиқ баён қилиб берадиган ушбу мақолани ёзишни муҳим деб билдик. Биз ушбу мақолада Ислом мафкураси билан капитализм ва социализм мафкураларини солиштириб беришга ҳаракат қилдик. Умид қиласизки, ҳақиқатни истаган холис ўқувчи, модомики у ҳақиқатни билишда тарафкашлик қилмас экан, мен ҳаётимдаги барча саволларимга жавобни Исломдан топдим, дейди.

Модомики, инсоннинг турмуш тарзи унинг фикр ва тушунчалари томонидан йўналтирилган фитрий ундовларига боғлиқ экан, шунингдек, бу ундовлар инсоннинг ғариза талаблари ва узвий эҳтиёжларидан, фикр ва тушунчалари эса, ақлий қаноатларидан келиб чиқсан экан, демак, инсоннинг турмуш тарзини – хоҳ якка тартибда, хоҳ жамоий шаклда бўлсин – ушбу қаноат ва талаблар бошқаради. Инсондаги ғариза талаблари ва узвий эҳтиёжлар – инсоннинг бу талаблари гарчи ташқи кўриниши ва интилиш қувватида бир-биридан фарқ қилса ҳам – ўзгармайди. Фикр ва тушунчалари эса, улар аввалги қаноатларни тасдиқладиган ёки ўзгартирадиган далил ва исботларга қараб ўзгаради. Аввало шуни айтиб ўтиш керакки, инсон ғаризалари бақо, нав ва тадайюн ғаризаларидир. Ҳар бир ғаризанинг турли кўринишлари бор. Масалан, бақо ғаризаси

инсоннинг ўзини, ўзи яшаётган ёки эгаллаб турган юрти ва ерини ҳимоя қилишда, ҳукмронлик мұхаббатида, шунингдек, булардан бошқа интилиш ва кўринишларда намоён бўлади. Нав ғаризаси эркак ва аёл ўртасидаги жинсий майлликда, оталик ва оналик меҳрида ва булардан бошқа кўринишларда намоён бўлади. Тадайон ғаризаси муқаддаслаш, ибодат, бўйсуниш, дуо қилиш ва булардан бошқа майлларда кўринади. Бу ғаризалар ўзининг бутун кўринишлари билан инсон, ҳайвон ва қушларда бир хилда мавжуддир. Шунга кўра, ушбу узвий эҳтиёжлар ва ғаризалар инсонни уларни қондиришга ундовчи биринчи асосни ташкил қиласди. Лекин, улар ақлий эътиқод ва қаноатлар йўлланмасига бўйсунади. Чунки уларни у ёки бу тарзда қондириш кайфиятини, унга қадам қўйиш ёки тийилиш даражасини шу эътиқод ва қаноатлар белгилаб беради.

Ушбу фикрлар қанчалик инсонга мос, соғлом ва юксак бўлса, уларнинг узвий эҳтиёж ва ғариза талабларини назорат қилиб, йўналтириши ҳам шунчалик юксак бўлади. Инсоннинг фикри қанчалик тубан бўлса, унга ушбу тубанликка мос ғаризавий интилишлар ҳукмронлик қиласди. Инсоний робиталар (алоқалар) ҳақидаги ушбу сухбатимизда айтамизки, фикрий тубанлик одамлар ўртасида бақо ғаризаси (яшаш учун курашиб туйгуси) келтириб чиқарган алоқани пайдо қиласди. Бақо ғаризаси инсонни ўзини ҳимоя қилишга, бинобарин, ўзини сақлаб қолишга ёрдам берган маконни ҳимоя қилишга, оёклари остидаги ерни ва туғилиб ўсган юртини ҳимоя қилишга унрайди. Бу алоқа ватандошлик робитаси (алоқаси) деб номланади. Ватандошлик робитаси инсонда мавжуд бўлгани каби, ҳайвон ва паррандаларда ҳам мавжуддир. Бу робита инсоннинг ўзи, ери ва юрти хужумга учраши ёки бошқалар томонидан эгаллаб олиниши натижасида хавф остида қолганидагина кўринади, хавф йўқолгач у ҳам ўз таъсирини йўқотади. Шунинг учун айтиш мумкинки, бу робита тубан, ўзгарувчан ва вақтингчалик бўлгани боис, инсонлар ўртасини доимий боғлаб туришга ярамайди.

Узвий эҳтиёжлар ва ғариза талабларини йўналтирган фикрлар тор доирада бўлиб, ҳамма одамларни қамраб ололмайдиган ҳамда уруғчилик, қабилачилик ва миллатчилик алоқалари доирасига чекланган бўлса, бақо ғаризаси ўзидаги бошқа интилиш орқали, яъни раҳбарлик қилиш мұхаббати

орқали алоқага ҳукмронлик қиласи. Раҳбарлик қилиш муҳаббати инсонни ўз оиласи, қабиласи ёки қавми устидан раҳбар бўлишга ундейди. Унинг раҳбарлик қилишга интилиши ундаги фикрлаш даражасига қараб бўлади. Чунки унинг фикрлаш даражаси қанчалик кенгайса раҳбарлик қилиш муҳаббати ҳам шунчалик кенгаяди. Ушбу ғайриинсоний тор фикрлаш кенгайишининг энг сўнгги нуқтасида инсон ўз қавмининг бошқа қавмлар устидан ҳукмрон бўлишини истайди. Бу билан инсонлар ўртасида миллатчилик робитаси пайдо бўлади. Бу робитага тарафкашлик, ҳавои-нафс ва хусуматлар ғолиблик қиласи. Бу робита инсонлар ўртасида юксак алоқаларни пайдо қила олмаган ва ўзгарувчан гаризавий туйғуларга таянган пайтда ҳамда инсоний алоқалар учун керакли давомийлик ва барқарорлик хусусиятларига эга бўлмаган пайтда, унинг инсоний даражада яроқсизлиги кўринади.

Агар инсон ўз фикрлашида инсоний робита-алоқа учун манфаатдан бошқа сабабни кўрмаса, шунингдек инсонлар ўртасида манфаат асосида алоқа пайдо бўлиб, манфаат йўқолса алоқа ҳам йўқоладиган бўлса, бу ҳолат манфаатга асосланган ҳар қандай жамиятни парчаланишга ва йўқ бўлишга олиб боради. Айниқса, бундай жамият савдолашиш ва манфаатлар қарама-қаршилигининг турли шаклларига дучор бўлади. Шунинг учун Ғарб ва Шарқдаги манфаатпарастлик фикрлари ҳукмронлик қилган замонавий жамиятларда ушбу манфаатларни мабдайи фикрларга, яъни жамият аъзоларини ўзаро боғлаб турувчи ақидага ва ҳаёт низомларига боғлашга ҳаракат қилинади. Шуни унутмаслигимиз керакки, ҳар қандай башарий жамиятни вайрон қилувчи бундай манфаат робитасини бақо гаризаси, яъни, ҳам манманлик муҳаббати, ҳам мулкка эга бўлиш муҳаббати ҳаракатга келтиради. Шунинг учун у инсонлар ўртасини боғлашга яроқсизdir ва қолаверса хатарлидир. Яна шуни ҳам унутмаслигимиз керакки, манфаатга қурилган алоқага гаризаларнинг ҳаммаси аралашади.

Агар тадайюн гаризаси муқаддаслаш ва ибодат қилишга чекланиб қолса, инсонни ҳаётнинг бошқа ишларига эътибор бермасдан фақат диндорликка унласа, яъни ҳаёт ишларига ва уни тартиблаштиришга эътибор бермасдан фақат руҳий томонга берилишга унласа, бу руҳий робита бўлади. Чунки инсоннинг

фикрлаши бутун энергиясини ибодатга йўналтиришга қаратилади ва бу билан ҳаётнинг бошқа барча жиҳатлари фалажланади. Мана шундан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, руҳий робита битта жамият вакиллари ўртасини боғлашга яроқсиздир. Масалан, насронийлик эътиқоди Европа халқларини бир-бирига боғлашга ярамади. Ҳолбуки, бу халқларнинг барчаси насронийлик эътиқодини қабул қилган эди. Инсонларни бир-бирига боғлаб турувчи робита тўғри бўлиши учун у бутун башариятни қамраб оловчи доимий ва барқарор бўлиши ҳамда инсоният ҳаётининг барча жиҳатлари учун низомни тақдим этиши лозим.

Модомики, мазкур тўрт робитанинг ҳаммаси нотўғри экан, тўғри робита қандай бўлади?

Бу саволга жавоб бериш учун айтамизки, Мабда – ўзидан тузум келиб чиқадиган ақлий ақидадир. Ушбу ақида – коинот, инсон ва ҳаётнинг ҳақиқатини, дунё ҳаётидан олдинги вужуд ҳақиқатини, дунё ҳаётидан кейинги ҳаётни ҳамда унинг дунё ҳаётидан олдинги вужудга ва кейинги ҳаётга алоқадорлигини ойдинлаштириб берадиган фикратdir. Агар ақида Ислом ақидаси бўлса, у қуидагича бўлади: Борлик Аллоҳ Таолонинг маҳлуқи бўлиб, У Зот уни Ўз тадбири билан бошқаради. Дунё ҳаётидан кейинги ҳаёт инсон дунёда қилган ишларига мукофот ёки жазо оладиган кундир. У кунда инсоннинг қисмати ё жаннат ёки дўзах бўлади. Борлиқнинг олдинги вужудга, яъни яратувчисига бўлган алоқаси, унинг Аллоҳ томонидан яратилиши ва тадбир қилинишидир. Унинг кейинги ҳаётга алоқаси, инсоннинг ушбу ҳаётдаги ишлари ва эътиқоди устида ҳисоб қилинишидир. Бу ақидага нисбатан айтилган сўзлардир. Ақидадан балқиб чиқсан тузумга келсак, у инсон муаммоларини муолажа қиладиган ҳамда тузумни ижро қилиш, ақидани шубҳалардан холи, соғлом ҳолда сақлаш ва мабдани бутун инсонларга етказиш кайфиятини баён қилиб берадиган низомлар мажмуасидир. Мабданинг тўғри ёки нотўғрилиги унинг ақидасига боғлиқ. Чунки ақида асос бўлиб, ундан ҳаёт ишларини тартибга солувчи тузум балқиб чиқади. Агар асос тўғри бўлса, тузум ҳам тўғри бўлади. Лекин, мабда ақидасининг тўғрилиги қаердан келиб чиқади?

Ақиданинг тўғрилиги, унинг инсон фитратига мос келиши ва ақлга асосланишидан келиб чиқади. Агар ақидада шу икки шарт

топилмаса у нотўғри бўлади. Ақиданинг фитратга мос келиши, унинг инсон фитратидаги ожизликни ва тадбиркор яратувчига муҳтоҷликни тан олишидир. Шунда у тадайон гаризасига мос келади, уни инкор қилмайди ёки эътиборсиз қолдирмайди. Ақиданинг ақлга асосланиши, унинг социализмдагидек моддага, капитализмдагидек ўртача ечимга асосланмаслигидир. Мабдаий фикрларга келсак, бугунги дунёда фақат учта мабда бор. Улар: демократик капитализм, коммунистик социализм ва Ислом. Исломнинг башариятни фикран бошқаришга қодирлиги тушунарли бўлиши учун, ушбу уч мабда ўртасидаги фарқни куйидаги тўрт жиҳатдан кўриб чиқиш лозим:

- 1 – Мабдалар ақидасининг асоси.
- 2 – Инсон ва унинг олий ғоялари, шунингдек, жамият, унинг қадриятлари, тартибга солиниши ва низомларининг ижро қилиниши ҳақидаги кўз-қараши.
- 3 – Ўзидан ҳаёт тузуми келиб чиқадиган ақидани инсоннинг ҳаётдаги амаллари ўлчови жиҳатидан кўриб чиқиш.
- 4 – Ақидадан балқиб чиқкан низом ижросининг тариқати, ақиданинг инсон фитратига мос келиш ва ақлга асосланиш даражаси.

Биринчи: Ушбу уч мабда ақидасининг асоси:

Ушбу мабдаларнинг бугунги дунёда энг хатарли, таъсир жиҳатидан кучлиси бўлган демократик капитализмдан бошлайлик. Капитализм динни давлатдан ажратишига асосланади. Диннинг давлатдан ажратилиши ўз навбатида унинг ҳаётдан ажратилишига олиб келди. Бу – ҳар бир нарсани дин номидан ўзларига бўйсундиришни истаган дин арбоблари билан динни ва дин арбоблари хукмронлигини инкор қилган файласуф ва муфакирлар ўртасидаги ўртача ечимдир.

Коммунистик социализмга келсак, у Европада пайдо бўлган ҳамда динни ва диний арбоблар хукмронлигини инкор қилган Гегел, Карл Маркс ва Ленин бошчилигидаги муфакирлар фикрининг натижасидир. Улар ҳаётдан олдинги вужуд ва ҳаётдан кейинги ҳаётни инкор қилишган. Уларнинг наздида, моддий вужуддан, яъни, коинот, инсон ва ҳаётдан бошқа ҳеч нарса мавжуд эмас, модда барча нарсаларнинг асли-асоси бўлиб, унинг босқичма-босқич ривожланишидан нарсалар вужудга келади. Бу фикр динни халқларни караҳт қилувчи афюн деб хисоблашга унадади. Уларнинг наздида, модда фикрининг ҳам

аслидир. Чунки улар – фикр мөдданинг миядаги аксланиши, деб билишади.

Ислом ақидасига келсак, бу ақида Аллоҳ Субҳанаҳу уни Ўз пайғамбари Мұхаммад ﷺ ваҳи қилиши билан вужудга келди. Аллоҳ Таоло Ўз пайғамбарига Ислом рисолатини бутун инсонларга, яъни рисолат уларнинг тилида нозил бўлган араблардан бошлаб, ер юзининг ҳар тарафидаги инсонларга етказишни буюрди. Шунинг учун «Аллоҳдан бошқа илоҳ йўқ, Мұхаммад Унинг элчисидир», деган шаҳодат калимасининг биринчи бўлаги, яъни, ибодат қилинишга лойиқ Зот фақат Аллоҳдир деган мазмундаги бўлаги Аллоҳнинг буйруқларини бажариш ва қайтариқларидан тийилиш орқали У Зотга итоат қилишни вожиб қиласи. Ушбу калимадаги «Мұхаммад Унинг элчисидир» деган бўлаги Пайғамбар ﷺнинг рисолатига амал қилиш мажбурийлигини ифодалайди. Бу – борлиқни яратган яратувчи бор бўлиб, У Зот ушбу ҳаётни тартибга солувчи мудаббир, инсонларга қиёмат қунида имони ва амалига мувофиқ мукофот бериш учун уларни қайта тирилтирадиган Зотдир, деган маънени ифодалайди. Шунинг учун Ислом ақидаси амалий, бинобарин, мабдаий ақида бўлиб, у ҳаётнинг барча муаммоларига ечим беради.

Иккинчи: Инсон ва унинг олий ғоялари, шунингдек, жамият, унинг қадриятлари, тартибга солиниши ва низомларининг ижро қилиниши ҳақидаги кўз-қараши:

Капитализм ва социализмга келсак, бу икки мабданинг инсон, ҳаёт ва коинотга нисбатан асосий нуқтаи назарда қарама-қарши бўлишига қарамасдан, улар инсоннинг энг олий ғоялари борасида бир хил фикрдадирлар. Бу икки мабда фикрига кўра, инсоннинг олий ғоялари унинг ўзи тарафидан белгиланадиган олий маънавий қийматлардир. Баҳт эса, жисмоний лаззатларнинг мумкин қадар кўпроқ қисмини қўлга киритишидир. Чунки фақат шу нарса уларнинг наздида баҳтга элтувчи восита, балки айни баҳтнинг ўзидир. Улар инсонга шахсий эркинликнинг берилиши борасида ҳам бир хил фикрдадирлар: «Инсон шахсий эркинликни тасарруф қилишда ўз баҳтини кўра олса, унинг эрк-ихтиёри ўз қўлида». Шунинг учун шахснинг ҳаёт йўли ёки шахсий эркинлиги бу икки мабданинг муқаддас тушунчаларидандир.

Бу икки мабда шахс ва жамиятга нисбатан нуқтаи назарда бир-биридан фарқ қиласди. Капитализм жамият шахслардан таркиб топади, деб ҳисоблайди. Капитализм бутун эътиборини шахсга, унинг эркинликлари, хусусан, эътиқод ва иқтисодий эркинлиги кафолатланишига эътиборини қаратадиган мабдадир. Давлат армия кучи ва қонун қаттиқўллиги билан шахснинг эркинлиги чекланишини амалга оширади. Бироқ, давлат ғоя эмас, балки воситадир. Социализмга келсак, унга кўра жамият инсонлар ва уларнинг табиат билан бўлган алоқаларидан ташкил топган бир бутун мажмуадир. Инсон, табиат ва алоқаларнинг ҳаммаси яхлит битта нарсадир. Шунинг учун худди чархнинг тиши чарх билан бирга айланганидек, шахс ҳам шу бир бутун мажмуа билан биргалиқда харакатланади. Бу эса, шахснинг ақида эркинлигига ҳам, иқтисод эркинлигига ҳам эга эмаслигини англатади. Ақида давлат хоҳишига кўра чегараланади, иқтисод ҳам давлат ихтиёрига кўра белгиланади.

Исломга келсак, у инсон ва жамиятнинг олий ғоялари Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқларидан иборат деб билади. Аллоҳнинг буйруқ ва қайтариқлари ўзгармайди ва ривожланмайди. Инсон навини сақлаб қолиш, ақл-идрокни, инсоний шарафни, инсоннинг ўзлигини, хусусий мулкни, динни, хавфсизликни, шу жумладан давлатни муҳофаза қилиш жамиятни сақлайдиган барқарор олий ғоялардир. Мазкур барқарор олий ғояларни муҳофаза қилиш учун ҳадлар, касос ва таъзир каби қаттиқ жазо чоралари белгиланган. Шунингдек, мазкур олий ғояларни муҳофаза қилиш мусулмон кишига хотиржамлик бахш этадиган ва баҳтни рӯёбга чиқарадиган вожиб мақсадлар ҳисобланади. Баҳт нафсни қондириш ва унинг ҳузур-ҳаловатини таъминлашда эмас, балки Аллоҳ Таолонинг розилигига эришишда гавдаланади. Инсоннинг ўзига келсак, Ислом инсонни узвий эҳтиёжлар ва гаризаларга эга деб билади. Ислом узвий эҳтиёжлар ва гаризаларнинг қондирилишини, бирининг ҳисобига иккинчисини қондириш билан ёки бирини жиловлаб иккинчисини бўш қўйиб юбориш билан эмас, балки барчасини бир маромда қондирилишини кафолатлайдиган тарзда нозик дид билан тартибга солади. Инсон жамиятнинг бир аъзоси эканига келсак, қўл тананинг бир қисми бўлганидек, инсон жамоанинг ажралмас бир қисмидир. Жамиятга келсак, жамият инсонлар, фикрлар, туйғулар ва қонунлардан ташкил

топади. Одамларнинг ишларини тартибга солувчи бу қонунлар шаръий буйруқ ва қайтариқлар мажмуасидир.

Учинчи: Ўзидан тузум келиб чиқадиган ақида, ҳаётдаги ишлар ўлчови ҳамда ақидадан балқиб чиқсан низомни ижро қилиш тариқати:

Ақидага келсак, Социализм моддани ҳар бир нарсанинг асоси ва ҳар бир нарса моддий ривожланиш орқали ундан келиб чиқади деб билади. Капитализм эса, динни ҳаётдан, бинобарин, давлатдан ажратиш керак деб билади. Капитализмга кўра, яратувчининг ҳаётга алоқаси йўқ. Исломга келсак, унга кўра бутун борлиқни яратган яратувчи Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолодир. Аллоҳ борлиққа низомни жорий қилиб, шу низом орқали уни бошқаради ва башариятга элчилар юборган бўлиб, қиёмат кунида ҳар бир инсонни имони ва ҳаётда қилган ишларига биноан ҳисоб-китоб қиласди.

Ақидадан тузум келиб чиқишига келсак, социализм тузум ишлаб чиқариш воситаларидан олинади деб ҳисоблайди. Капитализм эса, инсон динни ҳаётдан ажратиб юборгач, тузумни воқеликдан олади, деб билади. Аммо Ислом эса, Аллоҳ инсонларга саййидимиз Мұхаммад ﷺ тузум билан юборган бўлиб, У Зот бу тузумни уларга етказган деб ҳисоблайди. Шунинг учун инсон шу тузумга асосланиб яшашга мажбур. Инсон ҳар бир муаммони ўрганиб, унинг ечимини Аллоҳнинг Китоби ва Ресуллоро ﷺнинг суннатидан истинбот қиласди.

Ҳаётдаги ишлар ўлчовига келсак, социализмда ишлар ўлчови моддий низомдир. Шунинг учун бу ўлчов низомнинг ривожланиши билан ривожланиб боради. Капитализмда эса, ишлар ўлчови манфаатдорликдир. Ишлар айнан шу манфаатдорликка қараб ўлчанади ва шу асосда амалга оширилади. Исломда эса, ишлар ўлчови ҳалол ва ҳаромдир. Демак, ҳалол иш қилинади, ҳаром иш қилинмайди.

Тузумни ижро қилишга келсак, социализмда давлат армия кучи ва қонуннинг қаттиққўллиги билан тузумни ижро қиласди. Капитализм эса, эркинликларни назорат қиласди, агар шахснинг бошқа бир шахсни эксплуатация қилиши ва ҳуқуқларини тортиб олиши розилик асосида бўлса давлат аралашмайди. Исломда эса, тузум шахс, давлат ва Уммат томонидан ижро қилинади. Тузумни ижро қилишда бир тарафдан мусулмон шахснинг тақвосига, иккинчи тарафдан давлатда жамоанинг Ислом

адолатига бўлган ишончига, учинчи тарафдан, Умматнинг яхшиликка буюриш ва ёмонликдан қайтариш орқали ҳоким билан ҳамкорлик қилишига таянади.

Тўртинчи: Мабданинг инсон фитратига мос келиш ва ақлга асосланиш даражаси:

Мабданинг инсон фитратига мос келиши ёки мос келмаслигига келсак, бу мабдалар орасида ёлғиз Исломгина инсон фитратига мос келади. Чунки инсонда диндорлик табиийдир. Тадайон тадбиркор яратувчига бўлган муҳтоҷлик бўлиб, у инсондаги табиий ожизликдан келиб чиқади. У барқарор ғариза бўлиб, унинг муайян кўриниши бор ва бу кўриниши бирор нарсани муқаддаслашдир. Социализм Аллоҳнинг борлигини ва рухни инкор этди. У инсоннинг ўзидан буюрок, қудратлироқ куч ҳақидаги тасаввурини, бу кучни муқаддаслаштиришини ўзгартириб, бу куч моддий мабда ва унинг доҳийларида деб тасаввур қилишга, бу мабда ва доҳийларини муқаддаслаштиришга-улуғлашга ўргатди. Гўё бу мабда яна орқага қайтиб инсонларнинг муқаддас деб билишини Аллоҳга ибодат қилишдан бандаларга ибодат қилишга айлантируди. Айни шу хусусда бу мабда реакцион (жаҳолатпараст)дир. Шунинг учун ҳам бу мабданинг мафкураси инсон табиатига тескари ва салбий мафкурадир. Шу жиҳатдан социализм мафкураси фитрий жиҳатдан муваффақиятсизликка учради.

Мабдаларнинг ақлга асосланган ёки асосланмаганлиги ҳақида айтадиган бўлсак, ёлғиз Ислом ақидасигина ижобий мабдадир. Чунки у тадбиркор яратувчи борлигига имон келтиришда ақлни асос қилди. Ислом Аллоҳга имон келтиришни талаб қилиш билан бирга, Мухаммад нинг пайғамбарлигига ақл орқали имон келтиришни, шунингдек, асли-асоси ақл орқали исботланган Қуръон ва мутавотир ҳадисда келган ғойиб нарсаларга имон келтиришни ҳам талаб қилди. Социализмга келсак, у ақлга эмас, моддага асосланган. Чунки социализм модда фикрдан олдин мавжуд бўлган ва модда барча нарсаларнинг асоси деб ҳисоблайди. Социализмга кўра, модда мияда акслangan пайтда фикр пайдо бўлади. Бундай даъво икки жиҳатдан нотўғридир: Биринчидан: Модда билан мияда аксланиш қобилияти мавжуд бўлмагани учун улар ўртасида аксланиш юз бермайди. Улар ўртасидаги мавжуд нарса

хиснинг сезгилар воситасида мияга узатилишидир. Бу кўз билан кўриш ва бошқа ҳис аъзоларининг ҳис қилиши орқали амалга ошади. Иккинчидан: Воқеликни ҳис қилиш фикрни пайдо қилмайди. Чунки фикр пайдо бўлиши учун инсонда воқеликни изоҳлаб берадиган собиқ маълумотлар бўлиши лозим. Шунга кўра, социализм фикрни тушунишда хато қилган ва у ақлга асосланмагани учун яроқсиздир.

Капитализм эса, черков рухонийлари билан муфаккирлар ўртасидаги ўртacha ечимга (муросасозликка) асосланган ва бу ўртacha ечим динни ҳаётдан ажратишdir. Шунинг учун у асрлар давомида черков рухонийлари билан муфаккирлар ўртасида кечган даҳшатли курашга чек қўйган ўртacha, муросасозлик ечими бўлди. Гарчи ҳақ билан ботил, имон билан куфр, нур билан зулмат бири иккинчиси билан учрашмаса-да, улар булар ўртасини бир-бирига яқинлаштироқчи бўлишди. Шунинг учун уларнинг ақидаси яроқсиздир. Чунки у ақлга асосланмаган. Ёлғиз Ислом ақидасигина тўғри, соғлом ақидадир. Социализм ва капитализм мабдалари ботил ва яроқсиз мабдадир. Чунки бу икки мабда юқорида айтиб ўтганимиздек, инсон фитратига зид ва ақлга асосланмаган.

Шу ўринда, исломий фатҳ билан Гарб мустамлакачилиги ўртасида қандай фарқ бор? – деган муҳим савол туғилади.

Бунинг жавоби шуки, исломий фатҳ исломий даъват олдидаги моддий тўсиқни олиб ташлаш учун бўлган. Росууллоҳ ﷺ Макка фатҳида шундай қилдилар. Шунинг учун фатҳ қилинган юрт аҳолиси Исломни қабул қилишга мажбур қилинмайди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا إِكْرَاهٌ فِي الْبَيْنَنَ قَدْ تَبَيَّنَ الرُّشْدُ مِنَ الْغَيْرِ﴾

«Динга зўрлаб (киритиши) йўқдир. (Зеро) ҳақ йўл залолатдан ажраб бўлди» [Бақара 256]

﴿وَقُلْ أَلْحَقُوا مِنْ رَبِّكُمْ فَمَنْ شَاءَ فَلَيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلَيَكُفُرْ﴾

«Айтинг: (Бу Қуръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши имон келтирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин» [Каҳф 29]

Балки, улар Исломни амалий ҳаётда кўришлари, уни эшишиб фикрлашлари учун уларга Ислом ҳавола қилинади. Бу билан уларнинг ақллари ва фитрати Исломга бошлайди. Натижада,

улар тўп-тўп бўлиб Исломга кирадилар. Ғарб мустамлакачилигига келсак, у заиф халқларни эксплуатация қилиш, ўз халқлари манфаати учун бойликларини талаш мақсадида уларнинг устидан ҳукмронлик қилишга асосланади.

Исломни қабул қилган халқларнинг то шу бугунги кунга қадар мусулмон ҳолда давом этиб келиши шуни очик кўрсатадики, Ислом то қиёматгача давом этишга қодирдир. Андалус мусулмонлари устида юз берган ишларга келсак, улар инквизиция судлари, оловли камералар ва жаллодларнинг бошни танадан қирқиб ташлайдиган мосламалари ёрдамида йўқ қилиндилар. Уларнинг Исломдан қайтиши ўз ихтиёрлари билан бўлмаган. Бухоро, Кавказ, Туркистон ва бошқа жойлардаги мусулмонлар ҳам Ғарб ва Шарқ мустамлакачиларининг зулмига дучор бўлганлар.

Исломий давлат илоҳий давлат эмас, балки, башарий давлатdir. Шунинг учун мусулмонлар агар ўз давлатларини уйғотиш омилларидан воз кечиб, уни кулатишга олиб борадиган омилларга бўйсуниб қолсалар унинг қулаши табиийdir. Ҳижрий 1342 йил 28 раЖаб, милодий 1924 йил 3 марта Халифалик бекор қилингани эълон қилиниб, илмонийлик татбиқ этилишига айни шу нарса сабаб бўлган. Агар биз қайта уйғонишни ҳамда Ислом рисолатини бутун оламга етказиш учун яна қайта етакчиликни қўлга киритишни истасак, бу факат куйидаги ишлар билан амалга ошади:

1 – Биринчи давлат асосланадиган тўғри фикрни вужудга келтириш ҳамда Уммат Исломни, унинг аҳкомларини, уни яна қайта ҳаётга қайтариш кайфиятини тушуна олиши учун унда тўғри фикрлаш тариқатини пайдо қилиш лозим.

2 – Динни ҳаётдан ажратишга ҳамда бундан келиб чиққан ҳаёт низомларига асосланган Ғарб фикрларига зарба бериш лозим.

3 – Биздан олдингилар давлатни Ислом асосида қандай бошқарганлигини билиш учун тарихни англаш лозим.

4 – Аллоҳнинг изни ила давлат барпо бўлганида халқлар билан муомала қилиш кайфиятини белгилаш осон бўлиши учун халқлар табиатини билиш лозим.

Хулоса қилиб айтамизки, Мусулмонларни қайта уйғотиш Исломга асосланган холис ва онгли жамоа орқалигина амалга ошади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَتَكُن مِّنْكُمْ أُمَّةٌ يَدْعُونَ إِلَى الْخَيْرِ وَيَأْمُرُونَ بِالْمَعْرُوفِ وَيَنْهَا عَنِ الْمُنْكَرِ وَأُولَئِكَ هُمُ الْمُفْلِحُونَ﴾

«Ораларингиздан яхшиликка (Исломга) даъват қиладиган, маъруфга буюриб, мункардан қайтарадиган бир жамоат бўлсин. Ана ўшалар најот топгувчилардир» [Оли Имрон 104] Бу жамоа шариат аҳкомларига биноан низомни ўзгартириш учун қандай қилиб ҳокимиятга этиш мумкинлигини кўрсатиб берадиган ўзгартириш программасига эга. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿قُلْ هَذِهِ سَبِيلٌ أَدْعُوا إِلَى اللَّهِ عَلَى بَصِيرَةٍ أَنَا وَمَنِ اتَّبَعَنِي وَسُبْحَانَ اللَّهِ وَمَا أَنَا مِنَ الْمُشْرِكِينَ﴾

«Айтинг: Менинг йўлим шудир. Мен Аллоҳга даъват қиласман. Мен ва менга эргашган кишилар аниқ ҳужжатга-ишиончга эгамиз. (Хар қандай шерикдан) Аллоҳни поклайман. (Зоро) мен мушириклардан эмасман» [Юсуф 108]

Шунингдек, бу жамоат давлат лойиҳасига эга бўлиб, бу лойиҳа Исломдаги бошқарув низоми, бу низомнинг тафсилотлари ва уни татбиқ этиш кайфиятини ўз ичига олади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاحْكُم بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَنَزَّلْ أَهْوَاءُهُمْ عَمَّا جَاءَكَ مِنَ الْحَقِيقَ لِكُلِّ جَعْلَنَا مِنْكُمْ شِرْعَةً وَمِنْهَا جَاجَا﴾

«Бас, одамлар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг ва Сизга келган Ҳақдан юз ўгириб, уларнинг ҳавоий нафсларига эргашманг! Сизлардан ҳар бир миллат (яъни дин) учун (алоҳида) шариат ва йўл қилиб қўйдик» [Моида 48]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِنْ أَحْكُمْ بَيْنَهُم بِمَا أَنْزَلَ اللَّهُ وَلَا تَتَنَزَّلْ أَهْوَاءُهُمْ وَأَحْدَرُهُمْ أَنْ يَقْتُلُوكُمْ عَنْ بَعْضِ مَا أَنْزَلَ اللَّهُ إِلَيْكُمْ فَإِنْ تَوَلُّوْ فَأَعْلَمَ أَنَّمَا يُرِيدُ اللَّهُ أَنْ يُصِيبَهُمْ بِبَعْضِ دُنُوِّيهِمْ وَإِنَّ كَثِيرًا مِنَ النَّاسِ لَفَسِيقُونَ﴾

«(Эй Мухаммад), улар ўртасида Аллоҳ нозил қилган нарса билан ҳукм қилинг, уларнинг ҳавоий нафсларига эргашманг ва Аллоҳ Сизга нозил қилган ҳукмларнинг айримларидан Сизни буриб фитнага солиб қўйишларидан эҳтиёт бўлинг! Агар (Сизнинг ҳукмингиздан) юз ўгирсалар, билингки, Аллоҳ уларга

айрим гуноҳлари сабабли мусибат етказишни истамоқда. Шубҳасиз, одамлардан кўплари итоатсиздирлар» [Моида 49]

Аллоҳ Таолодан шариатни ўрнатадиган, бизни бирлаштирадиган ва бутун оламга яхшиликни ёядиган Пайғамбарлик минҳожи асосидаги Халифалик барпо этилишини тезлатишини сўраб қоламиз. Бу иш Аллоҳга қийин эмас.

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَيَوْمَئِذٍ يَقْرُحُ الْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ بِنَصْرٍ أَلَّهِ يَنْصُرُ مَنْ يَشَاءُ وَهُوَ الْعَزِيزُ الرَّحِيمُ ﴿٢﴾ وَعَدَ اللَّهُ لَا يُخْلِفُ اللَّهُ وَعْدُهُ وَلَكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ﴾

«Ўша кунда мўминлар Аллоҳ нусрат бергани сабабли шодланурлар. (Аллоҳ) Ўзи хоҳлаган кишига нусрат берур. У қудрат ва раҳм-шафқат эгасидир. (Бу) Аллоҳнинг ваъдасидир. Аллоҳ Ўз ваъдасига хилоф қилмас. Лекин кўп одамлар билмаслар»

[Рум 4-6] □

РАЖАБ ТОЙИБ ЭРДОГАН СИЁСАТИ ИСЛОМ МЕЗОНИДА (2):

Туркиянинг НАТО иттифоқидаги роли

Сиёсий воқеликни ўрганиш ҳиссиётлардан холи ва онгли бўлиши ҳамда у ҳақда хулоса қилиш ҳам мустаҳкам қоидаларга асосланиши лозим. Шу маънодаки, биз воқеликни ўзимиз истагандек эмас, балки, қандай бўлса шундайлигича тушунишимиз керак. Воқелик ҳақидаги хуносамиз ҳам Ислом ақидасига асосланиши, тўлқинлар ҳар тарафга учирив кетадиган кема мисол беқарор бўлмаслиги лозим. Шахслар ва фикрларга баҳо бериш ҳам Ислом ақидасига асосланган мустаҳкам қоидага таяниши лозим. Акс ҳолда, онглиликни йўқотамиз ва яхшиликни кутиб, қувонган ҳолимиизда ҳалокатга учраймиз. Биз ёмғир аломати, деб билган нарса азобли шамол ёки ташна одам сув деб ҳисоблаган сароб бўлиб чиқади! Уммат ҳеч кимнинг уни алдашига ҳамда энергияси, имкониятлари ва вақтини сарфлаб тугатиб яна қайта умидсизликка тушиб қоладиган ҳолатга туширишига йўл бермаслиги лозим. Уммат Парвардигори ҳидоят ва нур сифатида нозил қилган Китобга эга. Агар у ўлчов ва аҳкомларини ундан олса, фикрларида унга асосланса адашмайди. Шундай онлар бўлдики, Уммат соҳта етакчилар атрофида жипслашди. Бу соҳта етакчилар Умматни кетма-кет мағлубиятлардан қутқармаган, аксинча, уни ҳалокатга бошлаган бўлсада, жўшқин нутқларда улар улуғланди. Мустафо Камол, Жамол Абдуниосир ва Ёсир Арафотлардан бошланиб, Туркия президенти Эрдоган билан ҳам тугамаган бундай соҳта етакчилар душманлар манфаати учун Умматнинг энг муҳим тақдирний масалаларини суиистеъмол қилишди.

Туркия 1949 йил 4 апрелда Вашингтонда асос солинган Шимолий Атлантика Иттифоқи (НАТО)га 1952 йили аъзо бўлди. Агар НАТОга аъзо бўлсан, ўзлигини (аслида Фарб ўзлигини) кучайтираман ҳамда мудофаа ва хавфсизлик соҳасида узоқ йиллик кафолатларни қўлга киритаман, деб ҳисоблади. Туркия 2005 йил июн ойида бош штаб таркибида терроризмга қарши кураш олий маркази (ТМММ)ни тузди. Бу эса, олий марказ ташкил қилиш учун қабул қилинган қарорлар доирасида ҳамда эски ва янги таҳдидларга қарши курашиш учун 2002 йил

сентябрда Прагада бўлиб ўтган НАТО иттифоқи саммити тадбирлари давомида амалга оширилди.

Терроризмга қарши кураш Олий Маркази халқаро ташкилот бўлиб, унда Туркиядан ташқари НАТОга аъзо еттита давлат зобитлари ишлайди ва у давлат хизматчиларига, НАТОга аъзо давлатларнинг ўрта ва юқори лавозимли зобитларига ҳамда турли доираларда НАТО иттифоқи билан ҳамкор бўлган давлатларга хизмат кўрсатади. Бу марказ «Террорчиларнинг молиявий ресурсларини тугатиш», «Худкуш террорчиларга қарши курашиш», «Терроризм билан оммавий ахборот воситалари ўртасидаги муносабатлар» ва «Мафкуравий терроризм асосларини ўрганиш» каби турли мавзуларда семинарлар, йиғинлар ва бошқа тадбирлар ўтказади... Шунингдек, НАТО иттифоқи қароргоҳида террорга қарши кураш хусусида ўtkазиладиган тадбирларга илмий-маърифий хисса қўшади.

2003 йил 19 марта Туркия парлamenti Америка кучларига Ироқни босиб олишда Туркия базаларидан фойдаланишга рухсат бериш учун овоз берди. Буни 322таси ёқлади, 202таси қарши чиқди ва битта аъзо бетараф қолди. Шунингдек, Туркия Кўшма Штатларнинг мужоҳидларни Гуантанамо қамоқхонасига кўчиришда Туркия жанубидаги Инжирлик базасидан фойдаланишига рухсат берди. Базалардан кўзланган мақсад ёлғиз шу ишларгина бўлмади. Туркия Американи озиқ-овқат, сув, ёқилғи ва ярадорларни даволаш учун дори-дармон билан ҳам таъминлади. Америка Ироқда жойлашган ўз кучларини моддий-техник жиҳатдан қўллаб-қувватлашда Туркиядан база ўрнида фойдаланди. Туркия АҚШ кучларининг Ироқдан ўз ерлари орқали чиқиб кетишига ҳам рухсат берди.

Туркия Кўшма Штатларнинг Афғонистонга қарши урушда ҳам ўз базаларидан фойдаланишига рухсат берди. Америка кучлари 2001 йил октябр ойида Афғонистонга қарши уруш бошлаганида Туркия 24 соатга етмаган вақт ичида ўз ерлари ва ҳаво йўлларидан унинг фойдаланишига кулайлик яратди. Бундан ташқари, Туркия НАТО иттифоқига қарашли ИСАФ кучларини қўллаб-қувватлаш учун 1200га яқин аскар жўнатди. Шунингдек, Малидаги халқаро ҳарбий аралашувни ҳам қўллаб-қувватлади. Салибчи душманларимиз қўли билан мусулмонларга етган вайронагарчиликлар ҳажмини ўзингиз бир

ўйлаб кўринг. Кирғин, қийноқлар, ерларни йўқ қилиш ва муқаддас жойларни топташ каби барча жиноятларда Туркия ўз кучлари билан иштирок этди.

Америка ва Ғарб давлатлари Исломга душман бўлган иттифоқнинг мақсадларини қўллаб-қувватлаш учун Туркия кучидан ва унинг муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган ерларидан фойдаланмоқда. Америка учоқлари мусулмонлар фарзандларига қарши кўплаб ҳужумларни Туркия ерларидаги базалардан бошлашади. Агар Эрдоган ўз мамлакати қарорига эга бўлганида эди, Ислом ва мусулмонларга душман бўлган ушбу иттифоқдан зудлик билан кечиқтирмасдан чиқиб кетган бўларди. Бу иттифоқ Ироқ ва Афғонистонда ҳамда мусулмонларнинг бошқа мамлакатларида совуққонлик билан, ички нафратидан келиб чиқиб қанчалаган қирғинларни содир этди.

Россия билан муносабатлар:

Россия империясининг Усмоний давлатга қарашли Қора денгизнинг шимолий соҳилидаги ерларни, Болқон ва Кавказни босиб олиши 1783 йили Кримни аннекция қилишидан бошланди. Усмоний империянинг чекиниши, айниқса, 1854-1856 йиллардаги Қрим уруши давомида Россиянинг эришган ютуқлари Европада кучлар мувозанатини ўзгартирди. Бундан ташқари, Россиянинг Туркия бўғозларини эгаллаб олиш ҳамда Усмонли империясини парчалашни якунлаш истаги биринчи жаҳон уруши бошланишига ёрдам берди.

Иккинчи жаҳон уруши пайтида Туркия бетарафликни сақлаб қолишга муваффақ бўлди. Лекин Совет Иттифоқи эришган ғалабалар Россия империясининг Туркия бўғозини бошқариш истагини қайта тиклади. Ўша пайтда Иосиф Сталин бўғозни совет-турк қўшма назоратида ушлаб туришни ва Туркияда ҳарбий базалар ташкил этишни талаб қилди.

Анқара Сталиннинг талабларига қарши чиқди. Бу эса, Сталинни Туркияда коммунистик инқилобни бошлаш учун босим қилишга ундади. Бунга жавобан, АҚШ Президенти Гарри Трумен «Трумен доктринаси» бандларига мувофиқ Анқарага ёрдам кўрсатди. 1952 йили Туркия Шимолий Атлантика иттифоқига қўшилди. Камолчи Туркия антикоммунистик қалъага ва Ғарб коалициясининг асосий таянчига айланди. Лекин Совет Иттифоқи Туркияни заифлаштиришга қаратилган

ҳаракатларидан воз кечмади. Буни амалга ошириш учун қўллаган воситалари орасида ўтган асрнинг саксонинчи йилларида Анқарага қарши Курдистон Ишчилар Партиясини қўллаб-қувватлаш ҳам бор эди.

Анқара билан Москва ўртасида қўшни давлатлар масаласида кураш давом этди. Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларида Туркия Гарбнинг қўллаб-қувватлови билан Ўрта Осиёдаги туркийзабон исломий жумҳуриятлар ҳомийси сифатида Россиянинг ўрнини эгаллаш учун тарихий ва сақофий муносабатлардан фойдаланишга уринди. Шунингдек, Анқара ва Москва Арманистон ва Ozарбайжон ўртасидаги 1994 йилдаги оташкесимдан кейин тўхтаб, кейин яна бошланган тўқнашувда қарама-қарши томонларни қўллаб-қувватлашди.

Икки мамлакат ўртасида 2002 йил январда имзоланган келишувга мувофиқ, Россия Курдистон Ишчилар Партиясини қўллаб-қувватлашдан воз кечди. Ўз навбатида Туркия ҳам Чеченистонга ҳамда Туркия ерларида туриб фаолият юритаётган Шимолий Кавказдаги бошқа гурухларга нисбатан кескин позицияни эгаллади. Уларга нисбатан туркий халқларда хайриҳоҳлик кучли бўлишига қарамай, у шундай позицияни эгаллади. Бу эса, Россиянинг Чеченистон устида чангалини мустаҳкамлашига ҳамда руслар нуфузидан қутулиш учун ҳаракат қилаётган чечен мужоҳидлари ҳаракатларини йўқ қилишига имкон берди.

2008 йилга келиб Туркия Россиянинг энг катта савдо ҳамкорига айланди. Энергетика соҳаси икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий муносабатларнинг энг муҳим таркибий кисми бўлди. Кам миқдордаги углеводородларга эга бўлган Туркия 2009 йили нефт импортининг 40 фоиздан кўпини Россиядан импорт қилди. Россия мамлакатни таҳминан 57 фоиз табиий газ билан таъминлаб келмоқда. Иқтисодий муносабатлар атом энергетикаси, қурилишлар, туризм ва бошқа соҳаларни ҳам қамраб олди.

Обаманинг 2015 йил 29 сентябрда Путин билан учрашиши ортидан Америка Россияга Сурияга тўғридан-тўғри араласиши тўғрисида кўрсатма берди. Ундан кейин Эрдоганга Россия уочи Суриянинг мусулмон ахлига қарши ҳужум қилиш пайтида ҳаво бўшлигини бузгани масаласида Путин билан ўзаро келишиб олиш тўғрисида кўрсатма берди. Ҳолбуки, Россия

учоқларининг ҳаво ҳужумларини бошлашида таянч вазифасини ўтайдиган ҳаво базаси Туркияга яқин эди. Рус генерали Russia Today телевидениесида майдон тор бўлгани туфайли Россия укоқлари ҳавога кўтарилиш ёки қўниш пайтида Туркия ҳаво бўшлигини бузиб кириши муқаррар, деб изоҳлади. Эрдоган бу келишуви билан улкан хиёнатни содир этди ва мусулмонларнинг тўкилиши ҳаром ҳисобланган қони тўкилишига шерик бўлди.

Туркия учоғи 2015 йил 24 ноябрда ҳаво майдонини бузиб кирган Россия учогини уриб туширди. Бу билан икки томон ўртасида муносабатлар ёмонлашди ва Путин буни (ортдан пичоқ уриш) деб ҳисоблади. Лекин, у жавобгарликни шахсан Эрдоганга юкламади. Эрдоган 2016 йил 27 июля Россиядан кечирим сўрагунига қадар бу ишни тузатишга ҳаракат қилди. Кейин, 2016 йил 9 августда Санкт-Петербургда икки томон ўртасида учрашув бўлди. Ушбу учрашувдан кейин ва учрашув пайтида ҳам Россия учоғи тоғут режим билан биргаликда Суриянинг мусулмон ахлига қарши ҳужумларни кучайтириб, саноқли кунлар ичида юзлаб мусулмонларни ўлдирди ва у қулай вазиятда бўлгани учун бундай ҳужумларни ҳамон давом эттироқда. Аксар аҳолиси мусулмон бўлган мамлакатни бошқараётган, Сурия ахлини ёрдам бераман деб алдаган Эрдоган тарафидан бу ҳужумлар эътироозиз маъқулланди.

Маълумки, Эрдоган Туркияси ўз сиёсатини Америка билан бирга юритади ва у Эрдоган даври давомида бу сиёсатдан деярли четга чиқмади. Чунки унинг барча сиёсатлари ҳанузгача Америка манфаатига қаратилган. Шунинг учун Америка Эрдоганни Суриядаги Қўшма Штатларга хизмат кўрсатиб келаётган Россия билан ярашишга ҳамда хато бўлгани барчага аён бўлган Россия учоғи уриб туширилишини унтишга ундинади. Ҳаммага очиқ кўринган нарса шуки, Америка Туркия ва Россия орқали Суриядаги вазиятни назорат қилишга, Башар Асад режимининг альтернатив пишиб етилишидан олдин қулашига йўл қўймасликка ҳамда Европанинг ролини бутунлай ёки деярли йўқ қилишга эришди.

Туркия Анқарага катта зиён келтирган ҳужумларга жавобан 2020 йил 1 марта Сурия шимоли-ғарбий қисмида жойлашган Идлиб шаҳрида Сурия режимига қарши ҳарбий амалиёт бошланганини маълум қилди. Туркия мудофаа вазири Хулуси

Акар 27 февралда Идлибда юз берган мудхиш хужумдан кейин бошланган (Баҳор қалқони) амалиёти муваффақиятли давом этაётганини айтди. У Анқаранинг Башар Асад бошлигидаги Сурия режимини қўллаб-куватлаб келаётган Россия билан қарама-қаршиликка кириш нияти ҳам, истаги ҳам йўқлигини қўшимча қилди.

Очиқ кўриниб турибдики, Эрдоган Сочи конференцияси бандларини фаол тарзда татбиқ этишга, ҳалқаро йўлларни очишга ҳаракат қилди. Бунинг учун уйлар вайрон этилиши, аҳолининг мунтазам кўчирилиши, йўл бўйидаги барча шаҳар ва қишлоқларнинг (Туркияning расман эътироф этиши билан) Асад режими қўлига ўтиши каби талаб қилинган ишларни бажарди. Сўнг, Туркияning алдовли пунктлари келади ва буларда яхшилик бор деб гумон қилинди. Мана шу жойда Асад режимининг жиноятчи тўдасига қарши ҳар қандай ҳаракатни назорат қилишда гавдаланган Туркия роли фош бўлди. Асад режими бу ишларни ҳеч қандай тўқнашувсиз, қаршилик кўрсатмасдан кутиб олди. Сўнг, Уммат иродасини синдириш, уни Америка белгилаган сиёсий ечимга бўйсундириш учун аҳолини кетма-кет бомбалаш ва кўчириш тўлқинлари келди. Эрдоган бу жараёнда нафас ростлаш учун қўлланадиган туйнук вазифасини ўтади. Баъзида вазият хиёнатни яширишга қаратилган ўткинчи, кулгили қарама-қаршиликлардан ҳам холи бўлмади ва бу қарама-қаршиликлар баъзи бир юзаки ишлардаги келишмовчиликдан нарига ўтмади. Туркия ҳеч уялмасдан Сочи конференциясида белгиланган худудга қайтариш учун Россияга босим қилаётганини билдирар экан, бу билан Россияning Сочи конференциясидан олдин ва ундан кейин содир этган ишларини қонунийлаштириб берди. Айни пайтда Туркия ва Россия ўртасида ишларни мувофиқлаштириш ҳамда савдо алмашинуви мисли кўрилмаган даражага кўтарилгани ҳақида расмий баёнотлар берилмоқда! Сўнг, шундай бир сахна ўйинлари бошландики, бу сахна ўйинида Туркия режимни бомбардимон қилди ва бу бомбардимонлар Туркияning камайиб кетган улушини кўтаришдан ҳамда одамларни унинг заҳарли арқонига осилишга мажбур қилишдан нарига ўтмади. Бугун кўтарилиши лозим бўлган савол шуки, аввалги кескинлик юмшатилган (дэскалация) зоналар қаерда қолди, бу зоналар аҳолиси

қаерда?! Бу зоналарни режим ўз назоратига олиб, ахолисини шимолга кўчириб юбормадими?!

Россия Ислом ва мусулмонларга душман давлатdir. У мусулмонларни Чеченистон ва Афғонистонда қирғин қилди, ҳозир ҳам Сурияда қирғин қилмоқда. Аёллар, қария ва гўдакларда у синамаган бирорта ҳам ракета ёки қурол қолмади. Унинг бутун Сурияда мусулмонларга қарши қирғинлари ҳозиргача давом этмоқда. Аллоҳ Таоло бизни душманлар ва золимларга эргашибдан огоҳлантириди ва бунга риоя қилмаганларга жаҳаннамни вайда қилди. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَلَا تَرْكُوا إِلَى الَّذِينَ ظَلَمُوا فَتَمَسَّكُمُ النَّارُ وَمَا لَكُمْ مِنْ دُونِ اللَّهِ مِنْ أُولَيَاءِ ثُمَّ لَا ﴾

تُنَصَّرُونَ

«Зулм йўлини тутган кимсаларга берилиб кетманлар (эргашманлар). Акс ҳолда сизларга дўзах ўти етар. Сизлар учун Аллоҳдан ўзга бирон дўст йўқдир. Кейин (яъни золимларга эргашибсангиз) сизларга ёрдам берилмас» [Худ 113]

Эрдоган қандай Исломни хоҳлади:

2018 йил 8 марта хотин қизлар куни муносабати билан сўзлаган нутқида Эрдоган шундай деди: «Исломни 14 ва 15 аср олдин чиқарилган ҳукмлар билан татбиқ этиш мумкин эмас. Исломни татбиқ этиш макон, замон ва шароитга қараб ўзгаради. Исломнинг гўзаллиги мана шундадир». Агар Эрдоганинг Ислом тўғрисидаги фикри шу бўлса, унинг фикрига кўра Исломни асрга мослаш учун янгилаш керак бўлса, Эрдоганга мафтун бўлганлар қайси Исломнинг аста-секин татбиқ қилиниши ҳақида гапиришмоқда?! Эрдоган бир кун келиб тиклаши мумкин бўлган Халифалик қандай Халифалик?! У ўз юртида Исломга хеч қандай алоқаси бўлмаган, капиталистик куфр низомларига асосланган илмоний низомни ўрнатди. Буни янада ойдинлаштириб берадиган нарса шуки, аксари мусулмон бўлган Туркия ахолиси ўзларининг ҳаёт ишларини ўз эътиқоди ва ҳаёт ҳақидаги тушунчаларига мувофиқ, бироқ, динни давлатдан ажратиш асосида бажарадилар. Масалан мусулмон одам маст қилувчи ичимлик ичса, зино қилса, ўғирлик қилса, ноҳақ одам ўлдирса ёки диндан қайтса... унга шаръий жазолар ва ҳадлар қўлланмайди. Ҳатто Туркияning баъзи сайёҳлик масканларида «жинсий (секс) туризм» дея номланган жойларни ҳам кўриш мумкин... У – шариат бу ишларни тақиқлашни ҳоким

сифатида менга юклаган, деб билмайди... Бошқарувга келсак, Туркияда ҳар бир нарса Эрдоган ҳокимиятга келишидан олдин қандай бўлса шундайлигича, бошқарув ишлари (Отатурк) услугида кетмоқда... Ягона фарқ шуки, (Отатурк) динга, биринчи навбатда Исломга душман бўлган илмонийликни қабул қилган. Шунинг учун у азоннинг араб тилида айтилишини тақиқлаган, кўп масжидларни ёпган, ҳижоб кийишни тақиқлаган ва Қуръоннинг туркий таржимасини ўқишини талаб қилган...

Эрдоганга келсак, у динга қарши бўлмаган илмонийликни қабул қилди. Одамларнинг аксарияти мусулмон бўлгани сабабли, бу ўзгариш мусулмонлар қалбига яхши таъсир кўрсатди. Айниқса, унинг бошқаруви даврида, ўзлари олдин адо эта олмаган диний ибодатларини адо этишга эришганларидан ва у кўплаб ёпиқ масжидларни очганидан кейин Туркия мусулмонлари олдида олқишлигарга сазовор бўлди. У дунёning ҳар тарафидаги мусулмонлар олдида ҳам олқишлигарга сазовор бўлди. Мусулмонлар бу ўзгаришларга талаб қилинган шаръий ўзгариш деб қарай бошладилар ва у умид қилинган шаръий ўзгаришни амалга оширишига умид боғладилар. Илмоний синфнинг унинг барча ҳаракатларига қарши чиқиши, унинг ҳар бир ҳаракатидан кўркиши ҳамда уни (Отатурк) меросини йўқ қилади деб ҳисоблаши мусулмонларнинг унга садоқатини кучайтириди. Чунки оддий мусулмонлар позицияси реакцияларга асосланади. Шунинг учун улар унга садоқат кўрсатиб, қўллаб-куватладилар. Мусулмонларнинг унга садоқати сайловларда унинг ютиб чиқишида, ҳарбийларга қарши уни қўллаб-куватлашларида ва давлат тўнтаришига қарши у томонда туришларида кўринди.

Эрдоганга мухолиф бўлган сиёсатчилар, ҳарбийлар, медиа ходимлари ва муфаккирларга нисбатан амалга оширилган қамоққа олиш, таъқиб этиш ва ишдан бўшатишлар кўламидан хабардор одам мамлакатда ҳокимият ва салоҳиятини мустаҳкамлаш учун Эрдоган сарфлаган саъй-ҳаракат кўламини ҳам билади. Агар бунга сўнгги сайловлардан ва конституцияга киритилган ўзгаришлардан кейин Эрдоган кўлга киритган салоҳиятларни ҳам қўшадиган бўлса, мамлакатда у эгаллаган қувватнинг кўламини ҳам англаб етади. Зеро, Эрдоган эга бўлган ушбу қувват ва салоҳиятлар олдида Ислом ва

мусулмонларни ёрдамсиз ташлаб кўйгани очик кўринади. Туркиядаги бошқарув низоми ҳануз илмонийдир. Қолаверса, унинг режими Ислом даъватчиларига қарши курашиб, ва уларни узоқ йиллик қамоққа ташлаб келмоқда. Агар сиз Исломни яхши кўрадиган, бироқ, Эрдоганинг алдовига тушиб қолган кишилар билан, модомики у исломчилар ҳомийси экан, нега Ислом билан ҳукм юритмайди, дея баҳслашсангиз, улар сизга: «У бирданига вазиятни ўзгартира олмайди, чунки унинг душманлари кўп», деб айтишади.

Бу ерда шундай савол туғилади: Эрдоган ўн минглаб ўзига рақиб бўлган сиёсатчилар ва ҳарбийларга зулм ўтказа олди. Яна бошқа ўн минглабини таъқиб қилди, армиядаги катта қўмондон ва генералларни қулатди. У ҳанузгача ўз рақиблари қалъалари ва саройларини мисли кўрилмаган шафқатсизлик билан таъқиб қилмоқда. У буларнинг барчасини ўзи ва партияси учун қилди. Ўзи ва партияси учун қилган ишларининг озроқ қисмини Ислом учун қила олмайдими?! Ўзи учун бу ишларни қила олсаю, буни Ислом учун, яъни одамлар уни у сабабли сайлаган дин учун қила олмайдими?!

Шубҳа йўкки, ҳақиқатни кўришни истаган киши учун бу саволларнинг жавоби осон. Бу жавоб шуки, Эрдоган Исломни татбиқ этишни истамайди ва бунга ҳаракат ҳам қилмайди. У мусулмонларни алдаш ҳамда мустамлакачиларнинг мусулмонлар юртларидағи тил бириктирувларини кўпчилик севган Ислом номи остида амалга ошириш учунгина Ислом ниқобига бурканган. Биз ушбу сўзларни

﴿تَبْصِرَةٌ وَذُكْرٍ لِكُلِّ عَبْدٍ مُنِيبٍ﴾

«(Парвардигорга) қайтгувчи ҳар бир бандага кўргазма ва эслатма-ибрат бўлсин учун» [Коф 8] айтмоқдамиз. □

Ибн Боз ва Ибн Усаймин яхудийлар билан сулҳ тузишни ёқлаган

CNN Arabic нашр қилган хабарга кўра, Амирликлар билан (Истроил) ўртасидаги тинчлик келишуви эълон қилиниши ортидан фаоллар ижтимоий тармоқларда Саудия Арабистони собиқ муфтиси Муҳаммад ибн Солих Усайминнинг изоҳини муҳокама қилишган. У ўз изоҳини «яхудийлар билан сулҳ тузиш» ҳақида Абдулазиз ибн Боз берган фатво атрофида кўтарилигандан шов-шуввлар манзарасида берган эди. Унинг расмий сайтида берилган аудиоёзувида, Ибн Усаймин уларни «фанатлар» деб атаб, уларга жавобан шундай деган эди: «Баъзи одамларнинг яхудийлар билан сулҳ тузилиши устида ҳақоратли сўзларни айтаётганига келсак, бу сиёсий масаладир. Сиз бу фанатларнинг диндан йироқ кишилар эканига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Бу бир сиёсат, тарафкашлик, миллатчилик ва шунга ўхшаган нарсадир. Уларнинг ҳеч қандай эътибори йўқ. Модомики бизда Қуръон ва Суннатдан олинган далил бор экан, биз уларга эътибор бермаймиз». У сўзини давом эттириб шундай дейди: «Агар сиз бу фанатларнинг баъзи бирини жамоа сифатида эмас, шахс сифатида ўрганиб чиқадиган бўлсангиз, уларнинг ичидаги бадният мунофиқлар борлигига гувоҳ бўласиз. Лекин бу сиёсий масаладир. Улар ушбу мамлакат уламоларининг энг афзалига қарши ҳақоратли сўзларни айтишди. Лекин улар айтган ҳақоратли сўзларнинг ҳеч қандай эътибори йўқ». Ибн Боз муҳокама қилинган фатвода шундай деган эди: «Ҳар бир давлат ўз манфаатини ҳисобга олади. Агар у ўзаро элчилар алмашинувида, савдо-сотик ишларида ва булардан бошқа покиза шариат рухсат берган ишларда яхудийлар билан сулҳ тузишни мамлакатдаги мусулмонлар учун манфаатли деб билса, унда бу ерда ҳеч қандай ёмон нарса йўқ».

Ал-Ваъй: Ҳар бир мамлакатдаги расмий уламоларнинг шариатни ҳукмдорлар истагига бўйсундириши ҳукмдорлар содир этган килмишлардан ҳам хатарлидир. Шунинг учун шариат уларни гуноҳда ҳукмдорларга шерик қилди. Агар уламолар сиёсий масалаларни ҳукмдорларга ташлаб қўйишишса... сиёсий масалалар уларга уламо сифатида топширилган вазифалардан ташқарида бўлса... Ҳукмдорлар қандай ҳукм

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм килемайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>чиқарса ҳам уламолар уларга итоат қилаверадиган бўлса... бу ҳолатда улар Аллоҳга итоат қилиш ўрнига Америкага ва малай ҳукмдорларга итоат қилган бўладилар. Усайминнинг бу сўзи динни сиёsatдан ажратиш эмасми?! Салаф уламоларнинг мусулмонлар имомларига нисбатан тутган позициялари шундай бўлганми?! Шу сабабли, анавиларга ўхшаган уламолар ўзларидан олинган аҳдан воз кечишмоқда ва пайғамбарлар меросхўри сифатида бажаришлари керак бўлган ролни йўқотишишмоқда.</p>		
<p>Уммон қироллиги муфтиси: Ақсони ва унинг атрофини озод қилиш Уммат бўйнидаги қарздир</p>		
<p>Уммон қироллиги муфтиси Аҳмад ибн Ҳамд Ҳалилий твиттердаги расмий саҳифасида берган баёнотида шундай деди: «Ақсо масжидини ва унинг атрофидаги барча ерларни ҳар қандай босқинчиликдан озод қилиш бутун Уммат устидаги муқаддас бурч ва унинг бўйнидаги бажарилиши керак бўлган қарздир. Агар уларга вазият қулай бўлмаса ва тақдир қулиб боқмаса, улар унинг устида савдолашибисин, балки Аллоҳ бу бурчни бажариш шарафига муюссар бўлган кишиларни келтириши учун, ишни илоҳий қадарга ташлаб қўйишин». Уммон расмий ахборот агентлигига кўра, Ҳалилий бу баёнотни Амирликлар билан (Исроил) ўртасидаги тинчлик келишуви эълон қилинганидан бир неча кун ўтганидан кейин берди. Ҳолбуки, Уммон қироллиги ўзининг ташқи ишлар вазирлигидаги расмий вакили орқали Бирлашган Араб Амирликлари, Қўшма Штатлар ва (Исроил) ўртасидаги қўшма тарихий эълон доирасида Амирликларнинг (Исроил) билан муносабатларга оид қарорини қўллаб-қувватлашини билдирган эди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Бу – давлатда расмий мансабни эгаллаган олим томонидан чиқарилган фатводир. Уммон қироллиги Амирликлар билан (Исроил) ўртасидаги тинчлик келишувини қўллаб-қувватлаган бўлишига қарамай, бу олим Аллоҳ ва Уммат олдидаги жавобгарлигини хис қилиб фатво чиқарди... Ҳар қандай ҳолда ҳам, бу масалада шариатнинг ҳукми қатъий бўлиб, мусулмонлар ўртасида бу борада ихтилоф йўқ. Агар бу ерда тинчлик келишувини қўллаб-қувватлаган уламолар бўлса,</p>		


ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасыз оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
бу шариатни эътиборсиз қолдириш ва динни ҳукмдорларга сотищдан бошқа нарса эмас... «Албатта Аллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонлар күркүр».		
Эрдоган Абу-Даби билан дипломатик муносабатларни тұхтатиши ёки әлчини чақириб олиш чоралари қўрилиши мумкинлигига ишора қилди		
<p>Туркияning расмий Онадўли ахборот агентлиги берган овозли тасмада Эрдоган шундай дейди: «Биз Фаластин халқини кўллаб-қувватлаймиз, Фаластинни ҳеч кимга осон луқма қилиб асло ташлаб қўймаймиз... Биз Абу-Даби билан дипломатик муносабатларни тұхтатиши ёки әлчимизни чақириб олиш чораларини қўришимиз мумкин». Туркия ташқи ишлар вазирлиги тинчлик келишуви эълонига изоҳ берар экан, «Амирликларнинг ўлик туғилган Америка режаси орқали яширин манфаатларни қўлга киритишга ҳаракат қилиши Фаластин халқи иродасини менсимасликдир» – дея таъкидлади. Онадўли берган хабарга кўра, ташқи ишлар вазирлиги яна шундай қўшимча қилган: «Амирликлар маъмуриятининг халқ истаги ва фаластинликлар хоҳишига зид равища Истроил билан музокаралар олиб боришга ҳамда Фаластин учун ҳал қилувчи масала ҳисобланган мавзуларда ён беришга мутлақо салоҳияти йўқ». (Истроил)нинг Туркиядаги әлчинонаси твиттердаги расмий сахифасида Туркияning расмий позициясига қўйидагича муносабат билдири: «Тарихий кунлар бўлиб ўтмоқда... Умид қиламизки, (Истроил) билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасида имзоланган тинчлик келишуви Ўрта Шарққа барқарорлик ва хавфсизлик олиб келади». (Истроил) әлчинонаси ўз твитига (Истроил) давлати расмий сайтига жойланган ҳамда (Истроил) ва Амирликларга тегишли лавҳа ва суратларни ўз ичига олган видеолавҳани қўшиб қўйди ва қўйидагича шарҳ қолдири: «Истроил ўз давлати билан Бирлашган Араб Амирликлари ўртасидаги тарихий тинчлик шартномасини олқишилайди».</p>		
<p>Ал-Ваъй: Эрдоганнинг очиқ-ойдин мунофиқлигига қаранг. У таҳдид қилмоқда ва Абу-Даби билан дипломатик муносабатларни тұхтатиши ёки әлчини чақириб олиш чоралари қўрилиши мумкинлигига ишора қилмоқда. Бундай</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يُظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخُرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг биродаридир. Унга зулм қилмайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
мунофиқликнинг нима кераги бор? (Исройл)да сенинг фаолият юритаётган элчихонанг йўқми? Туркияда (Исройл) элчихонаси йўқми? Модомики, (Исройл) Фаластин масаласида биринчи тил бириктирувчи экан, нега у ердан элчингни чақириб олиб, у билан муносабатларни узмайсан. Мана, (Исройл)нинг Туркиядаги элчихонаси тинчлик шартномасини олқишилашини ва унинг тарихийлигини эълон қилмоқда. Сен, эй Эрдоган жаноблари, хақиқатан ҳам уялмаяпсан, шунинг учун хоҳлаганингни қиляпсан.		
(Исройл)нинг собиқ ташқи ишлар вазири Силван Шалом: Эрдоган биз учун араб ва Ислом олами эшикларини очди		
(Исройл) собиқ ташқи ишлар вазири ва регионал ривожланиш вазири Силван Шаломнинг билдиришича, у шу икки мансабни эгаллаб турган (2003 йилдан бошлаб 2016 йилгача) йиллари давомида Кўрфаз давлатларига, шунингдек, араб ва Ислом олами давлатларига ташриф буюриб, у ерда бир қатор расмийлар билан учрашган. Бу учрашувларнинг асосий қисми Туркия президенти Ражаб Тойиб Эрдоган ташаббуси билан амалга ошган ва айрим учрашувлар Туркия ерларида бўлган. Шалом Тель-Авивдаги маҳаллий радиога берган интервьюсида шундай дейди: «Эрдоган (Исройл) томонидан Туркиянинг Европа Иттифоқига кўшилишига ёрдам берилиши эвазига, (Исройл)нинг араб ва исломий давлатлар билан муносабатларини кенгайтиришни жуда истар эди». У яна шундай қўшимча қиласи: «Мен фаластиналар билан можаро ҳал қилинишидан олдин (Исройл) билан араб давлатлари ўртасида муносабатлар тикланиши бу можарони ҳал қилишга кўпроқ ёрдам беради деб ишонардим ва ҳали ҳам шундай деб ишонаман. Мен буни Эрдоганга ҳамда ўзим учрашган араб ва Ислом давлатлари раҳбарларининг ҳар бирига тушунтирдим. Эрдоган мен учун бу учрашувларнинг бир нечтасини, шу жумладан, Покистон ташқи ишлар вазири билан бўлиб ўтган учрашувни ташкиллаштириб берди».		
Ал-Ваъй: Эрдоган шу даврда Исломга қарши энг катта ёлғондир. Ушбу вазирнинг баёнотларига нисбатан Эрдоганнинг раддия бериб, ёлғонга чиқаришдан бошқа чораси йўқ. Агар сукут қиласиган бўлса, бу нарса вазирнинг сўзларни маъкуллаш		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال تعالیٰ: ﴿إِنَّمَا الْمُؤْمِنُونَ إِخْوَةٌ﴾ «Мұжынлар ҳеч шак-шубҳасız оға-инилардір»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
демакдир. Зеро, бундай баёнотлар расмий ҳисобланиб, уларни айтган киши бу сўзлардан жавобгардир.		
<p>(Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш... Юқори лавозимли америкалик расмий: Ҳар бир мамлакат ўз жадвалига эга</p>		
<p>АҚШ давлат котиби Майк Помпео Бирлашган Араб Амирликлари билан имзоланган тарихий тинчлик келишувидан намуна олиб (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришга араб давлатларини рағбатлантириш учун бир қатор Ўрта Шарқ давлатлариға сафар қилди. Унга бу сафарида ҳамрохлик қилган юқори лавозимли америкалик расмийнинг айтишича, миңтака давлатлари, хусусан Кўрфаз давлатлари Амирликлар ва (Исроил) ўртасидаги келишувида (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириш учун барча ижобий сабабларни кўради. У араб давлатлари билан (Исроил) ўртасидаги яқинлашиш сари ташланган қадамлар ҳақида гапирав экан, «ҳар бир давлат ўз жадвали ва ишлаш жараёнига эга» эканига ишора қилди. У яна шундай қўшимча қилди: «Биз Амирликлар билан (Исроил) ўртасидаги келишувида воситачилик қилишга муваффақ бўлдик ва биз кўпроқ мамлакатларнинг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштишини истаймиз». Америкалик расмий Баҳрайннинг бошқа давлатлар билан икки томонлама муносабатларга оид ҳар қандай қарорни ўз халқи манфаати йўлида қабул қилишига ишора қилиб, биз буни хурмат қиласиз, деб таъкидлади. У Амирликлар билан (Исроил) ўртасидаги келишуви регионал жиҳатдан жуда муваффакиятли бўлганини, шунингдек, Бирлашган Араб Амирликлари раҳбарияти бошқа давлатларга йўл очиши мумкинлигини билдириб ўтди.</p>		
<p>Ал-Ваъй: Ҳа, «Аср келишуви» доирасида амалга оширилаётган бундай хоинона келишувлар хукмдорлар келишувидир ва бу келишувларга Умматнинг ҳеч қандай алоқаси йўқ.</p>		
<p>Хитой уйғур мусулмонларида коронавирус вакцинасини синовдан ўтказдими?!</p>		
<p>Жаҳон Уйғур Конгресси маслаҳатчиси Эркин Сиддиқ АҚШ фуқаролигига эга уйғур бўлиб, Уйғурлар академиясининг</p>		

ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ	قال رسول الله ﷺ: «الْمُسْلِمُ أَخُو الْمُسْلِمِ لَا يَظْلِمُهُ وَلَا يَخْدُلُهُ وَلَا يَبْخَرُهُ» «Мусулмон мусулмоннинг бирордадир. Унга зулм килимайди, уни ташлаб қўймайди ва камситмайди»	ОЛАМ МУСУЛМОНЛАРИ ХАБАРЛАРИ
<p>асосчиси хисобланади. Унинг таъкидлашича, халқаро ҳамжамият Хитойнинг уйғур мусулмонларига қарши содир этган қонунбузарликларнинг кўлами ва жиддийлигини ҳамон тушунмаяпти. «Шарқий Туркистонда вазият хабар берилгандан анча ёмон», дейди у «Бай Лайн» веб-сайтига. Унинг таъкидлашича, Хитой коронавирусга қарши вакциналар бўйича синовларни уйғурлар устида ўтказишгандан сўнг ҳамма ёқда ўликлар кўпайиб кетган. Хитой президенти Си Цзиньпин 2014 йил уйғурларнинг учдан бир қисмини ўлдириб юбориш, учдан икки қисмини қамоқ лагерларида сақлаш ва қолган учинчи қисмини Хитой коммунистик партияси идеологиясига итоат эттириш тўғрисида яширин қарор чиқарган. Пекин коронавирусга қарши вакцинани синовдан ўтказиш ишларини қамоқда сақлашга қарор қилган учдан бир қисм уйғурлар устида мажбуран олиб бормоқда. Бу уларнинг оғир мажбурий меҳнатга жалб қилганига қўшимча ҳисобланади. Унинг изоҳлашича, Хитой баъзи уйғурларни тирик қолдиришга қарор қилганининг сабаби, кўпинча уларнинг хорижда оиласлари бўлади, шунинг учун Пекин ҳақида ёмон тасаввур хорижга чиқиб кетмаслиги учун Хитой уларни тирик қолдирган.</p> <p>Эркин Сиддиқнинг таъкидлашича «коронавирус пайдо бўлганидан бошлаб Хитой ҳукумати барча уйғур аҳолиси устида тажриба ўтказиб келмоқда, ҳар бир оиласдан битта шахсни олиб (улар 165 киши), уларни узоқдаги касалхонада якка изоляцияга олган, уларнинг ҳаммаси ёшлардан иборат бўлиб, кекса ёшли уйғурларда синов ўтказилгани йўқ». У «хўш, ҳукумат бу одамларга вакцина беришдан олдин уларга укол орқали вирус юборадими?», дея савол берди».</p> <p>Ал-Ваъй:</p> <p>Дунёнинг ҳар бир жойида ҳис қилинаётган бундай фожиавий ҳолат мусулмонларни ўзларининг битта уммат эканликларини ҳис қилишларига олиб келади. Бунинг муқобилида мусулмонлар ўзларини битта байроқ остида бирлаштирадиган Халифалик давлатини барпо қилиш йўлида бирлашмоқлари лозим. Зоро, Халифалик давлати қандай давлат бўлишини дўстдан олдин душман яхши билади. □</p>		

ҚУРЬОНИ ҚАРИМ СУХБАТИДА



﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَايَنْتُم بِدَيْنِ إِلَيْ أَجَلٍ مُسَمًّى فَأُكْتُبُو وَلَيَكُتبَ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ وَلَا يَأْبُ كَاتِبٌ أَن يَكُتبَ كَمَا عَلِمَهُ اللَّهُ فَلَيَكُتبْ وَلَيُمْلِلَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ وَلَيُبَيِّنَقَ اللَّهُ رَبُّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنْ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يَسْتَطِعُ أَن يُعْلِمَ هُوَ فَلَيُمْلِلَ وَلَيُبَيِّنَ وَبِالْعَدْلِ وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِنْ رِجَالِكُمْ فَإِنْ لَمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَيْنِ مِنْ تَرْضُونَ مِنْ الشَّهَدَاءِ أَن تَضَلَّ إِحْدَاهُمَا فَتُذَكَّرَ إِحْدَاهُمَا الْأُخْرَى وَلَا يَأْبُ الشَّهَدَاءُ إِذَا مَا دُعُوا وَلَا تَسْعُمُوا أَن تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَيْ أَجْلِهِ ذَلِكُمْ أَقْسُطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ وَأَدَنَّ أَلَا تَرْتَابُوا إِلَّا أَن تَكُونَ تِجَرَّةً حَاضِرَةً ثُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيَسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ أَلَا تَكْثُبُوهَا وَأَشْهِدُوا إِذَا تَبَأْيَعْتُمْ وَلَا يُضَارَ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ وَإِنْ تَفْعَلُوا فَإِنَّهُ وَفُسُوقٌ بِكُمْ وَأَنْتُمُ الَّهُ وَيُعْلَمُكُمُ الَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

«Эй мүминлар, бир-бирларнан билан қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар! Ораларнан гизда бир котиб адолат билан ёзсин! Ҳеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин, албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсан — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсан ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (кар, соқовлиги ё тил билмаслиги сабабли айтиб туриб) ёздиришга қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздиришсан! Ва сизлар рози бўладиган (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни — бири унумиб адашса, яна бири унга эслатади— гувоҳ қилинглар! Гувоҳлар (гувоҳлик учун) чақирилганда бош тортмасинлар! Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб қўйишдан эринманглар. Мана шу Аллоҳ наздида

адолатлироқ, гувоҳлик учун **тұғрироқ** **ва шак-шубҳа** қилмасликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир). Лекин агар (үртадаги муомалангиз) ораларингизда юргизиб турган нақд савдо бўлса, уни ёзмасангизда, сизлар учун гуноҳ йўқdir. **Ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг!** **Ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин.** Агар шундай килсангиз (яъни улардан биронтасига зарар етказсангиз), **бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир.** Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиидир» [Бақара 277-281]

Ҳизб ут-Тахрир амири Ато ибн Халил Абу Роштанинг (у кишини Аллоҳ хифзу ҳимоясида асрасин) «Тайсир фи Усулит Тафсир» номли китобида қуйидагича келади:

Аллоҳ Таоло Аллоҳ йўлида нафақа қилиш, миннат қилмаслик, озор бермаслик, риё аралаштирмаслик, молнинг ёмон жойидан эмас, яхши жойидан ажратиш, бу ишда холис Аллоҳнинг юзини умид қилиш каби ишларни ва кечаю кундузи, ошкораю яширин қилинган яхши амаллар учун ажру савоблар бўлишини баён қилди.

Шундан кейин Аллоҳ Таоло рибо ҳақида гапириб, унинг жуда катта жиноятлигини, жуда қаттиқ ҳаромлигини, уни қилган одам фойда олиб, ўзгаларга зулм қилмаслигини, ўзининг сармоясини қайтариб олиб, ўзи ҳам зулм кўрмаслигини баён қилди.

Шундан сўнг Аллоҳ Таоло қарздорга муҳлат бериш, қарзнинг ҳаммасидан ёки бир қисмидан воз кечиш билан унга садақа қилиш ҳақида гапирди.

Кейин муқимлик ва мусофириликда бўладиган дайнга, қарзга алоқадор ҳукмларни баён қилди.

Аллоҳ Таоло қарз муомаласини қилмоқчи бўлган мўминларга бу ишни ёзиб қўйишларини, унга икки кишини ёки бир киши ва икки аёлни гувоҳ қилишларини буюриб, шундай қилишлари Аллоҳга итоат ва қарзларининг сақланишига кафолат бўлишини билдириди. Уларни шундай қилишга ундади. Бунда қилинаётган қарз муомаласининг катта ёки кичик бўлиши аҳамиятсизdir. Агар нақд савдо бўлса, бундай оворагарчиликнинг ҳожати йўқ.

Шунингдек, Аллоҳ Таоло гувоҳларга, қарзни ёзиб бораётганларга озор беришни, яъни, уларга босим ўтказиб, воеаларни ўзгартириб ёзишга мажбур қилишни ҳаром қилди. Уларни бу борада шариат қонунларига бўйсунишга буюриб, Ўзининг ҳамма нарсадан хабардорлигини, ғайни ҳам, шаҳодатни ҳам билишини баён қилди.

﴿وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

(*Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиодир*).

Мўминларга хитоб.

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَاءَيْتُمْ بِدَيْنِ إِلَى أَجْلٍ مُّسَمٍ﴾

(Эй мўминлар бир-бирларингиз билан маълум вақтга қарз муомаласини қилсангиз, ёзиб қўйинглар!) агар қарз муомаласини қилсангизлар.

(дін) сўзидан мурод барча икки эваздан бири нақд бўлиб, иккинчиси насия бўлан савдодир. Қарз ҳам шунга киради. Бир киши бошқасига мол беради ва олган одам маълум муддатдан кейин уни қайтаради. Товар берилади, унинг пули эса кейинроқ тўланади. Бамисоли харидор қарз олгандек бўлади. Мана шу ҳам дайн дейилади. Салам, салаф муомалалари ҳам шу қабилдандир. Пул тўланади ва кейинроқ товар берилади. Хуллас, шуларнинг ҳаммаси (дін) сўзининг маънолариdir.

﴿فَاكْتُبُوهُ إِذَا تَدَاءَيْتُمْ بِدَيْنِ﴾(дағи замирнинг қайтиши алоҳида маъно касб этади. Агар (бидин) айтилмасдан «Фактбюوا الدين» дейилганда (накштюо) нинг ўрнига «Фاكتбюوا الدين» дейилган бўларди. Бу муборак оятнинг тартибида ажиб бир гўзаллик борки, уни сўз санъатидан боҳабар завқли кишиларгина илғай оладилар.

(إِلَى أَجْلٍ مُّسَمٍ) яъни, маълум вақтга.

Бухорий Ибн Аббос رضдан ривоят қиласи: «Гувоҳлик бераманки, муайян муддатга кафолатланган салаф савдосини Аллоҳ ҳалол қилган ва унга рухсат берган». Ибн Аббос шу гапни айтганидан кейин оятни тиловат қилди. Салаф ҳам, салам ҳам бир маънода.

Ибн Жарир ривоятида Ибн Аббос رض,

﴿يَا أَيُّهَا الَّذِينَ آمَنُوا إِذَا تَدَاءَيْتُمْ بِدَيْنِ﴾

(Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз) ояти маълум ўлчовдаги ва маълум муддатга белгиланган салам савдоси ҳақида нозил бўлган, деган.

Оятнинг салам савдоси хусусида нозил бўлиши унинг бошқа дайнларга ҳам алоқадор бўлишига монелик қилмайди. Чунки (дін) сўзи оядда мутлақ маънода келган, маълум муддатдан бошқа ҳеч нарса билан қайдланмаган. Демак, Аллоҳ Таоло салам савдосида бўладими, бошқада бўладими, ҳар бир дайн ёзиб борилишини буюрьпти.

(فَأَكْتُبْهُ) Аллоҳ томонидан бўлган ёзишга буюриш. Буюриш талабни ифодалайди. Бу буйруқ хусусида ҳар хил гаплар ворид бўлган. Уни вожиб деганлар ҳам, мандуб деганлар ҳам, мубоҳ деганлар ҳам бор. Уни мубоҳ деганлар унда фақат дунёвий фойда кўрсатилганлигини назарда тутганлар. Яъни, дайнни сақлаш ва тортишувлардан узоқ бўлиш учун ёзмагандан кўра ёзган яхшиrok.

Буйруқдаги асллик талаб қилишдир. Ундаги шаръий ҳукмнинг фарзлиги, мандублиги ёки мубоҳлигини карина белгилаб беради. Бу муборак оят ҳақида тадаббур қиласиган бўлсак, қуидагилар аён бўлади:

а) Талаабнинг қатъийлигини кўрсатувчи қарина йўқ. Масалан, ёзилмасликка жазо тайинланиши каби қатъийликни ифодаловчи омиллар мавжуд эмас. Демак, ёзиш фарз эмас.

б) Ёзмасликдан кўра ёзишни рожих қиласиган қариналар бор.

﴿وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلِمَ اللَّهُ﴾

(Хеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин).

﴿فَلِيَكُتُبْ وَلِيُمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ وَلَيَقُولَّ اللَّهُ رَبُّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا﴾

(Албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсин — Парвардигори бўлмиши Аллоҳдан кўрксин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!).

﴿وَلَا تَسْعُوا أَنْ تَكْتُبُوهُ صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا﴾

(Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, ёзиб қўйишдан эринманглар).

﴿ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

(Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ).

﴿وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ وَأَدْنَى أَلَا تَرْتَابُوا﴾

(Гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қиласликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир)).

Мана шуларнинг ҳаммаси ёзмасликдан кўра ёзиш рожихроқ эканини кўрсатади.

Лекин уларнинг айримлари рожихлик дунёвий мақсаддалигини ифодалайди. Чунончи:

﴿وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ وَأَدْنَى أَلَا تَرْتَابُوا﴾

(Гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қиласликка яқинроқ бўлган (ҳукмдир)). Бу ҳақ талашишнинг олдини олиш учун ёзган

афзал. Негаки, у гувохларнинг гапини тасдиқлайди ва уларнинг ишини осонлаштиради.

Агар шунинг ўзи билангина чекланадиган бўлсак, у фақат йўл кўрсатишни ўз ичига олувчи мубоҳликнигина ифодалаган бўларди. Лекин уларнинг (кариналарнинг) айримлари рожиҳлик савоб яъни, мандублик учунлигини ифодалайди. Масалан, Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ﴾

(Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ).

Мана шу ёзишнинг мандублигига қаринадир. Бинобарин, маъно куйидагича бўлади:

Мўминлар учун ўрталарида бўлиб турган, тўланиши маълум муддатга қолдирилаётган қарз савдосини ёзишлари мандубdir.

Энди тўланишига маълум муддат белгиланмаган дайнга келадиган бўлсак, уни ёзиш мандуб эмас, мубоҳdir. Мубоҳлигига икки асос бор:

Биринчидан, оят мандуб қарз савдосининг ёзилишини муайян муддат билан қайдлаяпти. Бу бир тавсифdir. Унинг мағҳуми хам бор ва унга амал қилинади. Яъни, оятда баён қилинган ёзишга буюриш муайян вақт белгиланмаган қарз савдосини ўз ичига олмайди.

Иккинчидан, кейинги оятда Аллоҳ Таоло мана бундай деяпти:

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا فَلَيُؤْدَدَ الَّذِي أَوْتُمْ أَمْنَتُمْ﴾

«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз, омонат қўйилган киши омонатини адо қилсин» [Бақара 283]

Яъни, бу ҳолат – қарз берувчининг ҳам, олувчининг ҳам бир-биридан хавфсирамасликлари, бир-бирига ишонишлари оятда баён қилинган ёзишга буюришдан мустаснодир. Бундай ҳолатда ёзиш мубоҳdir. Истаса ёзади, истамаса ёзмайди.

Кимдир бирон одам билан қарз савдосини қилиб, унинг тўланишига аниқ муддат белгиламаса, масалан, унга, истаган пайтингда берасан, деса, бу иш Аллоҳ Таолонинг

﴿فَإِنْ أَمِنَ بَعْضُكُمْ بَعْضًا﴾

«Агар бир-бирларингизга омонат қўйсангиз» [Бақара 283] деган гапига киради. Чунки у қарз олаётган одамга ишонгани учун истаган пайтингда берасан, дейди.

Шундай қилиб оят қуйидагича талқин қилинади:

а) Шаръий ҳукм шуки, тўланишига муайян вақт белгиланган қарз савдосини ёзиш мандубdir.

б) Қарз олувчи ҳам, берувчи ҳам бир-бирларига ишониб қилингандың қарз савдосини ёзиш мубохдир. Истасалар ёзадилар, истамасалар ёзмайдилар.

Тұланишига аник муддат белгиланмаган қарз савдоси ҳам шунга киради. Негаки, бу ҳам уларнинг бир-бирларига ишонишларини күрсатади.

Оят қарзниң тұланишига муддат белгилаш ҳукмини баён қылмаяпти. Бу қарз савдосига алоқадор ҳолатларға қараб бўлади. Ҳар бир ҳолатнинг ҳужжатлари ўрганиб чиқилади. Масалан, салам савдосида муддатни белгилаш шарт. Муддат белгилангандағина салам савдоси битими тўғри битим хисобланади. Шунинг учун бу савдода муддат аник бўлиши вожиб. Масалан, пули берилади-да, товар, дейлик, буғдой фалон вақтда олинади, деб муддат аник айтилади. Бухорий ва Муслим Ибн Аббос رضдан ривоят қилган юкоридаги ҳадисда шунга ишора бор. Унда айтилишича, Пайғамбар ﷺ Мадинага келгандаридан улар икки, уч йилга салаф савдосини қиласидилар. Пайғамбар ﷺ шундай дедилар:

«مَنْ أَسْلَفَ فِي ثَرِ فَلَيُسْلِفْ فِي كَيْلٍ مَعْلُومٍ وَوَزْنٍ مَعْلُومٍ إِلَى أَجْلٍ مَعْلُومٍ»

«Бир мева борасида салаф савдосини қилган одам аник ўлчовда, аник вазнда ва аник муддатга килсин».

﴿وَلِيُكْتُبَ بَيْنَكُمْ كَاتِبٌ بِالْعَدْلِ﴾

(*Ораларингизда бир котиб адолат билан ёзсин!*) Бу ердаги (→) ё (وْيُكْتُبْ) (کاتِبْ) га тааллуклидир.

Агар биринчига тааллукли бўлса, ёзувчи адолат билан ёзсин, деган маъно чиқади. Яъни, бу ерда талаб қилинаётган иш ёзувчининг адолатли билан ёзиши бўлади. Унинг ўзи одил, яъни, мусулмон бўладими, йўқми, аҳамияти бўлмайди. Асосий эътибор унинг ёза олишига қаратилади.

Агар иккинчига, яъни, (→) котиб сўзига тааллукли бўлса, адолатли ёзувчи ёзсин, деган маъно чиқади. Яъни, ёзувчининг адолатли бўлиши, яъни, мусулмон бўлиши, очик фосик бўлмаслиги, ёзиш борасида Аллоҳдан тақво қилиши, нимани ёзаётганини билиши ва ишни пухта бажариши талаб қилинаётган бўлади.

Жар қилувчи ҳарфнинг иккинчига яъни, котиб сўзига тааллуклилиги рожиҳдир. Бунга қарина ундан кейин келган

﴿وَلَا يَأْبَ كَاتِبٌ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلِمَهُ اللَّهُ﴾

(Хеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин) деган гапдир. Фақат адолатли мусулмонгина ёзишдан бош тортмайди. Чунки у ўзининг ёзишни билиши Аллоҳнинг фазли ва марҳамати эканини англайди.

Шунга кўра, бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Ораларингдаги муомалани бир одил, яъни, очик фосик бўлмаган, тўғри ёзишига ишониладиган мусулмон ёзсин.

(بَيْنَكُمْ)нинг айтилаётгани эса ёзувчининг ҳар икки тарафдан танланган бўлиб, улардан бирининг тарафига ўтиб кетмаслигига далолат қилиш учундир. Яъни, ёзувчи бетараф бўлиши (بَيْنَكُمْ) ёзиши лозим.

﴿وَلَا يَأْبَ كَاتِبٍ أَنْ يَكْتُبَ كَمَا عَلِمَ اللَّهُ﴾

(Хеч бир котиб Аллоҳ билдирган ёзишдан бош тортмасин). Ёзувчи ёзишдан бош тортмасин. Бу ердаги бош тортиш макрухликни ифодалайди. Чунки ёзишдан бош тортишни тақиқлашнинг қатъйилигини кўрсатадиган қарина йўқ. Шунинг учун у ноқатъий тақиқ, яъни, макруҳдир.

(كَمَا عَلِمَ اللَّهُ Аллоҳ билдирган ёзишдан) яъни, ёзишдан бош тортмасдан Аллоҳ унга ёзишни билдириб қўйгани учун шукrona сифатида бошқаларга ёрдам берсин. Бу ҳам юқорида айтиб ўтганимиздек, ёзувчининг Аллоҳнинг ўзига ёзиш неъматини ато этганини идрок қила оладиган, адолатли мусулмон бўлиши кераклигига яна бир қаринадир. Демак, қарз олувчи ҳам, берувчи ҳам ўзларига бир адолатли ёзувчи топиб, ёздирсинглар.

(أَنْ يَكْتُبَ) ёзишга буюриш. Аллоҳ Таоло ундан олдинрок (كَمَا عَلِمَ اللَّهُ), дегани эътибори билан бу иш мандубдир. Яъни, у олдин ҳеч нарсани билмас эди, Аллоҳ унга билдириди. Бас, шундай экан, бошқаларнинг эҳтиёжи тушиб турган пайтда уларга ёрдам берсин.

(وَلِيُّمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقْقُ) Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсинг) бу ҳам мандуб. Чунки ёзиш шунга асосланган.

(فَلَيَكْتُبْ وَلِيُّمْلِلِ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقْقُ) албатта ёзсин! Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирсинг) унга тақвони эслатилаётгани мандубликни таъкидлайди.

﴿وَلِيُّتَقِ الَّهُ رَبُّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا﴾

(*Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!*).)

(*وَلِيُّنْهُ الْيَوْمَ*) яъни, ёзувчига нимани ёзишини айтиб туриш.

(*زِيمْمَاسِيدَا қَارْزِي بُولْغَانْ كِيشِي*) яъни, қарз олаётган одам. Айнан у яна ҳам ишонч зиёда бўлиши учун ёзувчига нима ёзишини айтиб туради. Қарздорнинг қарзни тан олиши қарз берувчининг даъвосидан кўра кучлироқдир. Шунга кўра, ёзувчига нима ёзишини қарздор айтиб туради.

(*وَلِيُّنْهُ الْيَوْمَ* *паrвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқsin*) унга Аллоҳдан тақво қилиш эслатиляпти ва у тўғри сўзлашга, ҳақпарвар бўлишга ундаляпти.

﴿وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا﴾

(*Ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин!*) яъни, ҳақиқатни бирозгина ҳам кемтик қилиб қўймасин. (*شَيْئًا*) иборасининг айтилиши ва унинг накра келиши ҳақиқатнинг озгина қисми ҳам яширилмаслигига далолат қилади.

(*فَإِنْ كَانَ لَذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ سَفِيهًا* *Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз бўлса*) яъни, агар қарздор (*سَفِيهًا*) бўлса. (*سَفِيهًا*) сўзи ақли ожиз, нодон, тили ёмон деган маъноларни англатади. Бу ерда тили ёмон маъносида келяпти. Агар ёзувчига айтиб туриш унинг ўзига қўйиб берилса, ёмон гап ҳосил бўлади.

Бу сўз сўкишиш маъносида ҳам кўлланади. Оғзи бепошна сўкишгани одам тополмабди, деган мақол бор.

(*أَوْ ضَعِيفًا*) *ё ожиз*) яъни, фикри ожиз, ишларни тартибга сололмайдиган, тушунтириб гапиролмайдиган. Агар айтиб туриш унинг ўзига қўйиб берилса, чаламан-чакки гапириб, гапнинг маъносини бузуб юборади.

(*أَوْ لَا يَسْتَطِيعُ أَنْ يُمَلِّ هُوَ* *ёёки* (*айтиб туриб*) *ёздиришга қодир бўлмаса*) яъни, тилидаги бир дудуклик сабабли равшан гапира олмайдиган. Ибн Аббос  шундай деган.

Юкорида айтиб ўтганларимиз биз рожих деб билган гаплардир. Чунки оят қуйидагиларни ифодалайди:

а) Айтиб туришдан тақиқланган кишиларнинг дайн муомаласи қилишлари тақиқланмаган. Чунки оят

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا إِذَا تَدَآيْنَتُمْ بِدَيْنِ﴾

(Эй мўминлар, бир-бирларингиз билан қарз муомаласини қилсангиз), деб бошланяпти. Уларнинг қарз савдосини қилишлари шаръан сахихдир. Шунга кўра,

﴿سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يُسْتَطِيعُ أَنْ يُمْلَأَ هُوَ﴾

(Ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса бўлса), ёки (айтиб туриб) ёздиришига қодир бўлмаса), деган гапнинг тафсирида битим тузиб бўлмайдиган сагир, телба ёки савдойи кабиларнинг бўлиши дуруст эмас.

б) Шунингдек бу тоифалардаги кишиларнинг йўқ бўлишлари ҳам, ўзлари қатнашмасликлари ҳам мумкин, деган гап ҳам маржуҳдир. Чунки оядта айтиб туришга қодир бўлмаган қарз олувчининг ҳам бўлиши, қатнашиши рожихлиги кўриниб турибди.

﴿وَيُمْلِلُ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ وَلَيُقِرِّئَ اللَّهَ رَبَّهُ وَلَا يَبْخَسْ مِنْهُ شَيْئًا فَإِنَّ كَانَ الَّذِي عَلَيْهِ الْحُقُوقُ﴾

﴿سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يُسْتَطِيعُ أَنْ يُمْلَأَ هُوَ فَلَيُمْلِلْ وَلَيُقِرِّئَ بِالْعَدْلِ﴾

(Зиммасида қарзи бўлган киши ёздирисин — Парвардигори бўлмиш Аллоҳдан қўрқсин ва у қарздан бирон нарса камайтириб ёзмасин! Агар зиммасида қарзи бўлган киши ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса) бўлса, ёки (айтиб туриб) ёздиришига қодир бўлмаса, унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирисин!).

в) У тоифани ёки иккитасини бир маънода деб тафсир қилиб бўлмайди. Чунки оят уларнинг уч тоифа одамлар эканини кўрсатяпти. Ҳар бир тоифа бошқасидан алоҳидадир.

﴿سَفِيهًا أَوْ ضَعِيفًا أَوْ لَا يُسْتَطِيعُ أَنْ يُمْلَأَ هُوَ﴾

(Ақлсиз ё ожиз (ёш бола ё жуда кекса бўлса), ёки (айтиб туриб) ёздиришига қодир бўлмаса).

г) Тафсирнинг луғатдан асоси бўлиши керак.

Шуларга биноан, мен ўзимнинг айтган гапим рожих, деб биламан.

Мана шу уч тоифанинг ёзувчига айтиб туриши тақиқланади. Уларнинг ўринларига валийлари айтиб турадилар.

Бу пайтда валий, вакил ўз ваколатидаги одам номидан ҳақни сўзлаши, ҳаққа андак нарсани ҳам қўшиб ёки ҳақдан андак нарсани ҳам олиб ташламаслиги лозим. Фақат ҳақни гапириши унга қарздорнинг ўрнини босиш ҳуқуқини беради.

﴿هُوَ فَلَيُمْلِلْ وَلَيُقِرِّئَ بِالْعَدْلِ﴾

(унинг ҳомий вакили адолат билан ёздирисин!) бу ердаги замир қарздорга қайтади. Ундан мурод қаздорнинг валийсидир.

(إِلَيْكُمْ الْعَدْلُ) айтиб туришга қайтади. Шариатда ота, ўғил, ака, ука ёки бошқа шариат белгилаган одамлар валий бўладилар. Валий тайинланганидан кейин мана шу валий адолат билан, яъни, ҳақни айтиб, рост сўзлаб айтиб туриши керак бўлади.

﴿وَأَسْتَشْهِدُوا شَهِيدَيْنِ مِن رِّجَالِكُمْ فَإِن لَّمْ يَكُونَا رَجُلَيْنِ فَرَجُلٌ وَامْرَأَتَانِ مِمَّ تَرْضَوْنَ مِنَ الشَّهَدَاءِ أَن تَنْصِلَ إِحْدَاهُمَا فَتَنَزَّهَ كَرِيمُهُمَا الْأُخْرَى﴾

(*Ва сизлар рози бўладиган* (адолатли) гувоҳлардан икки эркак кишини, агар икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни – бири унумтиб адаша, яна бири унга эслатади – гувоҳ қилинглар!).

Аллоҳ Таоло баён қиляптиki, ҳар икки тараф ҳам ёзишга икки кишини ёки бир киши, икки аёлни гувоҳ қилишлари лозим бўлади. Аёллардан бири айрим воқеаларни унуган бўлса, иккинчиси эслатиб туриши учун улар иккита бўлишлари керак.

Гувоҳлар ҳам адолатли бўлишлари лозим.

﴿مِنْ رِجَالِكُمْ﴾

(*Икки эркак кишини*) ва

﴿مِمَّ تَرْضَوْنَ مِنَ الشَّهَدَاءِ﴾

(*Сизлар рози бўладиган*) шунга далолат қиласди. Модомики, хитоб бошданоқ мўминларга қаратилган экан, гувоҳлар ҳам ўша мўминлар маъқул кўрадиган кишилар бўлишлари керак. Бундан улар ҳам мусулмон, адолатли бўлишлари кераклиги чиқади. Яъни, уларнинг ташқи кўринишларида мусулмонликлари кўриниб туриши, фосиқлик – Ислом ҳукмларига зид иш қилиш ҳолатлари эса очиқ кўринмаслиги лозим бўлади. Улар мана шу тавсифлар билан гувоҳлиги қабул қилинадиган адолатли одамларга айланадилар.

(*бир эркак ва икки аёл*) мубтадоликка биноан раф ҳолда, (*икки аёл*) эса унга атф бўляпти. Хабар ҳазф қилинган. Яъни, агар икки киши бўлмаса, бир киши ва яна бир кишининг ўрнига ўтирадиган икки аёл. Бу гап шунингдек, бошқа эркаклар бор ёки йўқлигидан қатъий назар, бир эркак ва икки аёлнинг гувоҳлиги қабул қилинишини ифодалайди. Яъни, гувоҳга муҳтож одам бир эркак ва икки аёлни олиб келиши ҳам мумкин. Ҳар қандай ҳолатда келсалар ҳам ўрин ўтаверади. Бундан бошқа эркаклар топилмай қолгандагина бир эркак ва икки аёлнинг

гувоҳлиги ўтади, деган маъно чиқмайди. Агар шундай бўлганда оятда (فَإِنْ لَمْ يَكُنْ رَجُلٌ وَامْرَأَانِ) дейилган бўлиб, ундағи (كان) томма бўларди, яъни, агар топилмаса, деган маънода бўларди. Лекин бу ерда (كان) томма эмас, нокис бўлиб келяпти, яъни, бу ердаги гапдан агар олиб келинган икки гувоҳ икки киши бўлмаса, бир киши ва яна бир кишининг ўрнига ўтирадиган икки аёл бўлсин, деган маъно чиқяпти.

﴿أَن تَضِلَّ إِحْدَيْهُمَا فَتُذَكَّرٌ إِحْدَيْهُمَا الْأُخْرَى﴾

(Бири унумтиб адаиса, яна бири унга эслатади) яъни, икки аёлнинг гувоҳлиги бир кишининг гувоҳлиги ўрнига ўтади. Негаки, улардан бири воқеаларнинг қайсиdir қисмини унуган бўлса, иккинчиси эслатиб туради.

(Ан тاضلل унумтиб адаиса) маҳаллан насл бўлиб, мафъулун лиажлиҳидир.

Бу ердаги (*بِيْرِي*) сўзининг такрорланиб келиши хатога йўл қўйилишини уларнинг фақат биттаси билангина хослаб қўйиш хаёлидан эҳтиётлантириш учун муболага бўляпти. Бундан мақсад бири унуга, иккинчиси эслатиб туришидир.

(أَن تَضِلَّ) яъни, унуга. Гувоҳлик беришдаги адашиш унинг қандайдир бир қисмини унумтиб, бошқа бир қисмини айтиш билан бўлади. Шу билан киши ҳайрон бўлиб, адашиб қолади. Гувоҳликни умуман унумтиб қўйган одамга нисбатан, эса адашиш сўзи ишлатилмайди.

Шу нарсани айтиб ўтиш мақсадга мувофиқки, молиявий муносабатларда Аллоҳ Таоло аёл кишининг гувоҳлиги мана шу тарзда, яъни, бир кишининг ўрнига икки аёл ўтирадиган тарзда бўлишини тайнинлади.

﴿فَإِنْ لَمْ يَكُنَا رَجُلٌ وَامْرَأَانِ مِنْ تَرْضُونَ مِنَ الشُّهَدَاءِ أَن تَضِلَّ إِحْدَيْهُمَا فَتُذَكَّرٌ إِحْدَيْهُمَا الْأُخْرَى﴾

(Ва сизлар рози бўладиган икки эркак топилмаса, бир эркак ва икки аёлни – бири унумтиб адаиса, яна бири унга эслатади – гувоҳ қалинглар!).

Оятда кўрсатилишича, молиявий муносабатларда аёлларнинг унумтиб қўйиш эҳтимоллари эркакларнига нисбатан кўпроқ бўлади. Эҳтимол бунга сабаб уларнинг бундай муносабатларга кам қатнашганликлариdir. Улар молиявий муносабатларда эркакларга нисбатан анча кам қатнашадилар. Шунинг учун бири унуган

нарсани иккинчиси әслатиб қўйиши эътибори билан улардан иккитасининг гувоҳлиги бир эркакнинг гувоҳлигига тенг бўляпти. Негаки, эркак молиявий муносабатлар, ҳолатлар, воқеаларнинг ҳаммасини кузатиб боради. Аёл эса ундаи эмас. Шунинг учун у ўзи каби яна бир аёл билан бирга бўлгандағина бир эркакнинг гувоҳлигичалик гувоҳ бўла олади. Бунинг сабаби молиявий муносабатларда қатнашиш борасида эркак билан аёлнинг бир-биридан фарқ қилишига бориб тақалади. Зоро, гувоҳлик ҳеч қандай тушумовчилик аралашмаган очик қатнашишга асосланиши лозим.

Туғилиш, эмизиш каби факат аёлларгина қатнашадиган ишларда битта аёлнинг гувоҳлиги ўтиши ҳам шу фикримизни кувватлайди.

(وَلَا يُكَبِّرُ الْمُهَمَّةَ إِذَا مَا دُعِواً) **гувоҳлар** (гувоҳлик учун) **чақирилганда бош тортмасинлар!**) яъни, гувоҳлар қарз савдосини ёзилишига гувоҳ бўлишга чақирилсалар, рози бўлсинлар, рад этмасинлар. Бу ердаги тақиқ макруҳликни ифодалайди. Чунки унинг қатъийлигини кўрсатадиган қарина йўқ. Демак, у қатъий бўлмаган тақиқдир.

Яъни, қарз савдосининг ёзилишига гувоҳ бўлишга чақирилган кишининг келмаслиги макруҳдир.

﴿وَلَا تَسْمُوا أَنْ تَكُنُوا صَغِيرًا أَوْ كَبِيرًا إِلَى أَجْلِهِ﴾

(Хоҳ катта, хоҳ кичик қарз бўлсин, муддати келгунича ёзиб кўйишдан эринманглар) яъни, дайн миқдори қанча бўлишидан қатъий назар, уни ёзиши малол олманглар. Бу гапда ёзишга тарғиб бор.

(ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ) **мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ**) яъни, одилроқ.

(وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ) **гувоҳлик учун тўғрироқ**) Унинг учун исботланганроқ.

(وَأَدْنَى لَا تَرْتَابُهُ) **ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ**) Шак-шубҳадан йирокроқ.

Мана шуларнинг ҳаммаси

﴿ذَلِكُمْ أَقْسَطُ عِنْدَ اللَّهِ وَأَقْوَمُ لِلشَّهَدَةِ وَأَدْنَى لَا تَرْتَابُهُ﴾

(**Мана шу Аллоҳ наздида адолатлироқ, гувоҳлик учун тўғрироқ ва шак-шубҳа қилмасликка яқинроқ бўлган** (ҳукмдир)) юкорида айтиб ўтганимиздек қаринадир.

﴿إِلَّا أَنْ تَكُونَ تِجَرَّةً حَاضِرَةً تُدِيرُونَهَا بَيْنَكُمْ فَلَيْسَ عَلَيْكُمْ جُنَاحٌ لَا تَكُنُوا هَا﴾

(Лекин агар (үртадаги мұомаланғыз) ораларингизда юргизиб турған нақд савдо бўлса, уни ёзмасанғизда, сизлар учун гуноҳ йўқдир) узилган истисно. Бу ердаги маъно мана бундай бўлади: Лекин агар ораларингдаги ҳозир бўлиб турған кўлга кўл савдони ёзмасангизлар ҳам бўлаверади. Яъни, уни ёзиш ҳам ёзмаслик ҳам мубоҳдир.

(وَأَشْهُدُ أَنِّي لَا تَبَيَّعُمْ *ва бир-бирингиз билан савдо қилганда гувоҳ келтиринг!*). У ҳозир бўлиб турған савдога кайтади. Бу ердаги буйруқ мубоҳликни ифодалайди. Чунки унда қариналар йўқ ва бу иш қурбат (Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш) ҳам эмас. Мавжуд бўлиб турған савдога гувоҳ бўлиш мубоҳдир.

(وَلَا يُضَارَ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ *ва на котиб, на гувоҳга зарар етмасин*). Улардан ҳеч бирига озор берилмайди. Озор бериш ёлғонни ёзишга ёки ёлғонга гувоҳлик қилишга мажбурлаш бўладими, босим ўтказиш бўладими, унинг елкасига ҳам ниманидир юклаб қўйиш бўладими, фарқи йўқ. Гувоҳлар билан чиройли муомала қилиш, улар учун енгил бўладиган йўлни тутиш лозим.

Бу ердаги ёзувчи ёки гувоҳларга зарар қилиш ҳаромликни ифодалайди. Бунга қарина

(وَإِن تَفْعُلُوا فَإِنَّهُ فُسُوقٌ بِكُمْ *агар шундай килсанғиз* (яъни улардан биронтасига *зарар етказсанғиз*), *бу Аллоҳга итоатсизлигингиздир*) деган гапдир. Бу бир тавсиф бўлиб, зарар қилишдан тақиқлаш қатъйлигини яъни, бу ишнинг ҳаромлигини ифодалайди.

(وَأَتَئُوا اللَّهَ *Аллоҳдан қўрқингиз!*). Яъни, ўзларингизни Аллоҳнинг ғазабидан, азобидан сақланглар ва У Зотдан қўрқинглар.

(وَيُعِلِّمُكُمُ اللَّهُ *Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради*) яъни, сизларга шариат ҳукмларини ўргатади. Бас, уларга амал килинглар.

(وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ *Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиdir*) Аллоҳ Таолога ҳеч нарса маҳфий эмас. У Зот ишларнинг моҳиятларини билади ва сизларга қилган амалларингизга яраша жазо ёки мукофот беради.

Бу ерда далолат лафзи такрорланиб келди, дейилмайди.

﴿وَأَتَئُوا اللَّهَ وَيُعِلِّمُكُمُ اللَّهُ وَاللَّهُ بِكُلِّ شَيْءٍ عَلِيمٌ﴾

(*Аллоҳдан қўрқингиз! Аллоҳ сизларга (ҳақ-ҳидоят йўлини) билдиради. Аллоҳ ҳамма нарсани билгувчиdir*). Зоро, бу қуруқ

такрорнинг ўзи эмас. Балки улардан ҳар бири Аллоҳ Таолони улуғлашдан ташқари яна ўзича бир мустақил маънога эга. Кишини тақвога ошно қилган ҳам, бандаларга илм берадиган ҳам, одамлар билмаган нарсаларини билиб олишлари учун уларда табиий ва ақлий хусусиятларни, қобилиятларни яратиб қўйган ҳам, маҳлукотларнинг илмли бўлишларидаги Соҳиби миннат ҳам Аллоҳдир.

Оятнинг якунида ҳамма нарсани қамраб олган азалий илмнинг фақат Аллоҳгагина хослиги билдириляпти. Еру осмондаги заррадек нарса ҳам У Зот назаридан четда эмас.

Шунинг учун У Зотнинг номи такрорланиб келиши (﴿﴾) қуруқ такрорнинг ўзи эмас. Балки, уларнинг ҳар бири ўзича мустақил маънога эга. Айни пайтда у ақлларни лол қолдирувчи буюклик шодасидаги бошқа маънолар билан ҳам туташиб кетади. Еру осмонларни яратган, ҳар бир нарсага бир миқдор тайин қилган Аллоҳ ҳар қандай нуқсондан Покдир! □

**АГАР МУСИБАТЛАР БЎЛМАГАНИДА, ҚИЁМАТ КУНИДА
ЗИЁНГА УЧРАГАНЛАРДАН БЎЛАР ЭДИК (2)**

**Касаллик билан синалган кишининг касалликка
муносабати шаръий муносабат бўлиши учун унга
тавсия қилинган васиятлар:**

— Балонинг Аллоҳ Таоло томонидан келган синов эканлигига имон келтириш. Мусулмон одам ўзининг бу дунёда Аллоҳ Азза ва Жаллага ибодат қилиш учун яратилганлигини доим ёдда тутиши лозим. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَمَا خَلَقْتُ الْجِنَّةَ وَالْإِنْسَانَ إِلَّا لِيَعْبُدُونِ﴾

**«Мен жин ва инсни фақат Ўзимга ибодат қилишилари
учунгина яратдим»** [Зарият 56]

Албатта бу дунё синов диёридир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿تَبَرَّكَ الَّذِي بَيَّنَ الْمُلْكَ وَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ ﴿الَّذِي حَلَقَ الْمَوْتَ وَالْحَيَاةَ
لِيَلْبُوكُمْ أَيْكُمْ أَحْسَنُ عَمَلاً وَهُوَ الْعَزِيزُ الْغَفُورُ﴾

**«(Барча оламлар) подшоҳлиги Ўз қўлида бўлган зот —
Аллоҳ баракотли-буюкдир. У барча нарсага қодирдир. (Эй
инсонлар, У) сизларнинг қайсиларингиз чиройлироқ-
яхшироқ амал қилгувчи эканлигинизни имтиҳон қилиши
учун ўлим ва ҳаётни яратган зотдир. У қудратли ва
магфиратлидир»** [Мулк 1-2]

Аллоҳ Субҳанаҳу инсонни яратиб, ер юзини обод қилиши учун уни ер юзига халифа қилди. Ушбу халифаликни амалга ошириш асносида унга мусибатлар етиши қадардир. Мўминнинг синалиши унинг имонига қараб бўлади. Термизий ўзининг Сунанида Саъд ибн Абу Ваққосдан ривоят қилган ҳадисда Саъд айтади: Мен: Эй Росууллоҳ, қайси одамлар оғирроқ синовга учрайди – дедим. Росууллоҳ айтдилар:

«الْأَنْبِيَاءُ، ثُمَّ الْأَمْمَلُ فَالْأَمْثَلُ، فَيُبَتَّلِي الرَّجُلُ عَلَى حَسْبِ دِينِهِ، فَإِنْ كَانَ دِينُهُ صُلْبًا
اشْتَدَّ بِالْأَوْهُ، وَإِنْ كَانَ فِي دِينِهِ رَقَّةٌ أَبْتُلِي عَلَى حَسْبِ دِينِهِ، فَمَا يَبْرُحُ الْبَلَاءُ بِالْعَبْدِ حَتَّى
يَتَرَكَهُ يَمْشِي عَلَى الْأَرْضِ مَا عَلَيْهِ حَطَّيَّةٌ»

«Пайғамбарларга, энг яхшилариға ва яна яхшилариға. Киши динига қараб синалади. Агар динида мустаҳкамлик бўлса, унга синов қаттиқ келади. Агар динида бўшлик бўлса, шу динига қараб синалади. Банда то ер юзида ҳеч бир хатосиз юрадиган бўлгунинга қадар балоланиб бораверади». Касаллик ёки мусибат қадардир. Касаллик Аллоҳнинг иродаси бўлиб, У Зот шу касаллик туфайли бандаларининг гуноҳларини кечириши учун ҳамда улар соғликнинг қадрини билишлари ва Аллоҳ Азза ва Жалланинг незъматларини муносиб тарзда қадрлашлари учун уларни касаллик билан синайди. Касаллик бир эслатма бўлиб, одам шу касалликдан кейин имон воҳасига қайтади.

– Банданинг, ушбу касалликни юбориш билан Аллоҳ менга яхшиликни ирова қилди, деб Аллоҳ ҳақида яхши гумонда бўлиши. Ибн Ҳиббон ўзининг саҳиҳида Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ҳадисда Набий ﷺ айтадилар:

«إِنَّ اللَّهَ جَلَّ وَعَلَا يَقُولُ: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي يَبْيَأُ، إِنْ خَيْرًا فَلَهُ، وَإِنْ شَرًّا فَلَهُ»

«Аллоҳ Жалла ва Ало айтади: Мен бандамнинг Мен ҳақимдаги гумонидаман. Яхши гумон қилса ҳам ўзига, ёмон гумон қилса ҳам ўзига».

– Сабрли бўлиш ва бетоқат бўлиб ғазабланмаслик. Талаб қилинган сабр, гўзал сабрдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿فَاصْبِرْ صَبْرًا جَمِيلًا﴾

«Бас, (Эй Мұхаммад, коғирларнинг озор-азиятларига) чиройли сабр билан сабр-тоқат қилинг!» [Маориж 5] Гўзал сабр – асабийлашмасдан, безовта бўлмасдан ва эътиroz билдирмасдан сабр қилишдир... У ҳам тилда ва ҳам қалбда сабр қилишдир. Яъни, тилда розилигини айтиб, қалбда: Эй Парвардигор нима учун? – демаслиkdir. Агар банданинг тили қалбига мос бўлса, у гўзал сабр қилгувчидир. Сабр

қилиш билан Аллоҳ ҳузуридаги ажрни умид қилишга келсак, agar банда касал бўлса ёки бирор мусибатга учраса, сўнг Аллоҳ Азза ва Жаллага ҳамд айтиб сабр қилса ва биз Аллоҳнинг бандасимиз ва биз Аллоҳга қайтгувчимиз деса, Аллоҳ унга у билмаган томондан ажр беради. Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا يُؤْفَى الصَّابِرُونَ أَجْرُهُم بِغَيْرِ حِسَابٍ﴾

«Хеч шак-шуобҳа йўқки, сабр-тоқат қилгувчиларга ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилур»

[Зумар 10]

Набий ﷺ фарзандининг ўлимига сабр қилиб, нолимаган, балки «Биз Аллоҳнинг бандасимиз ва биз Аллоҳга қайтгувчимиз» деб Аллоҳга ҳамд айтган кишининг сабри ва шукрини мукофотлаш учун Аллоҳ унга жаннатда бир уй куришини баён қилганлар. Росулуллоҳ ﷺ айтадилар:

﴿إِذَا ماتَ وَلَدُ الْعَبْدِ قَالَ اللَّهُ تَعَالَى لِمَلَائِكَتِهِ: قَبْضْتُمْ وَلَدَ عَبْدِي؟ فَيَقُولُونَ: نَعَمْ، فَيَقُولُ: قَبْضْتُمْ ثَمَرَةَ فُؤَادِهِ؟ فَيَقُولُونَ: نَعَمْ. فَيَقُولُ: فَمَاذَا قَالَ عَبْدِي؟ فَيَقُولُونَ: حَمْدَكَ وَاسْتَرْجَعَ، فَيَقُولُ اللَّهُ تَعَالَى: إِنَّمَا لِعَبْدِي بَيْتًا فِي الْجَنَّةِ، وَسُوْهُ بَيْتُ الْحَمْدِ﴾

«Агар банданинг фарзанди ўлса, Аллоҳ фаришталарига: Бандамнинг фарзандини жонини олдингизми? – дейди. Фаришталар: Ҳа – дейдилар. Аллоҳ: Бандам нима деди – дейди. Фаришталар: Сенга ҳамд айтиб «Биз Аллоҳнинг бандасимиз ва Аллоҳга қайтгувчимиз» деди – дейдилар. Шунда Аллоҳ Таоло айтади: Бандам учун жаннатда бир уй қуринглар ва уни ҳамд уйи деб номланглар». Бу ҳадисни Термизий ривоят қилган ва уни ҳасан ҳадис деб айтган.

– Аллоҳнинг азоб чеккан бандасини яхши қўришига ва у учун жаннат эшигини очишига ишониш. Агар банда сабр қилса ва чидамли бўлса сабр қилувчилар девонига ёзилади. Сабр қилувчилар Аллоҳнинг ҳифзу-ҳимоясида бўлишининг ўзи, улар учун катта шарафдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿يَأَيُّهَا الَّذِينَ ءامَنُوا أَسْتَعِنُ بِالصَّبْرِ وَالصَّلَاةِ إِنَّ اللَّهَ مَعَ الصَّابِرِينَ﴾

«Эй мўминлар, сабр қилиш ва намоз ўқиши билан (Мендан) мадад сўранглар! Албатта Аллоҳ сабр қилгувчилар билан биргадир» [Бақара 153]

Агар банда ҳамд айтиб шукр қилса, шукр қилувчилар девонига ёзилади. Шукр қилувчиларга Аллоҳ Ўз неъматларини зиёда қилишини ваъда бериши улар учун катта шарафдир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَئِنْ شَكَرْتُمْ لَأَزِيدَنَّكُمْ﴾

«Агар шукр қилсангизлар, албатта (уларни янада) зиёда қилурман» [Иброхим 7]

Киёмат кунида оғият ахли (касал бўлиб мусибатга учрамаган одамлар) мусибатга учраганлар ва касалларнинг Аллоҳ ҳузуридаги савобини кўришгач, қани эди бизнинг ҳам териларимиз ва танамиз қайчилар билан қийилганда эди деб орзу қиладилар.

– Аллоҳни кўп зикр қилиш ва дуо қилиб, илтижо қилиш. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا سَأَلَكَ عِبَادٍ عَنِّي فَإِنِّي قَرِيبٌ أُجِيبُ دَعْوَةَ الظَّالِمِ إِذَا دَعَانِي فَلَيُسْتَجِيبُوا لِي وَلَيُؤْمِنُوا بِي لَعَلَّهُمْ يَرْشُدُونَ﴾

«Бандаларим Сиздан (эй Мухаммад) Мен ҳақимда сўрасалар, Мен уларга яқинман. Менга дуо қилган пайтларида дуогўларининг дуосини ижобат қиласман. Бас, ҳақ йўлга юришлари учун (улар ҳам) Менинг (даъватимга) жавоб қилсинлар ва Менга имон келтирсинглар» [Бақара 186]

Аллоҳ айтади:

﴿أَمَّنْ يُجِيبُ الْمُضْطَرُ إِذَا دَعَاهُ وَيَكْشِفُ السُّوءَ وَيَجْعَلُكُمْ حُلْفَاءَ الْأَرْضِ أَعْلَمُ اللَّهُ قَلِيلًا مَا تَذَكَّرُونَ﴾

«Ёки музтар-ночор одам дуо-илтижо қилган вақтида (дуосини) ижобат қиласиган ва (унинг) мушкүлини осон қиласиган ҳамда сизларни ернинг халифа-эгалари қиласиган зотми?! Аллоҳ билан бирга яна бирон илоҳ борми?! Камдан-кам эслатма-ибрат олурсизлар!» [Намл 62]

Шунга кўра, бандага етган касаллик ёки зиёнлар уни Аллоҳга яқинлаштиради ва Аллоҳга дуо қилиб, илтижо қилишига сабаб бўлади. Қанча одамлар борки, улар Аллоҳга илтижо қилишдан юз ўгиришган, бироқ, касал бўлишгач, Аллоҳга илтижо қилиб холис дуо қилишган ва бу уларнинг имонини зиёда қилган. Ваҳб ибн Мунаббаҳ айтади: «Дуони келтириб чикариш учун бало тушади». Аллоҳ Субҳанаҳу айтади:

﴿وَإِذَا أَعْنَمْنَا عَلَى الْأَنْسَنِ أَعْرَضَ وَكَانَ جَانِيهِ وَإِذَا مَسَّهُ الْشَّرُّ فَدُوْ دُعَاءُ عَرِيضٌ﴾

«Қачон Биз инсонга (неъмат-давлат) инъом қилсак, у (Бизга шукр қилишдан) юз ўгирап ва ўз томонига кетар (яъни Бизни унумтар). Қачон унга ёмонлик (камбагаллик-кулфат) етиб қолса эса, у узундан-узоқ дуо-илтижо эгасидир» [Фуссилат 51]

— Мусулмон одам Аллоҳнинг қазоси ва қадарига имон келтириши, мусибатга қарши туриш учун сабабларни бажариши ва унга таслим бўлмаслиги лозим. Росулуллоҳ айтадилар:

﴿وَاعْلَمْ أَنَّ مَا أَخْطَأَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُصِيبَكَ، وَمَا أَصَابَكَ لَمْ يَكُنْ لِيُحْطِئَكَ﴾

«Шуни билгинки, сени четлаб ўтган нарса тегмайди, сенга тегадиган нарса четлаб ўтмайди». Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّا كُلَّ شَيْءٍ خَلَقْنَاهُ بِقَدَرٍ﴾

«Албатта Биз ҳар бир нарсани қадар билан яратдик»

[Қамар 49]

Лекин, мусулмон одам Аллоҳнинг қазоси ва қадарини қабул қилиш билан бирга, бу мусибатдан чиқишга ҳам уринмоғи ва сабабларни бажармоғи лозим. Чунки сабаблар қадар бўлиб, мусулмон одам уни бажариши керак. Масалан, ким касал бўлса даволаниши лозим. Чунки касаллик қазодир, даво эса қадар бўлиб, унда шифо хусусияти бўлган қадардир. Касалликни даволашда муолажанинг муваффақияти Аллоҳ Азза ва Жалланинг қадарига боғлиқ. Чунки, Аллоҳ бирор касалликнинг яратган бўлса, унинг давосини ҳам яратган. Казо ва қадарга имон келтириш билан қалбларда имон хақиқати қарор топади.

– Мусулмон кишининг қалби қасалга шифо бергувчи, зиённи аритгувчи зот бўлмиш Аллоҳ Субҳанаҳуга боғланган бўлиши лозим. Зоро, Унинг шифосидан бошқа шифо йўқ, ғамларни аритгувчи ҳам фақат Удир. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِن يَمْسِسْكَ أَلَّهُ بِضُرٍّ فَلَا كَاشِفَ لَهُ إِلَّا هُوَ وَإِن يَمْسِسْكَ بِخَيْرٍ فَهُوَ عَلَىٰ كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ﴾

«Агар Аллоҳ сизни (камбагаллик, хасталик каби) бирон зиён билан ушласа, бас, уни фақат Ўзигина аритгувчидир. Агар сизни бирон яхшилик билан ушласа, бас, билингки, Уҳамма нарсага қодирдир» [Анъом 17]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَإِذَا مَرِضْتُ فَهُوَ يَشْفِينِ﴾

«Касал бўлган вақтимда Унинг Ўзи менга шифо берур» [Шуаро 79]

Мусулмон одам қўйидагиларга риоя қилиши лозим:

1 – У Фотиҳа сураси, Фалақ ва Нос суралари, Оятал Курси, шунингдек, Росууллоҳ айтган маъсур дуолар каби шаръий руқиялар билан ўзини руқия қилиши лозим. Росууллоҳ айтган маъсур дуо:

«اللَّهُمَّ رَبَّ النَّاسِ، أَذْهِبْ الْبَأْسَ، اشْفِهْ وَأَنْتَ الشَّافِي، لَا شِفَاءَ إِلَّا شِفَاؤُكَ، شِفَاءً لَا يُعَادُ سَقَمًا»

«Эй одамлар Парвардигори ёмонликни (касалликни) кетказ ва шифо бер. Сен шифо бергувчисан, Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ, Сенинг шифоинг касалликни қолдирмайдиган шифодир». Росууллоҳ бир беморга айтдилар:

«ضَعْ يَدَكَ عَلَى الَّذِي تَأْمَنَ مِنْ جَسِدِكَ وَقُلْ: بِاسْمِ اللَّهِ ثَلَاثَةَ، وَقُلْ سَبْعَ مَرَاتٍ: أَعُوذُ بِاللَّهِ وَقُلْرُتَهِ مِنْ شَرِّ مَا أَجْدُ وَأَحَادِرُ»

«Танангдаги азоб бераётган жойга қўлингни қўйиб, уч маротаба бисмиллаҳ, деб айт. Етти маротаба: Ўзим хис қилиб, хавфсираётган нарсанинг ёмонлигидан Аллоҳдан ва Унинг Қудратидан паноҳ сўрайман, деб айт».

2 – **Шифо топишдан умид узмаслик.** Чунки Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир. Мусулмон одамдан касаллик ҳам, шифо ҳам Аллоҳдан эканлигига имон келтиришни талаб қилган Аллоҳ ундан умидсизликка тушмасликни ҳам талаб қиласи. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿لَا يَأْتِئُنَّ مِنْ رَوْحَ اللَّهِ إِلَّا الْقَوْمُ الْكَافِرُونَ﴾

«*Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат коғир қавмгина ноумид бўлур»* [Юсуф 87]

Аллоҳ Таоло айтади:

﴿إِنَّمَا أَمْرُهُ إِذَا أَرَادَ شَيْئًا أَنْ يَقُولَ لَهُ وَكُنْ فَيَكُونُ﴾

«*Бирон нарсани (яратишни) иродга қилган вақтида Унинг иши фақатгина «Бўл», демоклигидир. Бас у (нарса) бўлур-вужудга келур»* [Ясин 82]

Аллоҳ Субҳанаҳу бизга Қуръон Каримда Айюб алайхиссалом қандай қилиб ўн саккиз йил азобда қолганини, сўнг ундан зиённи аритиб, унга шифо берганини зикр қиласи. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿وَأَيُوبَ إِذْ نَادَى رَبَّهُ وَأَتَى مَسَنَّى الْأُضْرُرِ وَأَنْتَ أَرْحَمُ الرَّاحِمِينَ فَاسْتَجَبْنَا لَهُ فَكَشَفْنَا مَا بِهِ مِنْ ضُرٍّ وَعَاتَيْنَاهُ أَهْلَهُ وَمَثْلُهُمْ مَعَهُمْ رَحْمَةٌ مِنْ عِنْدِنَا وَذَكْرٌ لِلْعَظِيدِينَ﴾

«*Айюбнинг Парвардигорига нидо қилиб: «(Парвардигорим), мени бало ушлади. Ўзинг раҳм-шафқат қилгувчиларнинг раҳмлироғидирсан», деб илтижо қилган пайтини (эсланг). Бас Биз унинг (дуосини) мустажоб қилиб, ундаги зиён-захматни кетказдик ҳамда Ўз ҳузуримиздан меҳрибонлик кўрсатиб, барча ибодат қилгувчиларга эслатма-ибрат бўлсин, деб (Айюбга) аҳли-оиласини ва улар билан қўшиб яна ўшаларнинг мислича бола-чақа ато этдик»* [Анбиё 83-84]

3 – **Банда ўзининг касаллиги ёки мусибати ҳақида** Аллоҳдан бошқа ҳеч кимга шикоят қилмай сабр қилиши керак. Чунки касаллик аламини фақат унинг ўзи тотади, бирон бир киши, ҳатто энг яқин қариндошлари ҳам бу ишда унга шерик бўлмайди... Шунинг учун бандага касаллик ёки бирор мусибат етса истиғфор ва ҳамд айтиши, шукр қилиб


сабрли бўлиши лозим... Агар шундай қилса унга Росууллоҳ ﷺнинг қуидаги сўзлари мос келади:

«عَجِبًا لِأَمْرِ الْمُؤْمِنِ إِنْ أَمْرَهُ كُلُّهُ لَهُ خَيْرٌ وَلَيْسَ ذَلِكَ لِأَحَدٍ إِلَّا لِلْمُؤْمِنِ إِنْ أَصَابَتْهُ سَرَّاءٌ شَكَرٌ فَكَانَتْ حَيْرًا لَهُ وَإِنْ أَصَابَتْهُ ضَرَاءٌ صَبَرٌ فَكَانَتْ حَيْرًا لَهُ»

«Мўмин одамнинг иши ажойиб. Чунки унинг ҳамма иши яхши. Агар унга бирор хурсандчилик етиб, шукр қилса, бу у учун яхшилик бўлади ва агар бирор зиён етиб, сабр қилса, бу ҳам у учун яхшиликдир. Бу фақат мўмин одам учундир». Агар ҳадис мазмунини янада чукурроқ тушунадиган бўлсан, банданинг тавба қилиши ва имон ҳаловатини тотиши касалликнинг кўтарилишидан ҳам яхшироқдир. Термизий ривоят қилган ҳадисда Росууллоҳ ﷺ айтадилар:

«إِنَّ عِظَمَ الْجَزَاءِ مَعَ عِظَمِ الْبَلَاءِ، وَإِنَّ اللَّهَ إِذَا أَحَبَّ قَوْمًا ابْتَلَاهُمْ، فَمَنْ رَضِيَ فِلَهُ الرَّضَا، وَمَنْ سَخَطَ فِلَهُ السَّخَطُ»

«Мукофотнинг улуғлиги мусибатнинг улуғлиги билан бўлади. Агар Аллоҳ бирор қавмни яхши қўрса, уларни синовдан ўтказади. Ким рози бўлса, у учун розилик бўлади ва ким ғазабланса, у учун ғазаб бўлади». Яъни, ким Аллоҳнинг синовига рози бўлса, у учун Аллоҳ Таолонинг розилиги бўлади ва у катта ажр олади. Ким ғазабланса, яъни Аллоҳнинг синовини ёмон кўриб, сабрсизлик қилса, Аллоҳнинг қазосига рози бўлмаса, у учун Аллоҳ Таолонинг ғазаби ва аламли азоб бўлади. Абу Хурайра رض айтади: «Ким учун Аллоҳ яхшиликни истаса, уни синовдан ўтказади». Касаллик Парвардигорнинг бандага раҳматидир. Чунки Аллоҳ Азза ва Жалла бандаларни азоблаш учун эмас, балки раҳм-шафқат қилиш учун уларни яратди. Шундай одамлар борки, улар Аллоҳга ва Унинг ҳикматига нодонларча муносабатда бўладилар. Аллоҳ уларнинг нодонларча шундай тушунчада бўлаётганларини билса ҳам, унга марҳаматли бўлади. Олдингилардан нақл қилинган ривоятда келишича, агар бандага бирор мусибат етиб, у Аллоҳга илтижо қилиб дуо қилсаю дуонинг ижобати кечикса, одамлар: эй Парвардигор, наҳот унга раҳм қилмасанг? – дейдилар. Аллоҳ



уларга жавобан: Мен унга ўз марҳаматимни кўрсатган бўлсаму, яна унга қандай раҳм қилишим мумкин, дейди.

﴿مَا يَفْعُلُ اللَّهُ بِعْدَ إِيْكُمْ إِنْ شَكَرْتُمْ وَإِمَّا نَمْتُ﴾

«Агар шукр қилиб, имонли бўлсангизлар, Аллоҳ сизларни нега азобласин?!» [Нисо 147]

4 – Касалларни зиёрат қилиш: Росулуллоҳ айтадилар:

«مَنْ عَادَ مَرِيضًا لَمْ يَرْجُلْ فِي حُرْقَةِ الْجَنَّةِ، (يَعْنِي جَنَّاهَا) حَتَّىٰ يَرْجِعَ»

«Ким касални зиёрат қилса, қайтиб келгунига қадар жаннат хурфа (боғи)да бўлади (яъни жаннат меваларини йиғиб олади)». Исломнинг касалга меҳрибонлик кўрсатиши шу даражага етдики, у касалнинг зиёрат қилинишини, мусулмон биродарлари зиммасидаги унинг ҳаққи қилиб белгилади. «Мусулмон одамнинг биродари устидаги бешта бурчи»ни баён қилган ҳадисда «касални зиёрат қилиш» ҳам санаб ўтилади. Росулуллоҳ мусулмонларни касалларни зиёрат қилишга ундаш билангина кифояланиб қолмадилар, балки уларни зиёрат қилдилар, юкини енгиллатдилар ва уларга тасалли бердилар. Сайидимиз Усмон айтади: «Биз Росулуллоҳга сафарда ҳам, ўтроқ ҳаётда ҳам ҳамроҳлик қилдик. У Зот касалларни зиёрат қилар, жанозаларимизга борар, биз билан бирга ғазотга чиқар ҳамда оз ва кўпда бизга тасалли берар эдилар».

5 – Тошбўрон қилинган шайтоннинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ сўраш, таҳорат қилиш, Қуръони Карим тиловати, Аллоҳ Субҳанаҳу билан алоқани мустаҳкамлаш ва катта гуноҳлардан тавба қилиш каби ишлар мусибатларни енгиллатадиган ишлардандир.

– Мусибат хатоларга кафорат бўлиш ва гуноҳларни ўчириш учун бўлиши ҳам мумкин. Росулуллоҳ айтадилар:

«مَا يُصِيبُ الْمُسْلِمَ مِنْ هُمْ، وَلَا حَزْنٌ، وَلَا وَصَبٌ، وَلَا نَصَبٌ، وَلَا أَذَىٰ حَتَّىٰ الشَّوَّكَةُ يُشَاكِهَا إِلَّا كَفَرَ اللَّهُ بِهَا مِنْ خَطَايَاهُ»

«Мусулмон одамга ғам-ғусса, касаллик, кулфат ва ҳатто тикон санчилганчалик озор етса, Аллоҳ булар туфайли унинг гуноҳларини кечиради»... Аллоҳ Таоло

пайғамбарларини синовдан ўтказиб, уларнинг даражаларини кўтарганидек, мусулмон одамнинг синалиши унинг даражасини кўтариш ва яхшиликларини зиёда қилиш учун бўлиши ҳам мумкин. Росулуллоҳ айтадилар:

«أَشَدُ النَّاسِ بَلَاءً الْأَنْبِيَاءُ، ثُمَّ الْأَمْمَلُ فَالْأَمْمَلُ... فَمَا يَرْجُحُ الْبَلَاءُ بِالْعُبُدِ حَتَّىٰ يَشْرَكَهُ يَمْشِي عَلَى الْأَرْضِ وَمَا عَلَيْهِ حَطِيعَةٌ»

«Энг оғир синовга учрайдиганлар пайғамбарлар, сўнг энг яхшилар ва яна яхшилардир... Банда то ер юзида ҳеч бир хатосиз юрадиган бўлгунига қадар балоланиб бораверади». Уламолар айтадилар: Пайғамбарларнинг синалиши уларнинг ажрларини камайтириш ёки уларни азоблаш учун эмас, балки уларнинг ажрларини икки баробарга кўпайтириш, фазилатларини такомиллаштириш учундир. Одамларга уларнинг сабри ва (келган мусибатга) розилиги кўринади, сўнг уларга эргашилади...

Мусибат мўминларни синаш ва уларни мунофиқлардан ажратиш учун келиши ҳам мумкин. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿أَحَسِبَ الْأَنْاسُ أَنْ يُتْرَكُوا أَنْ يَقُولُوا إِنَّا وَهُمْ لَا يُفْتَنُونَ ﴿١﴾ وَلَقَدْ فَتَنَّا الَّذِينَ مِنْ قَبْلِهِمْ فَلَيَعْلَمَنَّ اللَّهُ الَّذِينَ صَدَقُوا وَلَيَعْلَمَنَّ الْكَاذِبِينَ﴾

«Одамлар: «Имон келтирдик», дейшилари билангина, имтиҳон қилинмаган ҳолларида, қўйиб қўйилишларини ўйладиларми?! Ҳолбуки Биз улардан аввалги (имон келтирган барча) кишиларни имтиҳон қилган эдик-ку!! Бас (шу имтиҳон воситасида) албатта Аллоҳ («Имон келтирдик» деб) рост сўзлаган кишиларни ҳам, ёлғончи кимсаларни ҳам аниқ билур» [Анкабут 2-3]

Аллоҳ мўминни баъзи гуноҳлари учун мусибат билан жазолаши ҳам мумкин. Росулуллоҳ айтадилар:

«وَإِنَّ الرَّجُلَ لَيَحْرُمُ الرِّزْقَ بِالذَّنْبِ يُصْبِيْهُ وَلَا يَرْدُ الدُّعَاءُ إِلَّا الْعُمَرُ إِلَّا الْبُرُّ»

«Одам қилган гуноҳи туфайли ризқдан маҳрум қилинади. Қадарни фақат дуо қайтаради, умрни фақат тақво зиёда қиласди». Бу ҳадисни Аҳмад, Насойи, Ибн Можжа, Ибн Хиббон ва Ҳоким ривоят қилган, Суютий ҳасан ҳадис деб айтган. □

ИМОМ БУХОРИЙ.. УЛАМОЛАР ВА ДАЛЬВАТНИ ЕТКАЗУВЧИЛАР УЧУН ЎРНАК ОЛИНАДИГАН НАМУНАДИР

Таймуллоҳ Абу Лабин

Солих уламолар аҳамиятини инобатга олмаслик мумкин эмас. Чунки уламолар Росулуллоҳ  бизга хабар берганларидек пайғамбарлар меросхўридир. Улар юлдуз мисол бўлиб, Уммат кийинчиликка ва оғир муаммоларга дуч келганида ечим топиш учун уларга интилади. Аммо уламолар орасида дунё лаззатини тотиб кўрганлар ҳам бор. Улар шон-шуҳратни, юқори мансабларни ва машҳурликни хоҳлашади. Бузгунчи ҳукмдорлар эшиги олдида кўринишдан уялишмайди, аксинча бу билан фахрланишади. Уларнинг фатволари ҳаққа эмас, балки тоғутларга энг фойда келтиришга асосланади.

Пайғамбарлар меросхўри бўлиш даражасига кўтарилиган ҳақиқий уламолар ҳаётда икки нарсада муваффақият қозониб курашган уламолардир:

1 – Диний илмларни ўрганиш, эгаллаш ва тарқатишга жиддий ҳаракат қилиш.

2 – Ҳақда саботли бўлиш ва ўз илмларида Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таолони рози қилишга ҳаракат қилиш.

Ином Бухорий ўша ҳақиқий уламолардан эди. У динда улкан билимларни эгаллаш билан чекланмади, у эгаллаган билим фаразий ёки ғайриамалий билим бўлмади. Аксинча, у эгаллаган ва тарқатган билим нафақат ўз авлодига фойда келтириди, балки Аллоҳнинг фазли билан қиёмат кунигача Умматга фойда келтирадиган билим бўлди.

Бухорий ихлосда ҳам ёрқин намуна эди. У бу дунёдаги вақтингчалик вассасаларга ва ҳукмдорлар розилигига эришишга қизиқмади. Балки, унинг ягона мақсади ушбу дин бошқа барча динлар устидан ҳукмрон бўлиши учун унга дაъват қилиш ва уни сақлаб қолишга ҳаракат қилиш орқали Аллоҳнинг розилигига эришиш бўлди.

Ушбу мақола Бухорийнинг эришган билими ва ҳаётдаги нуқтаи назари ҳақида қисқача маълумот беради.

1) Бухорий уни эгаллашга ва тарқатишга жиддий ҳаракат қилган билим.

2) Унинг таърифлаб бўлмайдиган ростгўйлигини, ҳақни ва динни яхши кўришини кўрсатган ҳаётдаги нуқтаи назари.

Бухорий ҳаётидан олинган ушбу қисқача мавзу унинг шахсияти, амали ва синовли кечинмаларини бутун тафсилоти билан сифатлаб беролмайди. Шундай бўлса-да, биз ушбу мақоланинг, уни ўқиган

даъватни етказувчига ва толиби илмга Аллоҳнинг изни илиа фойдали бўлиб қолишини умид қиласиз.

Исломий билимга бўлган туғма иштиёқ

Бухорий 194 хижрий йилда, ҳозирги Ўзбекистоннинг Бухоро шаҳрида туғилган ва унга Муҳаммад, дея исм кўйилган. Отаси Исмоил ибн Иброҳим ҳам Имом Молик каби уламолар қўлида таҳсил олган олим бўлган. Аммо, Бухорий отасини танимаган ва ундан ҳеч қандай илм олмаган. Чунки отаси унинг гўдаклигига даёв ётган.

Етимлик унинг илм излашига тўсиқ бўлмади. У жуда ёш кезида Қуръонни ёд олди, ҳадисларни ҳам ёдлай бошлади. Ёш болалигига даёв саҳих ҳадисларни заиф ҳадислардан ажратишига қизиқишини ўстирди. Тахминан ўн беш ёшида ўзи яшаган Хурсондаги деярли барча ҳадис илмларини жамлаган, дея ишонилади. Ҳатто у Абдуллоҳ ибн Муборак каби уламоларнинг китобини ёд олган.

16 ёшида онаси ва укаси Аҳмад билан бирга ҳаж фарзини адо этиш учун Бухородан Макка Мукаррамага узоқ сафарга чиқди. Лекин ҳаж ибодатини адо этганидан кейин оиласи билан бирга Бухорога қайтмади. Энди 16 ёшга тўлган бўлишига қарамай, Ҳижозда қолишини ўзи учун мухим деб билди. Чунки Бухорода этиш мумкин бўлмаган уламоларга ва илмга этиш имкони Ҳижозда бор эди.

Интернет ва ҳатто босмахона бўлмаган даврда яшаган Бухорийнинг илм излаш ҳамда Умматга фойда келтириш учун оиласини тарк этишга қарор қилиши, унинг самимийлигини ва Уммат олдида масъулиятни ҳис қилганини кўрсатади. Набий ﷺ нинг ҳадисларини текшириш соҳасида кўп иш олиб бориш зарурлиги у учун аниқ эди. Чунки у пайтда саҳих ҳадисларни тўплаш бўйича тўлиқ иш олиб борилмаган эди.

У икки йил ичида, яъни энди ўн саккиз ёшга тўлганида Мадинаи Мунавварада ўзининг «Тарихи Кабир» номли, 9 жилдли тенги йўқ биринчи китобини охирига етказди. Бу китоб ҳадис уламоларнинг асосий маълумотномасига айланди. Чунки бу китоб ҳадис илмидаги энг мураккаб масала ҳисобланган ровийнинг таржимаи ҳолини ўрганиш (яъни, жароҳатлаш ва одил санаш) масаласини тушунтириб берди. Бу китоб бугунги кунгача асосий маълумотнома бўлиб келмоқда. Чунки бу китоб 40.000га яқин эркак ва аёл ровийлар таржимаи ҳолини ўз ичига олади.

У илм излаш ва уни ёйиш учун Ислом оламидаги катта шаҳарларни кезиб илмнинг энг юксак чўққисига кўтарилиди.

Бухорий тез орада ҳадис илмининг энг қучли билимдони сифатида шуҳрат қозонди.

Унинг энг таниқли ва юксак баҳоланган асари «Жомеул Муснади Саҳиҳ Муҳтасар мин умури Росулуллаҳи ﷺ ва суннанихи ва айамихи»Rosuлуллоҳи ﷺ وسنته وأيامه»Rosuлуллоҳи ﷺ وسنته وأيامه» нинг ишлари, суннатлари ва ўтказган кунларидан муҳтасар қилиб олинган ишончли саҳиҳ тўплам» номли асаридир. Бу асар «Саҳиҳ Бухорий» номи билан ҳам танилган бўлиб, у Бухорий ҳаёти давомида тўплаган 600.000дан кўпроқ ҳадиснинг (бу ҳадисларнинг 23.000таси тақорорий матнларсиз келган) хуносасидир. «Саҳиҳул Бухорий» китоби 7200та ҳадисни ўз ичига олади. (Бу ҳадисларнинг 2600тадан ортиғи тақорорий матнларсиз келган). Бу китоб бирорта ҳам заиф ривоятни ўз ичига олмаган.

Бу асар ҳатто бугунги кунимизгача Набий ﷺ нинг суннатларига боғлиқ масалаларда энг муҳим маълумотнома бўлиб келди.

Бухорий ҳадис илмини жуда яхши билишига қарамай, у ёзган асарлар ҳадис илмигагина чекланиб қолмади. Балки, фикҳга ва ақидага оид масалаларда ҳам ёзди. Чунки у ёрқин имон соҳиби бўлган фақиҳ эди. Бу эса, ўз навбатида, унинг мусулмон сифатида масъулиятни ҳис этганини ва илм излаш йўлида кўп меҳнат қилганини кўрсатади.

Ўғирлангани даъво қилинган динорлар воқеаси

Бухорийнинг ҳақиқий шахсиятини очиб берган воқеалардан бири машҳур «ўғирлангани даъво қилинган динорлар» воқеасидир. Шайх Абдуссалом Муборак Фаврий ўзининг «Фақиҳлар саййиди ва муҳаддислар имоми имом Бухорийнинг таржимаи ҳоли» номли китобида Бухорий ҳаётидаги бир воқеани зикр қиласди. Бу воқеа унинг самимийлигини, масъулиятни қанчалик ҳис қилишини исботлаш учун етарлидир. Чунки бу воқеа Бухорийнинг динга ва Умматга нисбатан чуқур ҳис-туйғуларини кўрсатиб берган:

Имом Бухорий ҳадис жамлаш учун йўлга чиқсан кунларининг бирида кемага минади ва унинг ёнида минг динор бўлади. (Ўша даврда минг динор катта маблағ бўлган). Шунда кемадаги йўловчилардан бир киши келиб, унга муҳаббати ва дўстлигини кўрсатади, унга яқинлашиб, у билан ҳамсухбат бўлади. Имом унинг муҳаббати ва садоқатини кўргач, унга мойил бўлади. Иш шу даражага етиб борадики, Имом у билан ҳамсухбат бўлганидан кейин, ўзининг ёнидаги динорлар ҳақида уни хабардор қиласди. Бир куни ҳамроҳи уйқудан туриб, бақириб йиғлай бошлайди, кийимларини йиртиб, ўзининг юзи ва бошига муштлаб уради. Одамлар унинг бундай аҳволини кўришгач, саросимага ва

ҳайратга тушишади ва ундан бунинг сабабини сўрай бошлишади. Одамлар бунинг сабабини айтишни қаттиқ талаб қилишгач, менда бир халта бўлиб, унда минг динор бор эди, шу йўқолиб қолди, дейди. Шунда одамлар кемадаги йўловчиларни бирма-бир тинтий бошлишади. Мана шу пайтда Бухорий халтадаги динорларни яширинча чиқариб, денгизга отиб юборади. Тинтув қилаётганлар унинг олдига етиб келиб, уни ҳам тинтув қилишади. Улар кемадаги йўловчиларнинг ҳаммасини тинтиб кўриб, хеч нарса топишолмайди. Сўнг динорлари йўқолганини даъво қилган кишининг ёнига қайтиб бориб, унга қаттиқ танбех беришади. Одамлар кемадан тушишгач, у киши имом Бухорийнинг ёнига келиб: Халтадаги динорларни нима қилдингиз? – деб сўрайди. Бухорий: уларни денгизга отдим, дейди. У киши: бундай катта бойликни йўқотишга қандай чидадингиз? – дейди. Шунда имом унга шундай дейди: Эй нодон... Билмайсанми, мен бутун ҳаётимни Росулуллоҳ нинг ҳадисларини жамлаш билан ўтказганман, менинг ишончлилигимни дунё билади. Шундай экан, қандай қилиб мен ўзимни ўғирлик тухматига дучор қилишим мумкин? Ҳаётимда ўзим эришган бебаҳо дурни (ишонч ва адолатни) бир неча дирҳамлар учун йўқотайми!!».

Росулуллоҳ суннатларини жамлашдаги бундай фидоийлик, матонат ва тўла холислик, Бухорийнинг Аллоҳ Таоло динни сақлаб қолиш учун танлаган кишилардан эканлигини кўрсатади. Аллоҳ Таоло айтади:

﴿ثُمَّ أَوْرَثْنَا الْكِتَبَ الَّذِينَ أَصْطَفَيْنَا مِنْ عِبَادِنَا﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик» [Фотир 32]

Бухорий бутун умри давомида 90 мингдан ортиқ талабага сабоқ берган, уларнинг орасида икки машхур муҳаддис, Муслим ва Термизий ҳам бор. Бугунги кунда Саҳиҳи Бухорий, Саҳиҳи Муслим ва Сунани Термизийсиз Умматнинг аҳволи нима бўлган бўлар эди?

Ҳокимнинг талабини рад этиш

Бухорийнинг умри охирида юз берган бу воқеа энг аҳамиятли воқеа бўлса керак. У ёшлигига тарк этган ўз юртига кексайиб қолган кезида биринчи бор қайтиб келди ва у арзигули ҳаёт кечириш имкониятига эга бўлди. Бухоро амири Холид ибн Аҳмад Зуҳалидан хат олганида бу имконият янада кучайди. Хатиб Бағдодий ўзининг «Бағдод тарихи» номли китобида шундай ривоят қиласи: «Тоҳирийлар халифасининг Бухородаги амири

Холид ибн Аҳмад Зуҳалий Бухорийдан унинг уйига келиб фарзандларига «Жомеус Саҳиҳ» ва «Тарихул Кабир» китобидан ўқиб беришини сўради. Абу Абдуллоҳ унинг ҳузурига келишдан бош тортди. Шунда амир фарзандлари учун мажлис қуришни ва бу мажлисга бошқаларнинг қатнашмаслигини айтган эди, бундан ҳам бош тортди ва ўқиганларим тингланишини маълум одамларга хослай олмайман – деди».

Бухорийнинг бундай ҳайратланарли позицияси, унинг ҳақиқий олим ва пайғамбарлар меросхўри эканлигини кўрсатади. Оддий одам учун ҳукмдор саройига бориш ҳамда у билан ва унинг оиласи билан ёлғиз ўтиришдан обрўлироқ нима бўлиши мумкин? Ҳеч шак-шубҳа йўқки, шахзодаларга таълим бериш эвазига катта ҳақ тўланиши аниқ эди.

Агар бугунги уламолар уммат ҳукмдорларининг биридан саройга келиш таклифномасини олишса бирор лаҳза ўйлаб ўтириласдан боришади. Бу ҳукмдорлар Ислом қонунларидан бошқа қонунлар билан ҳукм юритаётган бўлса ҳам, улардан ўзларининг ношаръий ишларига шаръий тўн кийдиришни талаб қилишса ҳам уларнинг таклифини ҳеч иккиламай қабул қилишади.

Бухорий эса, амирнинг талабини рад этди. Ҳолбуки, Бухоро амири бугунги ҳокимлардек очиқ куфр билан ҳукм юритмаган, балки шариат билан ҳукм юритган эди. Шунингдек, Бухорийдан ношаръий фатво бериш талаб қилинмади, аксинча, ҳокимнинг фарзандларига таълим бериш талаб қилинди. Аниқки, у ўз фарзандларининг суннат илмидан фойда олишларини истади.

Бухорийнинг: ўқиганларим тингланишини маълум одамларга хослай олмайман, деган жавоби олим сифатида дин ва Уммат олдида масъулиятни ҳис қилганини кўрсатади. У Исломнинг ўргатилиши маълум одамларга чекланган бўлишини асло қабул қилмаслигини, балки уни ўрганиш бутун Умматга, барча мусулмонларга қулай бўлиши лозимлигини айтди.

Бошқача айтганда, у амирга шундай жавоб қилди: «Сиз фарзандларингиз таълим олишини хоҳлайсизми? Ундей бўлса келинг, улар ҳам бошқаларга ўхшаб масжидлардаги ҳалқаларда қатнашсинглар». Бу ҳақиқий Ислом олимининг тенгсиз жасорати ва холислигидир. Унинг бундай позицияси охир бориб унга зиён келтирди. Чунки у ўз шахридан қувилди ва ўзига муносиб тарзда тақдирланмасдан вафот этди. Унинг охиратдаги мартабасини фақат Аллоҳ Субҳанаҳу ва Таоло билади. Аллоҳ Таолодан унинг мартабасини энг олий даражада қилишини сўраб қоламиз.

Бугун Бухорий меросини қандай ҳимоя қилишимиз керак?

Гарчи Бухорий буюк алломалар қўп бўлган даврда яшаган бўлса-да, бу унинг меҳнат қилишига тўсиқ бўлмади. У Исломнинг олтин аслидан, исломий илмлар гуллаб-яшнаган даврдан, имом Ахмад ва Шофеий каби уламолар замонидан баҳраманд бўлди.

Бироқ бундай даврда яшаш унинг ортга чекинишига ёки масъулиятни хис қилиш даражаси пастлаб кетишига сабаб бўлмади. У даврда Ислом бутун олам устидан ҳукмронлик қилган, Уммат энг афзал Уммат даражасига кўтарилган эди. Шунингдек, у даврда Халифалик мавжуд бўлиб, исломий юртларда қонунчиликнинг ягона манбаси шариат эди.

Шундай бўлса-да, у Ислом дини учун ҳаракат қилишга бутун ҳаётини бағишилади. У озгина иш билан кифояланиб қолмади, вақтини дунё ишларига ҳаракат қилиш билан зое кетказмади.

Бугун Халифалик мавжуд эмас, бутун Ислом оламида инсонлар томонидан тузилган қонунлар татбиқ этилмоқда, ҳар куни мусулмоннинг шарафи ва ҳаётига тажовуз қилинмоқда. Мана шундай даврда мусулмон кишининг Ислом даъватини ёйишга ва Исломни тиклаш учун ҳаракат қилишга лоқайдлик қилишини қандай оқлаш мумкин?

Шундай экан, келинг, Ислом рисолатини етказиш учун Аллоҳ томонидан танланганлар қаторида бўлишга интилайлик.

﴿شَمَّ أُورَثْنَا الْكِتَبَ الَّذِينَ أَصْطَفَيْنَا﴾

«Сўнгра Биз бу Китобга Ўзимиз танлаган зотларни (яъни сизнинг умматингизни) ворис қилдик» [Фотир 32]

Бухорий яшаган даврда Ислом бугунгидек ғариб эмас эди. Шундай экан, келинг, ғариблар қаторида бўлиб, Ислом динини юксалтиришга ҳаракат қилиш орқали одамлар бузган нарсаларни ислоҳ қиласйлик.

«بَدَأَ الْإِسْلَامُ غَرِيبًا وَسَيَعُودُ غَرِيبًا كَمَا بَدَأَ، فَطُوبِي لِلْغُرَبَاءِ»

«Ислом ғариб бўлиб бошланди ва у яна ғариблигига қайтади. Ғарибларга Тубо жаннати бўлсин». □

АМИРЛИКЛАР-(ИСРОИЛ) КЕЛИШУВИ ЭЪЛОН ҚИЛИНГАНИДАН КЕЙИН: АРАБ ДАВЛАТЛАРИ ЛИГАСИ ФАЛАСТИН МАСАЛАСИДА ЯШИРИБ КЕЛГАН ХИЁНАТИНИ ОШКОР ҚИЛДИ

– Фаластин маъмурияти Амирликлар (Исроил) билан яқинда имзолаган муносабатларни нормаллаштириш келишувини муҳокама қилиш учун араб давлатларининг фавқулодда йифинини ўтказиш талаби билан чиқди. Араб давлатлари Лигаси Фаластин режимининг бу талабини рад этди ва 9 сентябрда ўтказиладиган навбатдаги йифиннинг оддий йифин бўлишини таъкидлади.

– Амирликлар бошлаган муносабатларни нормаллаштириш тўлқинида, минтақада Фаластин масаласига нисбатан янги сиёсий йўналиш, олдингиларидан бутунлай фарқ қиласидиган ёндашув ва бу масалага фақат Фаластин аҳли масаласи сифатида қараш пайдо бўлиши аниқ. Яъни бу – Фаластин масаласини тугатиш, демакдир.

– Араб давлатлари Лигасининг ҳақиқий молиялаштирувчиси – Амирликлар ва Саудия Арабистони бошчилигидаги Кўрфаз давлатлариридир. Араб давлатларида, хусусан Кўрфаз давлатларида (Бахрайн ва Уммонда) (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришга интилиш мавжудлиги кўзга ташланмоқда. Кувайт муносабатларни нормаллаштирувчи давлатларнинг энг охиргиси бўлишини эълон қилди. Саудияга келсак, бу масалада у бироз кечикмоқда. Чунки у (Исроил) билан ўрнатган муносабатларини очик кўрсатишга журъат қила олиши учун унга кўпроқ вақт керак. У бундай қарорнинг оқибатларидан кўрқмоқда. Қатар эса, (Исроил) билан хос муносабатларни ўрнатиша биринчилардан бўлди. Лиганинг қароргоҳи у ерда жойлашган Сисий Мисрига келсак, у 1979 йили имзолангандан Кэмп-Дэвид келишувидан бери (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириб келмоқда. Бу ерда стол остида (яширинча) муносабатларни нормаллаштира бошлаган Судан ҳам бор. У буни ошкор қилиш арафасида турибди. Муносабатларни нормаллаштириш эълон қилинганидан кейин, қандай қилиб у Араб давлатлари Лигаси бўла олади?! Улар мана шундан кейин, Фаластин масаласи бизнинг устувор масаламиздир, деб қандай айтиша олади?

– Ҳеч шубҳа йўқки, Амирликлар-(Исроил) келишуви, шунингдек, (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириши кутилаётган Кўрфаз давлатлари ва Форс Кўрфазидан ташқаридағи давлатлар билан (Исроил) ўртасидаги келишувлар «Аср келишуви»нинг бир қисмидир. Бу келишув минтақадаги мавжуд сиёсатлар ва иттифоқларни, бинобарин, Араб давлатлари Лигаси, Ислом Ҳамкорлик Ташкилоти ва Кўрфаз Ҳамкорлик Кенгаши каби регионал ташкилотларни ўзгартириб юборади.

Ал-Ваъй: Яҳудийлар билан муносабатларни нормаллаштириш тўлқини – ҳукмдорларнинг Фаластин масаласига қилаётган хиёнатларини эълон қилиш тўлқинидир. Бу келишувнинг исломий халқларга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Қолаверса, бундай келишувларга журъат қилишда ҳукмдорлар қўрқиб, иккиланиб туришибди. Исломий халқларнинг унга қарши ғалаёнга келиши шубҳасиз. Араб давлатлари лигасига келсак, у мустамлакачилар қўлидаги куролдан бошқа нарса эмас. Бу лиганинг Уммат масалаларига ва интилишларига алоқаси йўқ. □

СУДАНДА ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ МАТБУОТ КОТИБИ (ИСРОИЛ) БИЛАН МУНОСАБАТЛАР НОРМАЛЛАШТИРИЛИШИНИ ҚҮЛЛАБ-ҚҰВВАТЛАГАНИДАН КЕЙИН ИШДАН БҮШАТИЛДИ

Судан ташқи ишлар вазирлиги вазирлик матбугот котиби Ҳайдар Бадавий Содиқнинг (Исроил) билан муносабатлар нормаллаштирилишини қүллаб-құвватлагани сабабли ишдан бүшатилганини маълум қилди. Ҳайдар Бадавий 2020 йил 18 августда берган баёнотида Судан билан (Исроил) ўртасида муносабатларни нормаллаштиришга қаратилган алоқалар мавжудлигини айттар экан, Амирликлар билан (Исроил) ўртасида эълон қилинган сўнгги келишувни юқори баҳолаб, «жасорат билан ташланган дадил қадам», дея атаган эди. У – келишув имзоланган тақдирда Судан (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштирган мамлакатлар ичидә ҳатто Мисрдан ҳам эътиборли мамлакат бўлади, дея қўшимча қилди ва «(Исроил) билан араб давлатлари ўртасида ўрнатилган тинчлик халқаро тинчликни рўёбга чиқаришга ёрдам беради», дея таъкидлади. Судан ташқи ишлар вазирлиги матбугот котиби ўз мамлакатининг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириши ҳамма учун, шу жумладан Саудия учун фойдали бўлишини айтди. У яна шундай деди: «Биз (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштирган биринчи давлат эмасмиз. Бизнинг яхудийлар билан алоқаларимиз қадимдан, Мусо алайхиссалом давридан бери бўлиб келган. (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштириши Хартумдаги ҳукумат коридорларида мухокама қиласиз ва биз бошқаларнинг изидан бормаймиз. Бизнинг (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштиришимиз бошқача, ўзига хос бўлади ва у бошқа мамлакатларнига ўхшамайди». Яна шундай қўшимча қилди: «Судан (Исроил)дан фойда олади, биз ундан фойда оламиз. Муомала тенглик асосида бўлиши керак, (Исроил) биздан катта фойда олади». Ҳайдар Бадавий берган баёноти туфайли мансабидан бўшатилганидан кейин (Исроил)нинг расмий «Кан-11» телевидениесига берган интервьюсида баёнот берганидан афсусланмаслигини айтиб шундай деди: «Мен нима учун бундай шов-шов кўтарилиганини тушунмаяпман. Судан ҳатто Амирликлардан олдин (Исроил) билан муносабатларни нормаллаштира бошлаган. Судан президент Жаъфар Намирий даврида Фалаша яхудийларини Эфиопиядан кўчиришда (Исроил)га ёрдам берди». Содик яна шундай қўшимча қилди: «Биз йил бошида Энтеббе шаҳрида (Исроил) бош вазири Биньямин Нетаняху билан учрашган президент Бурхон каби, шунингдек, Амирликлар раҳбарларига ўхшаб жасоратли бўлишимиз керак. Аминманки, (Исроил) билан тинчлик ўрнатиш Судан манфаати учун заруратга айланди».

Кейинчалик, Судан ташқи ишлар вазирлиги матбугот котибининг баёнотида айтилган гапларни инкор қилди ва бундан ҳайратга тушганлигини билдириди. Судан ташқи ишлар вазири Умар Қамариддин матбугот баёнотида вазирлик Ҳайдар Бадавий Содиқнинг баёнотларидан ҳайратга тушди, деди ва бу баёнотлар «ойдинлаштирилиши керак бўлган ноаниқ вазиятни пайдо қилди», деб айтилган гаплари эътиборни тортади. Ҳақиқат эса, бунинг аксиdir. Бу баёнотлар ноаниқ вазиятни фош қилиб, аниқлаштириб қўйди, вазир эса буни ноаниқ қилишни истамоқда. Бошқа ҳукмдорлар хиёнатлари фош бўла бошлаганидек, Судан ҳукмдорларининг ҳам яширин хиёнатлари фош бўла бошлади. Бундай ҳукмдорлар ишдан бўшатилиб, маҳкамага тортилишга лойиқdir. Бу ишлар Суданнинг, шу жумладан ундан бошқа давлатларнинг яширин қилиб келган ишларини ошкора қилиш босқичига ўтиш услубидан бошқа нарса эмас. Буни «ҳукмдорлар хиёнатларининг эълон қилиниши», дейиш мумкин. □

Ал-Ваъй: Судан ташқи ишлар вазири Умар Қамариддиннинг матбугот баёнотида «вазирлик бу баёнотлардан ҳайратга тушди», «ойдинлаштирилиши керак бўлган ноаниқ вазиятни пайдо қилди», деб айтилган гаплари эътиборни тортади. Ҳақиқат эса, бунинг аксиdir. Бу баёнотлар ноаниқ вазиятни фош қилиб, аниқлаштириб қўйди, вазир эса буни ноаниқ қилишни истамоқда. Бошқа ҳукмдорлар хиёнатлари фош бўла бошлаганидек, Судан ҳукмдорларининг ҳам яширин хиёнатлари фош бўла бошлади. Бундай ҳукмдорлар ишдан бўшатилиб, маҳкамага тортилишга лойиқdir. Бу ишлар Суданнинг, шу жумладан ундан бошқа давлатларнинг яширин қилиб келган ишларини ошкора қилиш босқичига ўтиш услубидан бошқа нарса эмас. Буни «ҳукмдорлар хиёнатларининг эълон қилиниши», дейиш мумкин. □